

АБДУРАҲМОН
ЖОМИИ

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Масъул муҳаррир АЗИЗ ҚАЮМОВ
Тожикчадан Олимжон БҮРИЕВ таржимаси

Тошкент
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

БУЮК СУЗ САНЪАТКОРИ

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон мамлакатининг пойтахти Ҳирот шаҳри адабиёт ва санъатнинг шуҳрат топган марказига айланган эди. Бу ерда шоирлар, тарихчилар, рассомлар, хаттотлар, бастакорлар, меъморлар, наққошлар ва бошқа ижод аҳли ажойиб маданий обидалар вужудга келтирилди.

Ҳиротдаги маданий ҳаётнинг пешволари, унинг ташкилотчиси, илҳомчиси ва энг кўзга кўринган арбоблари Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий эдилар. Бу икки буюк ижодкорнинг ҳамкорлиги, дўстлиги, маслақдошлиги тожик ва ўзбек маданиятининг бирдамлиги, узилмас қардошлиги ва самарали натижаларининг яққол тимсолидир. Абдурахмон Жомийни Навоий ўзининг устози, муршиди деб билган, унга чексиз эҳтиром кўрсатган. Жомий ҳам Навоийни буюк ижодкор сифатида гоё эъозлар, унинг дўстлигини юксак қадрлар эди.

Жомий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш у ҳаёт пайтидаёқ бошланган эди. Навоий ўзининг «Хамса» асарида Жомийга махсус облар бағишлаган. Уларда ўз устози ва буюк ижодкорнинг ҳаёти, шахсияти, ижоди тўғрисида қимматли фикрлар изҳор этди.

Жомий вафотидан кейин эса Навоий Жомийга бағишланган «Хамсатул-муғахаййирин» («Беш ҳайратлангирувчилар») асарини ёзди. Унда Жомийнинг ҳаёт ва ижод йўли, ўзининг устоз билан мулоқоти, ёзишмалари тўғрисида ҳикоя қилади.

Шунингдек, Жомийнинг шогирдларидан Абдулғофур Лорийнинг «Такмила бар «Нафохотул-унс» («Нафохотул-унс»га қўшимча) асари, Навоийнинг топшириғи билан Абдул Васеъ Низомий томонидан ёзилган «Мақомоти Мавлави Жомий» («Мавлавий Жомийнинг турмуши») асари улуг ижодкор ҳаётини тўла ёритади.

Абдурахмон Жомий 1414 йили Жом вилоятида туғилган. Унинг ота-боболари ўз замонасининг ўқимишли, обрўли кишиларидан эдилар. Бўлажак шоирнинг болалик йиллари ўз шаҳрида кечди. Сўнг Ҳиротга келди ва Низомий мадрасасида таҳсил олди. Шу пайтдан у Жомий тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. Ҳиротда эканида у ўз даврининг улуг алломалари Саъдиддин Қошғарий, Шайх Баҳовиддин Умар, Мавлоно Боязид Пуроний, Мавлоно Муҳаммад Асад каби зотлардан таълим олди. Шундан сўнг Жомий ўз таҳсилни мукаммалламоқ ниятида Самарқандга келди. Бу ерда Улуғбек мадрасасида ўқиди. Самарқанддан Ҳиротга қайтгач, Жомий бутун умри давомида ижодий фаолият билан машғул бўлди.

Жомий билан Навоий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик хусусан 1469 йили Хуросонда Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ривож топди. Шу йили Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтиб келган ва мамлакатдаги баланд нуфузли зотлардан бири бўлиб танилган эди. Бу дўстлик бир умр давом этди.

Жомийнинг шеърини тўпламлари, дostonлари, фалсафа, филологияга

Жомий, Абдурахмон.

Лайли ва Мажнун; Саломон ва Абсол, Масъул муҳаррир ва «Ўзбекистон» (Қаюмов). — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — 224 б.

Абдурахмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол» дostonлари форс-тожик тилидан илк бор ўзбекчага ағдарилиб, нашр этилмоқда. Ҳар иккала дoston Шарқ классикаси дурдоналаридан ҳисобланиб, соф севги ва абадий садоқат, одамийлик, меҳр-оқибатни тараннум этади. «Саломон ва Абсол» ўзига хос фалсафий-ахлоқий асардир. Жомийнинг мазкур асарлари кенг китобхонларга мўлжалланган.

Джами, Абдурахман. Лейли и Меджнун; Саломон и Абсол.

С (Тож) I

© Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й.

Д 4702020202—188 Дош. 89
М 952 (04)—89

ISBN 035-00700-3

она илмий асарлари жуда кўп. Жомийнинг ўзи 1490 йилда тузган куллиётда¹ ўттиз саккиз асар бор. Бу куллиёт тузилгандан сўнг ёзилган саккиз асар ҳам мутахассисларга маълум. Шундай қилиб, Жомий қаламига мансуб 46 асар аниқланган.

Жомий ўзининг беш асарини йиғиб «Панж ганж» («Беш хазина») ёки «Хамса» тузган. Бу китобга «Тухфатул-аҳрор» («Эркинлар тухфаси»), «Сабҳатул-аброр» («Яхшилар тасбиҳи») каби фалсафий-ахлоқий мазмундаги шеърли асарлар; «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадноман Искандарий» дostonлари кирди. Бу беш асарни Жомий 1485 йили ёзиб тугаллади. Яна 1485—1486 йиллари «Силсилатуз-заҳаб»нинг иккинчи ва учинчи дафтарларини ёзиб тугаллади («Биринчи дафтар» 1468—1472 йиллари ёзилган эди). «Саломон ва Абсол» дostonи эса 1480 йили яратилди. Жомийнинг «Панж ганж» асарига «Силсилатуз-заҳаб» («Олтин занжирлар») ва «Саломон ва Абсол» қўшилиб бу етти асардан иборат тўплам «Хафт авранг» («Етти тахт») деб аталди.

Жомийнинг лирик шеърлари уч девонга жам этилган. Бу девонларга Навоийнинг маслаҳати билан Жомий алоҳида-алоҳида от қўйиб чиққан. Биринчи девон («Девони аввал») «Фотиҳатун-шабоб» («Ешлик оғози»)дир. Иккинчи девон («Девони соий») «Васитатул-иқд» («Марварид шодалари») деб аталган. Учинчи девонга («Девони солис») эса «Хотиматул-ҳаёт» («Турмуш якунлари») деган ном қўйилган.

Жомийнинг бошқа асарлари ижтимоий тафаккур ва илмнинг турли соҳаларига оиддир.

Абдурахмон Жомий 1492 йили 8 ноябрь куни Ҳирот шаҳрида дунёдан ўтди. Унинг мотам маъракасига Алишер Навоий бош бўлди. Жомийнинг жасадини иззат-ҳурмат билан Ҳиротдаги Темурийлар мақбарасига дафн этдилар. Жомий оромгоҳи ҳамон Ҳиротда мавжуд ва у ижод муҳлисларининг зиёратгоҳига айланиб кетган.

Жомий ижодининг туб моҳияти инсон ва инсонийликни куйлашдан иборат. Улуғ мутафаккир шоир инсонни гоят баланд тутар, унинг юксак ва олийжаноб маъқени ҳамisha зўр илҳом билан таъкидлар эди. Инсонни улуғловчи, унинг руҳий дунёсини бойитувчи, инсонни унинг олий мартабасига муносиб этувчи омиллардан бири севги ва вафодорлик туйғуларидир. Севги бор жойда ёвузликка ўрин бўлмайди, Севгувчи қалб фақат эзгуликка мойил бўлади.

Мақбултарин фасона ишқаст,
Мағбуьтарин тарона ишқаст.

Маънос:

Муҳаббат энг гўзал афсонадир,
Муҳаббат энг ёқимли таронадир.

И-ояд аз бедадон шеваи ишқ,
Маъҳабби ишқ саросар адаб аст.

Маънос:

Бедаблар ишқ йўлидан йироқдир

(Чунки) Ишқ маъҳабби (йўли) бошдан-оёқ олобдан иборатдир.

¹ Бу куллиёт Тошкентда ЎзФАнинг Биринчи номли Шарқшунослик институтида сақланади. Ив. № 1331.

Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи ана шундай чин инсоний севгини улуғлайди. Дoston қаҳрамонлари Қайс (Мажнун) ва Лайли соф ва самимий севги соҳибларидир. Уларнинг муҳаббати жуда кўп тўққинликларга дуч келади. Аммо ҳеч қандай гов бу севгининг йўлини тўса олмайди. Жомий ўз қаҳрамони Қайсни даставвал оддий, софқўнгил, бирор таъсирга тезда берилувчан йиғит сифатида тасвирлайди. Қайс гўзал қизларни ёқтиради, уларни излаб қабилама-қабила сайр этар эди. У бир қабилада Қарима деган қизни кўриб уни ёқтирди. Аммо қизнинг кўнгил бошқа бир йиғитда эканини сезгач, ранжиб у қабиладан кетди. Бу Қайс ҳали севги нима эканини билмайди. Унда фақат ёшлик гурури, гўзалликка мойилликки бор. Қайснинг характери, табиатидаги катта ўзгариш Лайли билан учрашгандагина содир бўлди. У Лайлини кўрган заҳотиёқ унга кўнгил берди. Қайс энди чин муҳаббат соҳибига айланди. Ундаги енгил-елпи ҳислар бу севги оташида куйиб кул бўлди. Фақат Лайли, унинг хаёли, Лайлига етишмоқ орзуни Қайснинг бутун борлигини, вужудини қамраб олади. Қайс Лайли муҳаббатида ўз яқинларидан, қабиласидан, жамиятдан чекинди. Бу севги олови Қайснинг тоқатини тоқ этган, унинг вужудига ўт қўйган, унинг Лайлидан бошқа ҳамма нарсани унутмоққа мажбур қилган эди. Бу севги изтироблари Қайснинг фикру ёдини шунчалар чирмаб олдики, унга Лайлининг хаёли, Лайлининг гўзал ва порлоқ сиймосидан бошқа ҳеч нарса керак бўлмай қолди. Қайс ҳатто Лайлининг ўзи келганида ундан жисмонан юз ўгиради. Чунки у фақат Лайлининг ёди билангина хурсанд, шу билангина банд бўлиб қолган эди. У Лайлига интизорликда қуриган дарахт сингари қотиб қолган, Қайснинг ўсиб кетган сочлари орасига қушлар ин қурган эдилар. Лайли севгили ёрнин бундай аҳволда кўриб қаттиқ куйинди. Аммо Қайснинг рад жавобини эшитгач, Мажнундаги муҳаббат тобининг ҳароратини сезди. Бу ҳарорат туйғули бечора ошқанда ўз ёрининг жисми, кўривини-шига эҳтиёж қолмаганини фаҳмлади.

Севгида Лайли ҳам гоят вафоли, садоқатли, фидокордир. У ўз Қайси учун жонини бермоққа тайёр. Аммо турмуш шароитининг тақозосига кўра Лайли чидам ва сабот билан иш тутмоққа мажбур. Лайли ўз отасининг измидан чиқа олмайди. Отаси эса Қайсга ўз қизини бермасликка қасам ичган.

Олийжаноб ва покиза севги қаҳрамонлари Қайс ва Лайли ўзлари яшаб турган муҳитда ҳукмрон бўлган паст ва олчоқ тушунчаларнинг қурбони бўлдилар. Аммо уларнинг оташин севгиси бутун-бутун авлодларга муҳаббат, вафо, фидокорлик сабоғини ўқитиб келмоқда.

Жомийнинг «Саломон ва Абсол» дostonи ўз моҳияти эътибори билан «Лайли ва Мажнун»дан катта фарқ қилади. Жомий бу дostonни ақл, тадбиркорлик, соғлом фикр билан иш тутмоқ тўғрисидаги таъсирли бир ўғит сифатида яратган. Еш ва гўзал йиғит Саломон билан унинг тарбиячиси гўзал жувон Абсол ўртасидаги яқинлик тимсолий мазмундадир. Жомийнинг ўзи тушунтириб ёзадики, Саломон образи бу — руҳ. Абсол эса — жисм. Жисм жонни севади. Чунки агар жон бўлмаса жисм бир ўлик тана бўлиб қолади. Саломон ва Абсолнинг денгиз ўртасидаги бир оролда ёлғиз машаққат беришлари ҳам тимсол. Чунки денгиз ҳирс ва унинг интилишларини аглаатади, Саломон ва Абсолнинг гулханга ўзларини ташламоқлари — тозаланув. Жисм ўтда куйиб кул бўлди. Руҳ эса омон қолди. Шу билан у ҳирслардан тозаланди. Саломоннинг Зухрага майли эзгулик ва маънавий камолотнинг галабасидир. Чунки Зухра ана шу камолот тимсолидир.

Шундай қилиб Жомий кичик бир дostonда жуда қизикarli ва бадий жиҳатдан мукамал равишда эзгулик, маънавий камолотга

етишув дарсини ўқитади. У кишиларни тубан ҳислардан тозаланиб, маънавий баркамолликка эришувга қорлайди.

Абдураҳмон Жомийнинг ижодий мероси гоят бой ва ранг-баранг. Бу мерос бизга асосан тўласича етиб келган. 1964 йили Жомийнинг 550 йиллик юбилейи Тожикистон ва Ўзбекистонда кенг кўламада нишонланди. 1989 йили эса бу буюк «ўз санъаткорининг туғилганига 575 йил тўлади. Бу халқларимиз уртасидаги биродарлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.


Қўлингиздаги ушбу китобча ана шу шонли сана муносабати билан нашр этилмоқда. Жомийнинг «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол» достонларини шоир Олимжон Бўриев тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Таржимага асос қилиб 1964 йили Душанбе шаҳрида нашр этилган Жомий асарларининг беш томлиги олинган. Олимжон Бўриев Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонини, унинг ғазалларидан бир нечасини ҳам тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Қобилиятли ва меҳнатсевар шоирнинг улуғ устоз Жомий асарларини ўзбек китобхонига етказиш соҳасидаги бу ҳаракатларини имкон борича қувватламоқ керак.

Биз ҳали Жомий меросини ўзбек китобхонига тўласича етказа олганимиз йўқ. Бу соҳада ҳали талай ишлар олдинда.

Жамиятимиз ўз ҳаётини тубдан қайта қураётган, ўз тараққиётини тўла-тўқис таъминламоқ учун ғайрат ва илҳом билан меҳнатга шай турган ушбу кунларда улуғ санъаткор Жомий асарлари ҳам шу олий мақсадни амалга оширмоқда хизмат қилажаги шак-шубҳасиздир.

АЗИЗ ҚАЮМОВ

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН



Эй сенинг тупроғинг, камолот тожи,
 Жунунинг донолар ақли ривожи...
 Кучли ва навқирон эдим бир чоғлар,
 Қалбимда йўқ эди ҳасрату доғлар...
 Йўлингга термулиб турибман бугун,
 Ечиб дилимдаги гуноҳдан тугун.
 Қўлимда қолмади қувватим зинҳор,
 Йўқдир оёғимни босмоққа мадор...
 Бошимни қоплаган оппоқ ғубордир,
 Маъюслик булути ёғдирган қордир.
 Кексалик ғамидан қорайиб куним,
 Оҳ, десам, самони қоплар тутуним.
 Замин узра қанча қор ёғса агар,
 Гулу ёсуманлар шунча гуркирар.
 Бошим узра ёққан бу қор беомон,
 Дилимга санчилиб сингувчи тикон...
 Бу кўҳна дунёда яшаган одам —
 Ҳаёти лаҳзада ёниб ўчган шам.
 Борлиқни англаган мутафаккирлар,
 Донолик илмида равшанфикрлар,
 Англаб самовотнинг сирли хитобин,
 Ўқиғай дунёнинг чигал китобин.
 Нури назарлари тушгани заҳот,
 Шубҳасиз ечилар ҳар бир мушкулот.
 Ақл кучи билан қилсалар таъсир,
 Уларга аёндир ҳар муаммо-сир.
 Қоғозда қандай из қолдирса қалам,
 Улар маъносини англағай шу дам.
 Ечилмай қолса гар қайда бир чигал,
 Уларнинг чекига тушар ҳар маҳал.
 Равона бўлишгай юксак самога
 Ва ундан юқори арши аълога.
 Ўқишса қайдаким бир латиф калом,
 Уни ёзган қўлга этиб эҳтиром,
 Сидқу садоқатдан келиб ҳар важда,

Қаламкаш қошида қилишар сажда.
 Унинг жаҳонида не бўлса агар,
 Жисмидан жонгача бўлар жилвагар.
 Юз элат орага қўйса гар оёқ,
 Барчаси бир жойда бўлур иттифоқ.
 Доира маркази бўлса намоён,
 Томчида акс этар бутун бир жаҳон.
 Бари бир муҳитда бўлиб саранжом,
 Мангулик қаърида топади ором.
 Доира ичида кўринган битик,
 Ҳар бири муҳитга етиб борар тик.
 Доим эзгуликка интилса инсон,
 Қадри кетиб бўлмас шунда пушаймон.
 Эй, ёниб, ўртаниш майлида юрган,
 Ҳар икки жаҳондан юзини ўгирган.
 Ўзингни беҳуда қийнамагин ҳеч,
 Беҳуда ташвишдан вақт борида кеч!..

Содиқлар ишқи ва ошиқлар садоқати ҳақида

Ишқ сўзи янгради илк субҳидамда,
 Севги қудрати акс этди қаламда.
 Ғойибдан бошини кўтарди қалам,
 Юзлаб ғўзал нақш этди мужассам.
 Пайдо бўлди кейин зангори осмон,
 Замину замону гадою султон.
 Севгисиз билинмас яхшию ёмон,
 Севгисиз аслида инсонмас инсон.
 Бу пештоқи баланд ложувард фалак,
 Туну кун ер узра айланар ҳалак.
 Севги бўстонида нилуфар эрур,
 Севган тўпи унинг қуёш-зар эрур.
 Тошни ёрадиган ишқ қудратли куч,
 Эритар темирга агар келса дуч.
 Темирдан зиёда ишқдаги бардош,
 Тош ичини ёриб чиқаради бош.
 Тошларга қараки ушбу жаҳонда,
 Темирнинг ишқида эрир армонда.
 Ошиқлар қиёсин ўшалардан ол,
 Севикли ёрига фақат боқар лол.
 Севгида бўлмасин қанча дард, алам,
 Покиза дилларга у эрур малҳам.
 Вайрона фалакнинг азобидан дод,
 Ким севги ғамидан бўлибди озод?!
 Ким бўлмасин, насткаш ё олийжаноб,

Севганда чекади бир хилда эзб.
 Лекин дўстдан дўстнинг фарқи дунёда
 Данагу пўчоқдан эрур зиёда.
 Маъшуқи зар бўлса ошиқи сиймдир,
 Бир-бирисиз улар бағри тилимдир.
 Маъшуқлик гўёки боғдаки тоқдир,
 Боғдан айро бўлса сийнаси чоқдир.
 Тасанно унгаким, излаб севгили
 Бу дағдағалардан ювилди дили.
 Турфа нозанинга бўлиб маҳлиё,
 Дўстлар мажлисида эди дилоро.
 Ағёр жафосини кўрмаган эди,
 Гулдек тикан доғин сўрмаган эди...
 Жону дилдан унга айлағач таъсир,
 Табаррук бир пирга у бўлди асир.
 Нуроний юзидан сочарди зиё,
 Суман янглиғ эди сочлари гўё.
 Рухлар ойинаси эди жамоли,
 Зафарлар калити эди мақоли.
 Унга ихлос билан ким боғласа дил,
 Тез орада бўлар муроди ҳосил.
 Гул бўлур у сенинг кўнгул боғингда,
 Кўприқдир дарёдан ўтар чоғингда.
 Бу ишқдан ҳар кимки бенасиб бўлгай,
 Жаҳонда эл ичра у ғариб бўлгай,
 Не бўлгай сирдоши, не хонадони,
 Не бордир инсонлик ному нишони.
 Дерлар, бўлган экан шундай ҳодисот,
 Оғзига қаратиб элни бир устод,
 Севги дафтаридан сўз этиб баён,
 Ошиқлар ҳақида ўқиркан дoston,
 Бир эшак йўқотган одам жонсарак,
 Келиб эшагидан сўрабди дарак.
 Ҳайқириб дебдики, устоз ўша дам,
 — Борми шу орада севмаган одам?
 Асло ишқ жафосин тотиб кўрмаган,
 Бир гўзал ҳажрида йиглаб юрмаган?
 Уридан қўзғалди бир содда киши,
 Умрида дард билан бўлмаган иши.
 Ул менман, дунёга устун бўлган жон,
 Баҳраманд бўлмадим ишқдан ҳеч қачон.
 Эшак йўқотганга дебди, кела қол,
 Мана шу эшагинг, нўхта солиб ол!
 Бунинг эшакликдан ўзга ғами йўқ,
 Узун қулоғидан бошқа ками йўқ.

Ишқ туфайли одам одам бўлгуси,
 Ишқ туфайли дўсту ҳамдам бўлгуси.
 Ҳар кимки ошиқмас, одам эмасдир,
 Базмга муносиб маҳрам эмасдир./
 Севги тузоғига Жомий бўлиб банд,
 Узгил ишқдан бошқа ташвишдан пайванд.
 Фақат ишқдан сўзла, тингла босубут,
 Ишқдан бошқа сўзга айлагин сукут!

Бу китобнинг ёзилиш сабаби ва бу хитобнинг тартиби бойси

Ҳар неки донолар билишса охир,
 Гўзал сўзлар билан этишгай зоҳир.
 Кўнгулга ёқувчи фасона ишқдир, ✓
 Дилни эркаловчи тарона ишқдир. ✓
 Бу сирлар пардасин олиб ташладим,
 Шу янглиғ қиссани тўқий бошладим.
 Кўнглим тўти каби бўлиб хушбаён,
 Юсуфу Зулайхо яратдим дoston.
 Килкимдан тўхтовсиз тўкилиб шакар,
 Сўзим ширинлашиб борди нақадар.
 Ундан ҳаяжонга келиб бу жаҳон,
 Ошиқлар қалбини айлади шодон.
 Саховат булоғи эди бокира,
 Ундан ташналигим қонмади сира.
 Кўнгул қушим излаб ўзга бир маъво,
 Истар эди яна айласа наво.
 Қуръа ташлаганда эзгу фол учун,
 Бўзлаб пайдо бўлди қаршимда Мажнун.
 Бундан олдин гарчи ул икки устод,
 Юксак сўз қасрини этганди бунёд.
 Сўзга заргарона беришиб жило,
 Сўз билан оламни этиб истило.
 Ганжанинг ганжидан у сочди гавҳар,
 Ва Ҳинддан тўтидек бу сочди шакар.
 У наю ногора чалгани замон,
 Бу маъно келинин этди хиромон.
 Бири тошга ўйиб ёзди назм ила,
 Бири безак берди унга азм ила.
 Бири ҳайрат-ла мавҳ этди оламни,
 Бири сеҳри-ла лол этди одамни.
 Мен ҳам бел боғладим бу бодияда¹,

¹ Бодия — саҳро.

Изларидан кетдим йўрга бияда.
Хар жойга етганда улар суриб от,
Улардан қоларди файзли хотирот.
Йўл юриб бияда ҳолим бўлди танг,
Улар губорига етолдим аранг.
Етиб бўлолмадим гарчи ҳамнафас,
Менга чеҳрамдаги губори ҳам бас.
Ул губор бахш этди танимга дармон,
Бошимга сочилди илоҳий эҳсон.
Йўқ, йўқки денгизга фарқ бўлганим зум,
Тупроқдан не учун қилай таяммум?¹
Излаб тепсам эди ҳиммат булогин,
Ювардим юзимдан ул губор доғин...
Гавҳарни эпласанг олавер кондан,
Ожизлар олади дурни дўкондан.
Измигда турганда Дажласи алҳақ,
Мешкобчи сувига бўлмасман илҳақ.
Айлаб ҳовучининг бамисоли жом,
Тўйиб аригиндан сув ичсанг мудом,
Ўзга қудуғидан олтин косада,
Ўзатилган сувдан авло — озода.
Эҳсон денгизда бўлмагай бахил,
Лекин жуда ноёб покиза кўнгил.
Чашманинг кўзини беркитибдир тош,
Сув қандай тагдан кўтаролгай бош.
Сарчашма тошини кўтарсам зора,
Атрофга таралгай сувдан фаввора.
Суви ариқларда оқсин жўш уриб,
Ичкизай, ҳам ўзим роҳатин кўриб.
Ҳойибдан оллоҳим айла садоға,
Мангулик шаробин мендек гадоға.

**Ою йили битиб оламдан ўтганларни ёд этмоқ
ва баъзи истеъдодлилар дуосида сўз**

Жоним фидо сенга эй соқийи жон,
Сабухий майингдан этгил армугон.
Ул майки, ошиқлар нимоғи раво,
Тонгда кўнгулларга бахш этур сафо.
Субҳидам йиғилиб баҳам ўтирсак,
Унинг шуъласида бир давра қурсак.
Базмга улфатлар бўлиб келса шай,

Гўзал латифалар айтсак бир талай.
Улар-ла бир маҳал қадрдон эдик,
Ўзаро дўст эдик, меҳрибон эдик,
Бир орзу йўлида ташлардик қадам,
Бир адаб сабоғин ўрганиб баҳам.
Дўст эдик яқину йироқ то ҳануз,
Бирга бўлмасак то тотмас эдик туз.
Бизни энди улар ташлаб кетдилар,
Ғамдан дилимизни ғашлаб кетдилар.
Лоладек жудомиз улар боғидан,
Сийнамиз қародир улар доғидан.
Жойлари жаннатнинг боғида бўлсин,
Жомларига кавсар зилоли тўлсин.
Соқий қайғу олар майингдан бергил,
Дилга шодлик солар майингдан бергил.
Ул майинг, кўнглимни қайта шод этсин,
Ўтганлар хотирин менга ёд этсин.
Йўқликка кетган ул доно ҳакамлар,
Поклик базмидаги собитқадамлар.
Ёруғ маслак учун интилган пирлар,
Ҳақиқат чоҳига қулаган шерлар,
Кечиб манманлигу сохта шуҳратдан,
Борлиқ сирларини тугал кашф этган.
Доим юраклари доғ-доғ эдилар,
Жаҳолат аҳлига чароғ эдилар.
Улардан қоронғу кечада мардум,
Бўларди маърифат нури ичра гум.
Уларким чароғу шамдан қутулди,
Нурга фарқ бўлишиб ғамдан қутулди.
Қаерда улардан қолса агар из,
Қамолот манбаи у хок шубҳасиз.
Бошимиз уларнинг фидоси бўлсин,
Жонимиз уларнинг адоси бўлсин!
Соқий юрагимиз бўлди биздан ғаш,
Вужудимиз эрур қайғуга талаш.
Май бергил бизларни этмайин вавос,
Бир лаҳза кибрдан айлагил халос...
Бергил ўша қуёш майидан олиб,
Афсонавий Жамшид жомига солиб.
Ул шароб эзгулик шуъласин сочсин,
Мозий ва келажак тарихин очсин.
Баҳром қайда, унинг гўри қаерда?
Оламнинг шер каби зўри қаерда?
Ковус нима қилди ноғорасини?
Самовий қасрию минорасини?

¹ Т а я м м у м — таҳорат.

Чингизки бу даштда эди бир бўри,
 Дастидан қуриди саҳронинг шўри.
 Улим чангалида тулкилик қилди,
 Уруш майдонида ожиз йиқилди.
 Темуршоҳ эдиким бир метин девор,
 Ёв уни қулата олмасди зинҳор.
 Ҳолдан тойиб бўлди охир мисли мум,
 Жон берди тўплаган мулкидан маҳрум.
 Шоҳрух давр сурди саодат билан,
 Таралди шуҳрати адолат билан.
 Буларнинг сафида вақт етган маҳал,
 Бир рух суриб шоҳни мот этди ажал.
 Соқий бир нафасга қилмай баҳона,
 Майфурушдан келтир икки паймона.
 Ул майдин дуолар айласа кўнгул,
 Одил шоҳ ҳақиға бўлгуси қабул.
 Ул шоҳки, зулмдан доим ор қилгай,
 Адлу карамини бир шнор қилгай.
 Адли паноҳида бўлса тахту тож,
 Унинг-чун дуога йўқдир эҳтиёж.
 Форуқ¹ мангуликка қараб йўл олди,
 Адли овозаси оламда қолди.
 Ҳажжожнинг ажали етгани замон,
 Зулми зулматидан қутулди жаҳон.
 Унисн одиллик бирла топиб ном,
 Жаҳнат боғларида олгуси ором.
 Бунисн зулм этиб етказган жафо,
 Дўзах азобига бўлгай мубтало.
 Яхшилар ўғитин тинглаб ҳар одам,
 Ибрат олса бўлмас ҳеч маҳалда кам.
 Майли нокасларнинг устидан кулсин,
 Лекин эзгу ишга сафарбар бўлсин.
 Қадимий майингдан бергил, соқие,
 Лаълу ёқут каби бўлсин сержило.
 Дўстлар ул шаробни ичса ҳар замон,
 Бўлур бир-бирига яна меҳрибон.
 Оромн бўлгай ул беқарорларни,
 Пайванд айлагай у жудо ёрларни.
 Икки севишгани қовуштирса гар,
 Орзу ниҳолидан унадн самар.
 Умид хазинасин калити ёрдир,
 Ҳаётинг у бирла шод, бахтиёрдир.

Вужуднинг мақсуди недир ғайри ёр?
 Ёрсиз, бу савдонинг не кераги бор?
 Вужудинг топгунча буткул инқироз,
 Бирор қуш этолмас ёр каби парвоз.
 Дўстлик боғидаги махсус хушқалом,
 Вафо шоҳидадир Навоий мудом.
 Гўзал сўзлар билан наво айлагай,
 Озурда дилларни даво айлагай.
 Бундан бошқа ишнинг бўлмас адоси,
 Жаҳонда дўстлари бўлсин фидоси!
 Соқий, тонг маҳали мушкин сочадир,
 Насминн уфуриб дилни очадир,
 Майхонадан бир ҳид келди димоққа,
 Қўзангни кўтариб боргил у ёққа.
 Ул майки, ёқади жонни шамсимон,
 Ақл парвонасин айлайди қурбон.
 Ақлни куйдиргач севги авж олар,
 Чумчуқ хумой бўлиб чиқаради пар.
 Ақл ҳийласидан ўзингни қутқар,
 Оқила аёлга дуч келсанг агар,
 Ишқидан дилингда қолмагай ғубор,
 Ҳаётинг кечади шоду бахтиёр.
 Қайда севги бўлса, ошиқ фидодир,
 Қайда ақл бўлса макру риёдир.
 Жомий, жунунликда ошиқларга хос,
 Ҳийла тузишдан эт ўзингни халос.
 Бу шарафга нойил бўлмаганда ҳам,
 Севги савдосидан чиқма бир қадам.
 Ултириб тўқигил фасона афсун,
 Ул одамки эрди, севгидан мажнун.

**Лайли ва Мажнун достонининг бошланиши, ул паранжи
 тутган ифбатли гўзаллар маликасига бу ишқ ва
 муҳаббат султонининг асир тушгани**

Муҳаббат тарихин ёзгучи одам,
 Сўзга оро бериб, сурганда қалам.
 Ошиқлар шоҳидан сўз очган замон,
 Саҳифада этди фикрини баён.
 Омирийлардан бир эътиборли бой,
 Шараф тахти узра чарақлаган ой.
 Арабга муносиб ҳукмрон эди,
 Ажамга севикли меҳрибон эди.
 Молу мулку кўшқу қасру саройи,
 Чексиз эди яна ер-суви, жойи.

¹ Форуқ — иккинчи халифа Умарнинг лақаби.

Чодирри кўп эди ҳаддан зиёда,
 Муқим яшар эди тоғу саҳрода.
 Араб дашти эди измига қарам,
 Обод бўлар эди у қўйса қадам.
 Суруви ёйилиб бир неча фарсанг¹,
 Саҳро оҳулари жойин этар танг.
 Уркачли туяга тўлганда ҳар ёқ,
 Гўё ер юзини қоплар эди тоғ.
 Улар гоҳи ўтлаб кечгани чоғлар,
 Ердек текис бўлиб қоларди тоғлар.
 Юрарди йилқиси ёйилиб ҳар ён,
 Саҳрони тўлдириб мисоли қулон.
 Эшигини очиб у мезбонликда,
 Кутиб олар эди меҳрибонликда.
 Ҳар шом тоғу даштда ёришгунча кун,
 Олов ёқар эди меҳмонлар учун.
 Ҳожатраволари уни кўрса шод,
 Вайронаси бўлур лутфидан обод.
 Араб аҳли аро эди аржуманд,
 Доим эҳсонидан эли баҳраманд.
 Сулаймон муҳрини айларди барбод,
 Саховати эди Ҳотамдан зиёд.
 Араб улуглари айлаб хушомад,
 Ер ўпар эшиги олдида беҳад.
 У билан дўстликни айлаб ихтиёр,
 Ажам подшоҳлари эди бахтиёр.
 Минглаб позанинга соҳиб ул буюк,
 Ун ўглини баридан кўрарди суюк.
 Умр дарахтидан ҳар бири гўё,
 Орзу осмонда эди бир дунё.
 Лекин барчасидан кичкина фарзанд —
 Меҳрига дилини этгани пайванд.
 Ҳа, қўлда ўн бармоқ эрур чамбарчас,
 Урганда мушт бўлиб тугилади бас.
 Барчада бўлса гар хоҳ тўй, хоҳ мотам,
 Энг кичик бармоққа тақилгай хотам².
 Ҳа, умид буржидан олгуси у жой,
 Ё тўкис қуёшдек, ё мисоли ой.
 Тўлин ой сингари ҳусни бароти,
 Йўқ эди қиёси, Қайс эди оти.
 Ун тўрт ёшга қадам қўйганда ўғлон,

¹ Фарсанг — 6 км. га тенг масофа.

² Хотам — кичик узук, муҳр.

Ун тўрт кунлик ойдек эди нурафшон.
 Қизил дудоқлари эди хушбичим,
 Ойдек ёноғида қаро зулфи «жим».
 Манглайи ой янглиғ эди чароғон,
 Қуёш ерга тушгай ҳуснидан ҳайрон.
 Қоши гўзалларни айлар мубтало,
 Покдинлар меҳробдек этишгай дуо.
 Қомати дилфириб гўзал бир ниҳол,
 Хаста кўнгулларга лаби эрур бол.
 Лаби гўё қилдан тугилган «мим»дир,
 Бели нозикликда қилдан яримдир.
 Бақбақаси кумуш олма мисоли,
 Ҳали чиқмаганди мурту соқоли.
 Дилбар гўзалларнинг қомати ҳар дам,
 Тўпини олай деб, бўлар эди хам.
 Саришта хулқ эди бошдан то оёқ,
 Одобдан кўнглига битилган сабоқ.
 Нозик истеъдоди бўлиб ҳувайдо,
 Донм шеър тўқишга эди у шайдо.
 Лаъл каби лаблари юмилгани чоқ,
 Узгалар гапига тутарди қулоқ.
 Ғунчадек лаблари очилган замон,
 Минг ўйлаб, сўнг этар фикрини баён.

Ҳурлар қоши каби қалами қора,
 Қоғозга нақшлар солгай юз бора.
 Жамъи хаттотларга тушиб инқироз,
 Унинг битигидан яшнагай қоғоз.
 Ўзига ўхшаган ёшлар билан у,
 Тўпланиб мисоли бир гала оҳу,
 Доимо қилишар бирга сайру гашт,
 Гоҳи тоғ, гоҳида кезишарди дашт.
 Гоҳи этак ёзиб, чопар тоғ томон,
 Тоғлар каклигидек бўлиб хиромон,
 Гоҳ сўлим водийни айлабон маъво,
 Шодликдан ғижжаги қиларди навс
 Гоҳи булоқларга термулиб хумарт,
 Дилдидан ювилиб кетарди ғубор.
 Гоҳи чаманзорга етса қадам **СРЕ**,
 Қолмасди дилида тириклик ғами.

Ҳар хил баҳонада ташларди қадам
 Йўқ эди дилида замонадан ғам **Беш**
 На севги ўтидан жигари куйган **Бир с**
 На шавқдан киприги селобин қуйган

На сабру бардошин барбод айлаган,
 На ишқдан ошиқдек фарёд айлаган.
 Фароғат уйқуси элтиб ҳар шом,
 Парқу тўшагида оларди ором.
 Орзу эшигини очгач субҳидам,
 Ҳар томонга шодон ташларди қадам.
 Дил орзуси бўлса нимага мойил,
 Шубҳасиз бўларди муроди ҳосил.
 Ота кўзи унинг ҳолидан равшан,
 Она қасби унинг ҳуснидан гулшан.
 Етмаганди ҳали кўнглига озор,
 Билмасди неларга бўлишин дучор...

**Мажнуннинг қабила гўзалларидан бирига ва
 шириншамойил маҳбуба асирига айлангани ҳамда
 унинг ўзгага илтифотидан кўнгили узиб, кетгани**

Севгидан яралса кимнинг тупроғи,
 Кўнгили лавҳасида бўлар ишқ доғи.
 Бир умр ювмоққа вақт этса ҳам сарф,
 Кўнглидан ўчмагай севги деган ҳарф.
 Ҳар лаҳза бир ёрга томон солса йўл,
 Урса бир гўзалнинг этагига қўл.
 Ҳар жойда жон билан бўлса харидор,
 Оқибат ишқига бўлар гирифтор.
 Қайс гўё ақлдан ажралиб буткул,
 Эл оғзида мажнун лақаб олиб ул.
 Ҳали бўлмай туриб асири Лайли,
 Бор эди гўзаллар ҳуснига майли.
 Туяси йўл юриб тинмас ҳеч қачон,
 Тўрлай ўлкаларга бўларди равон.
 Сочлари қизариб мисоли шафақ,
 Занжийлар сочидек эди жингалақ.
 Бўйнию сочидан унинг бир мисол,
 Шафақдан кўриниб тургандай ҳилол.
 Юришдан тўхтамас баайни фалак,
 Тоғу дашти кезиб юрарди ҳалак.
 Водийларни кезиб селдек ўтарди,
 Чўққилардан ошиб елдек ўтарди.
 Йўлдан кезавериб қолдирарди из,
 Товонлари айлаб йўлларни текис.
 Ҳар кун туясига миниб йўл юрар,
 Диёрдан-диёрга жуда мўл юрар.
 Ҳар элатга кириб боргани замон,
 Изларди ўзига бир гўзал жонон.

Кунлари шу хилда кечарди э, воҳ,
 Ўтди бир қишлоқдан у яна ногоҳ.
 Ҳар тарафга нигоҳ ташлаган чоқда,
 Бир гўзал маконни кўрди узоқда.
 Юлдуздек гирдидан қизлар олиб жой,
 Уртада эди бир ҳуснирасо ой.
 Ойми? Йўқ оламни ёритган офтоб,
 Ундан ҳар кўнгулга тушар изтироб.
 Улар томон бориб деди: Ассалом.
 Сўнг сўрди ул ойдан нишонаю ном.
 Дедилар: «Қарима номли жопондир,
 Асилзода ҳамда соҳиб эҳсондир».
 Ундан рухсат сўраб ёнига юрди,
 Қошида туясин аста чўқтирди.
 Туясин тушовлаб у шитоб билан,
 Ўтирди қошида у одоб билан.
 Ўғринча у томон назар айлади,
 Жонига бу боқиш асар айлади.
 Ширинсуханликдан айлаб табассум,
 У бирла нозланиб сўзлашди бир зум.
 Лабидан сўз дури тўкилса ҳар гал,
 Унга қоришарди ақиқ ила лаъл.
 Ул ҳам шодлик ила жавоб берарди,
 Лаби соғаридан шароб берарди.
 Қайс унинг сўзидан беҳуш бўларди,
 Шароб ичмай туриб сархуш бўларди.
 Ул икки хуморни шаробдан аласт,
 Бир-икки томчидан бўлишганди маст.
 Шу ҳолатда эди улар бир замон,
 Узоқдан бир йигит бўлди намоён.
 Тириклик боғининг сарви расоси,
 Арғувон тимсоли кийган либоси.
 Йўрға туя миниб олган сувори,
 Юлдуздек порларди икки рухсори.
 Қизлар унга томон қулоч ёзиб бот —
 Дерлар «қадамингга бўлсин ҳасанот!»
 Пойларида титраг кумушбанд халхол,
 Мутриб қўлидаги кўнғироқмисол.
 Қайс улар ҳолини кўргани замон,
 Уридан қўзғалди ҳоли паришон.
 Гўзал парилардан юзин ўгирди,
 Туя жиловини орқага бурди.
 Унинг кетмоғини қизлар кўришди,
 Изидан ув тортиб, кўп югуришди.
 Эй Қайс, бунчалар шитоб айлама,

Қайтгил, жонимизга итоб айлама.
 Нахотки бизларни кетгайсан қўйиб,
 Бошқа кўролмасмиз юзингни тўйиб.
 Бир лаҳза суҳбати бўлса устувор,
 Азалдан дўстликка эрур пойдевор.
 Вафо сарриштасин кесмоқ нораво,
 Ундан юз ўгириб бўлмагай асло.
 Йўлидан қанчалик супуриб ғубор,
 Ялиниб, илтижо қилса ҳам юз бор,
 Енганлари билан чиқмади тутун,
 Айтганлари қолди фойдасиз бутун.
 Туясига мингач тушмади қайтиб,
 Кетди ўз йўлида қўшиқлар айтиб.
 Бевафо ёрлардан кечиб, эй кўнгул,
 Ҳижрон бурчагида яшашга кўнгил.
 Иккиюзли бўлса гулдек ҳар одам,
 Вафо иси унда бўлгайми ҳеч ҳам?!
 Билмасман, уларга етурман қандоқ,
 Тоғдек этагимга босишгай оёқ.
 Мендан пастроғини этиб бахтиёр,
 Олдида қўшиқлар айтишга тайёр.
 Ҳатто чангу ғубор бўлганим ҳолда,
 Келмасдим бу юртга учиб шамолда.
 Ҳатто бўлганимда серёмғир булут,
 Сочмасдим бу юртга зарра томчи — қут!
 Бундай сўздан кўра юргайман хомуш,
 Яхшидир барини этсам фаромуш.

**Мажнун Лайли овозасини эшитиб мойил бўлгани ва уни
 излаб бориб, саргашта оҳулардек ўз оёғи билан
 унинг тузоғига илингани**

Қайс ғамга кўмилиб қайтган чоғида,
 Ул гўзал қабила шамъи доғида,
 Тунин ёритмоққа изларди чироқ,
 Лоларухсорлардан айларди сўроқ.
 Ҳар қишлоқдан келса бирор тирик жон,
 Унга айлар эди ўзини қурбон.
 Санамлар қавмидан хабаринг борми,
 Сўзла бу қиссадан, асаринг борми?
 Унинг диёрига етган ҳар одам,
 Ишққа фидолигин кўришгани дам,
 Дедиларки, фалон қабилада бор,
 Ҳур каби бир гўзал, ой юзли нигор.
 Лайли деб аталган ул гўзал малак,

Бир кўрганни этар мангуга ҳалак.
 У гўзал васфини айтмоққа тил лол,
 Қандайлигин бориб ўзинг кўра қол.
 Ғойибдан таърифини эшитиш юз бор,
 Бориб бир кўрганга етмагай зинҳор.
 Бу сўзлар бахш этиб Қайсга қанот,
 Бошқа либос кийиб чиқди шу заҳот.
 Ички бир завқ билан кўтариб фиғон,
 Йўрғасига миниб у бўлди равон.
 Лайли орзуйида ҳайдар бебардош,
 То Лайли кўйида фидо бўлсин бош.
 Лайли қардошлари кўришган замон,
 Унга илтифот-ла бўлиб меҳрибон,
 Ҳуш келибсиз, дея, очишир чирой,
 Уйлари тўридан беришдилар жой.
 Лекин ҳар томонга солса ҳам назар,
 Кўнгил орзусидан кўрмади асар.
 Ноумидлик билан қон бўлганда дил,
 Ногоҳ чиқиб келди унга муқобил.
 Зебу зийнати-ла, жиринглаб халхол,
 Ҳайратидан уни қолдирганди лол.
 Ғамза либосида сарви расо ул,
 Тоғлар каклиги ё мисли қирғовул.
 Юзи таърифидан қалам эди лол,
 Пардозу андозсиз ёноқлари ол.
 Пешонаси эди кумуш каби соф,
 Ойпарча десак ҳам бўлмас эди лоф.
 Қошлари анбардан эгилган камон,
 Юракка санчилар ўқ каби мужгон.
 Бир шаҳло кўзlidir, дегайсан оҳу,
 Қаршисига келиб кўз тикди, оҳ, у!
 Тошдан эмас лекин лаъл эди лаби,
 Лутфи майдек эди, ранги лаъл каби,
 Шакар сочаётган дудоқлари тор,
 Гўё асалари кезмоқда гулзор.
 Бир гулнинг баргига қўниб яширин,
 Асалини тўкиб айлабди ширин.
 Лаблари ғунчадек бўлганда хандон,
 Дурдона тишлари бўлгай намоён
 Олмадек думалоқ сиймин занахдон,
 Ақлни ўғирлар жавоҳирсимон.
 Унда чекилганди мушкин қора хол,
 Лутфидан кўринар бир дона мисол.
 Ғабғаби тавқ янглиғ эди намоён,
 Дегилким, кумуштан бир гўзал жонон.

Қўлини қўйганда занаҳдонига,
 Уралгай бармоқлар ҳар томонига.
 Зулфидан ҳар тола эди сир занжир,
 Қиларди бир дилни ўзига асир.
 Лайли келди, шундоқ бир малаксиймо,
 Кўриб бўлди Қайсининг юраги бежо.
 Бир-бирини кўриб икков тўлғонди,
 Вужудлари бир хил оловда ёнди.
 Зулфидан бир ҳалқа ечса ул нигор,
 Бу унга қўлини чўзар умидвор.
 Юзидан парзани очганида ул,
 Елга берди сабру бардошини бул.
 Заҳарли ўқини у отар эди,
 Жон узар ҳолатда бу ётар эди.
 У кулиб лабидан шакар тўкарди,
 Бу йиғлаб кўзидан гавҳар тўкарди.
 Унинг манглайини тер ювган заҳот,
 Бунинг ақлу дини бўларди барбод.
 У бунга айласа ишваю адо,
 Бу унга бош эгиб қилар илтижо.
 Хуллас бир-биридан бўлди баҳравар,
 Биридан сут эди, биридан шакар.
 Икки гунча каби, икки сарвиноз,
 Бирга суҳбат қуриб бўлдилар ҳамроз.
 Баҳравар бўлганда дийдордан кўзлар,
 Лаблардан шакардек тўкилди сўзлар.
 Ҳар бири бир жойдан топиб баҳона,
 Сўзларди бирорта ажиб афсона.
 На эски, на янги қолди бирор гап,
 Сўз устига сўзни ташлашди қалаб.
 Бу дунё фирибни кўрмай ҳали шод,
 Эдилар ғам-қайғу бандидан озод.
 Илло, унинг ғами бошланур чунон,
 Висол куни ўтиб келганда ҳижрон.
 Дилбаридан йироқ, не ҳолда бўлгай?
 Чекиб ҳажру фироқ, не ҳолда бўлгай?
 Ҳар бирини тилни қилмай таржима,
 Жон тилидан икков дерди бир нима:
 «Тун ваҳмидан бўлдим ғамзудо бугун,
 Мени тундан қутқар, ё худо бугун!
 Қуёш ёруғ куннинг подшоҳи эрур,
 Тун зулмидан куннинг паноҳи эрур.
 Жаҳонни ёритсин то рўзи маҳшар,
 Давр туни кундек бўлсин мунаввар».
 Бундай дер эдилар валекин осмон,

Тескари айланмас эди ҳеч қачон!
 Шарқдан зар байроғин кўтарган қуёш,
 Самода айланиб, ғарбга қўяр бош.
 Жудо бўлди шунда Қайс ила Лайли,
 Қўрдилар не бўлса ҳижрон туфайли.
 Ул ҳайдаб туясин, уйга йўл олди,
 Бу ночор ожиза ватанда қолди.

**Лайли ва Мажнун бир-бирининг жамолидан йироқда,
 висолидан фироқда кечирган тунлари ҳақида афсона**

Ложувард самога тун чўккан маҳал,
 Заррин қуёш тўпи думалаб жадал,
 Мағриб чоҳига у қулаб ғарқ бўлди,
 Дунё саҳни эса зулматга тўлди.
 Заррин товус учди бу кўҳна тоғдан.
 Зоғ лашкари келиб ўрнашди тоғдан.
 Қора патларини ёйгани замон,
 Оппоқ тухумларга тўлди осмон.
 Улардан таралиб ҳар томон шуъла,
 Гўё минглаб чироқ ёнди бир йўла.
 Лайлисидан ажраб Қайси номурод,
 Ўз манзили сари сурар эди от.
 Кўнгли Лайлидаю уйга равона,
 Жони дард ўқига бўлиб нишона.
 Илон чаққан каби эди нотагон,
 Гўёки қийналиб берар эди жон.
 «Лайли» деб бошидан сочарди тупроқ,
 Киприкдан тизилиб кўз ёши мунчоқ.
 «Лайли» деб кўтарган чоғида нидо,
 Фигонига тўлиб кетарди само.
 Қанчалар у сўзлаб чекмасин фиғон,
 Мизғиб олмоқликка қидирди имкон.
 Минг уринсин келмас кўзига уйқу,
 Гоҳ ётар, гоҳ турлиб, ўй сурарди у.
 Ёнбошлаб тўшакка чўзилса агар,
 Намли кўзларидан уйқуси қочар.
 Гўё тўшагида дегилки ҳар он,
 Унинг биқинига ботар юз тикон.
 Тиззига бошини қўйиб ўтиргай,
 Икки ойнада юзини кўргай.
 Дилида бўлса ғар не ғами ҳижрон,
 Бўларди кўзгуда бари намоён.
 Уридан қўзғалса кўтариб фарёд,
 Яна ҳар томондан тараларди дод.

Тоғдан ҳам оғирроқ дилидаги ғам,
 Юз бора чарх уриб, титратди алам.
 Қоронғу кечага тополмай чора,
 Нолиди тун бўйи йиғлаб бечора.
 Деди: «Ғам кечаси ажаб балодир,
 Не бало, қоп-қаро бир аждаҳодир.
 У қоплаб олибдур еру осмонни,
 Дамига тортмоқда яхши-ёмонни.
 Не тонг, ёр лабидан ушалгай орзум,
 Аждаҳо комида эрурман бу зум?!
 Қани тонг, нурина сочиб беқиёс,
 Мени бу офатдан айласа халос!»
 Ер ҳажрида шундай чекиб изтироб,
 Тонггача Қайс ёниб айларди хитоб.
 Лайли ҳам ўзининг уйида чунон,
 Жудоликдан эди жигар-бағри қон.
 Қайснинг суҳбатини ёд айлар эди,
 Ҳажрига чиолмай дод айлар эди.
 Қандай ҳолда бўлса Қайси нотавон,
 Уни ҳам шу ҳолга солганди ҳижрон.
 Унинг хаёлида кўзи илинмай,
 Еш тўкиб ҳасратда дер эди шундай:
 «У қушдек юксакка айлағай парвоз,
 Истаган жойига қўнар қандай соз.
 Мен «уйда ўтирган бўйраман» мудом,
 Урнимдан қимирлай олмасман тамом.
 Бора олмағайман излаб ул томон,
 Узи келмаса гар дилимда армон.
 Эркаклар озоддир ҳар бир нафасда,
 Бечора аёллар доим қафасда.
 Севги машмашаси аёл ишимас,
 Уз ишин эпполмас аёл киши, бас.
 Севишгани бўлса ошкора агар,
 Аёлга айбдиру эркакка ҳунар.
 Менинг юрагимда ундан қолган доғ,
 Вужудимга ором бермас бу қийноқ.
 Юздан бири бўлса унинг дилида,
 Бўларди кўз тиксам васли йўлига.
 Бўлмаса бошимга тушган бу бало,
 Мени маҳв айлағай, эй, воҳ, аввало!»
 Дили оташига беролмасдан тоб,
 Тонггача шу хилда чекарди азоб.
 Алқисса севишган икки вафодор,
 Айрилиқ дардига эди гирифтор.
 Қоронғу кечани кундуз айлабон,

Ошиқлик йўлида бахш этишди жон.
 Тунда не туғилар, дилда шу қайғу,
 Кундузи не кечар, билмас эди у.

**Мажнун бошқа кунни Лайли қабиласига бориб,
 бегоналар ичра у билан сўзлашмакка имкон
 тополмагани ҳақида**

Субҳидам нафаси таралгани чоқ,
 Қуёш зар матодан кўтарди байроқ.
 Шамолдан ҳар томон хуш бўй сочилди,
 Мовий боғлар яшнаб, гуллар очилди.
 Заррин байроғидан бўлиб зарафшон,
 Садафу гавҳарга тўлди ҳар томон.
 Тун аждаҳосидан Қайс бўлиб халос,
 Нола чекмоқликдан тинчиди бир оз.
 Йўрға туясига миниб ўша дам,
 Бехудлик йўлида борарди илдам.
 Куйлаб ишқ қўшиғин туясин ҳайдар,
 Жонон чодирига етгунга қадар.
 Чодирга яқинроқ боролмай бироқ,
 Жилловини тортди ундан сал йироқ.
 Кўрмай чодирдаги ёридан нишон,
 Уқиди чодирга қараб бир дoston.
 Эй нурлар қибласи, гўзал хонадон,
 Сенда яшириндир хуршиди жаҳон.
 Кўрар кўзим бўлса гар мени Лайли,
 Кўзим хонасисан сен у туфайли.
 Киприкдан кўз ёшим оқаётир мўл,
 Емғирда қолгандек усти-бошим ҳўл.
 Уқсиб йиғлашимга айла тараҳхум,
 Кўтар ёр юзидан пардани бир зум.
 Михдекман бошимга урсалар ҳам тош,
 Бу ердан кетмасман, айларман бардош.
 Қанча беришмасин жонимга азоб,
 Сенга боғланганман мисоли таноб.
 Ғамингга дош бериб келурман доим,
 Устундек абадий турурман қоим.
 Ёрсиз юрагимда қайғу беқиёс,
 Сен мени бу ғамдан айлагил халос.
 Нечун мушкилимни этмайсан осон,
 Ёрим юзин мендан тутасан пинҳон?
 Ёқамни йиртганда сенинг жафойинг,
 Изларман этагинг тутиб вафойинг!
 Кеча мен ўртаниб йиғлар эдим зор,

Вой, бугун ундан ҳам эрурман абгор!
 Лайли оби ҳаёт чашмаси мисол,
 Билсанг мен уни деб, ташна, хастаҳол.
 Вақтидир бир темчи қуйиб қабимдан,
 Оловни сўндирса менинг қалбимдан.
 Мен куйиб ғамидан чекканимда дод,
 У эса юрибди бахтиёру шод.
 Қайс секин шивиртаб айтса ҳам бирдан,
 Сўзларин эшитди Лайли чодирдан.
 Унинг оташидан сийнаси ёниб,
 Ташқари интилда бирдан тўлғониб.
 Чодир эшигидан гулюзли пари,
 Очилиб гул каби чиқди ташқари.
 Кўриб туя минган Қайсни паришон,
 Тонг каби табассум айлади эҳсон.
 Лаъли қутисидан гавҳарин сочди,
 Ширин дудогидан шакарин сочди:
 «Эй юзим ишқида сўзлаган чунон,
 Сенинг орзуингда доғ бўлди бу жон.
 Дардларки, йиғилмиш пора этиб дил,
 Кўксингни ўзига айламиш манзил.
 Ул дард қуши ёхуд этурсан гумон,
 Бир сенинг қалбингга қурганми ошён?
 Сендан яшнагайдир тириклик боғи,
 Сендан мингбора кўп дилимнинг доғи.
 Лекин сендек айта олмасман ҳеч ҳам,
 Имкон йўқ сен сари босмоққа қадам.
 Сен айта олурсан юрак сирларин,
 Мен эса яширин тутарман барин.
 Ошиқ ноғорасин чалар ошкор,
 Маъшуқа либоси номус бирла ор.
 Ошиқ мактубига битса дил сирин,
 Маъшуқа жонида сақлар яширин.
 Ошиқ жудоликдан чекканда фарёд,
 Маъшуқи жимгина чидар номурод.
 Ошиқ нола чекса ҳаддан ташқари,
 Ғамида қон бўлар маъшуқ жигари.
 Дарду ғамда бўлар ошиқи асир,
 Висол умидида маъшуқи басир.
 Этиша олмаса севган малакка,
 Ошиқнинг фиғони чиқар фалакка.
 Висол умидида чекиб дарду ғам,
 Ёрини кутгайдир севилган санам.
 Чолғучи ишқ созин яратгани дам,
 Ошиқу маъшуқни яратди баҳам.

Бу икковни асли бир куй мақоми,
 Фақат ўзгачадир уларнинг номи».
 Қайс ушбу қўшиқни эшитган замон,
 Яна ошиқона бошлади дoston,
 Узини тупроққа отди бечора,
 Завқдан қўйлагини айлади пора,
 Лайли орзуида қиларди ҳавас,
 Лайли оёғига бош қўймоқни бас.
 Бурунги дил розин айласа изҳор,
 Кечаги ғамини сўзласа такрор.
 Ҳар томондан чоғиб қариндошлари,
 «Марҳабо» деб, келди қошига бари.
 «Қайс улардан чўчиб, деёлмади «лом»,
 Жонон билан бўлди суҳбати тамом.
 Қайтди, бўлмади туриб муроди ҳосил,
 Қайтди, кўкси пора ҳамда хастадил.
 Борарди дилида дарду ғам тўла,
 Ўзича айтарди ҳазин ашула:
 Эй, қавм, ёримга бўлсангиз ҳамдам,
 Уни танҳо қўйинг мен билан бир дам.
 Жамолини тўйиб-тўйиб кўрайин,
 Этиб висолнга даврон сурайин.
 Бундан баттар не бор, бир кўнгли абгор,
 Айрилиқ тунида бўлиб интизор.
 Дилу дийдаси қон айёми саҳар,
 Ёри висолидан бўлса баҳравар,
 Вале сўз айтмоққа топмасдан мажол,
 Ҳали сўрамасдан ёридан аҳвол,
 Ҳар томондан келган гуруҳ ногаҳон,
 Орага тўғаноқ бўлсалар шу он,
 Уни қўйишмаса очиргани лаб,
 Жонига минг азоб оташин қалаб.
 Бундайлар юзини ҳеч ким кўрмасин,
 Этакдан бошқага хасдай урмасин.
 Қуни ўтди шундоқ яна тун бўлди,
 Қайғую азобдан жигархун бўлди.
 Кечаси ҳам чекиб шу хил ғам, кадар,
 Бир амаллаб тунни айлади саҳар.
 Лайлининг йўлида боши оёқдир,
 Лайли чодирда унга муштоқдир.
 Чодирда йўқ эди ағёрдан нишон,
 Ёр танҳо, атрофда сукут ҳукмрон.
 Остонани ўйиб хизматга тайёр,
 Турарди оёқда мисли дастёр.
 Лайли чодирга киритиб шу дам,

Тўрдан жой кўрсатиб ўтқазди хуррам.
 Ошиқлик ҳақида тузиб ҳангома,
 Очдилар севгидан янги бир нома.
 Эди иккови ҳам мастона ошиқ,
 Сут ва шакар каби мосу мувофиқ.
 Ишва қилганида Лайли гулжамол,
 Қайс унга боқарди ошиқона, лол.
 Қайснинг сабз хатин кўрганда мафтун,
 Лайли ақлу ҳушдан ажралди бутун.
 Лайли кокулининг тугунин ечар,
 Қайс кўриб динию дилидан кечар.
 Лайли қилар эди ишваю адо,
 Қайс унга боқарди ишқдан маҳлиё.
 Қайснинг илтижоси қилганида кор,
 Қолмасди Лайлида тоқату мадор.
 Алқисса, икки дўст бўлишиб ҳамдам,
 Муҳаббат асосин этдилар маҳкам.
 Униси ноз тахти узра ўлтурди,
 Буниси хизматга бел боғлаб турди.
 Шу лаҳзадан бошлаб улар икковлон,
 Билсанг ошиқлардек суришди даврон.

Мажнун бўталоқли туяга миниб йўлга чиққани ва кўп юрмасдан ҳушидан кетгани, туя изига қайтгани ва Мажнун ўзига келиб туяни яна йўлга солгани ҳақида

Ишқнинг аввалидир қўшиғу шодлик,
 Унда бўлмагайдир ҳеч номуродлик.
 На унда бўлади азоб қийноғи,
 На унда бўлади маломат доғи.
 Роҳату сурурдир унинг аъмоли,
 Дунёда фойдаю зиёндан холи.
 Май каби ёқимли туюлар илк бор,
 Ундан зарра етмас кўнгилга озор.
 Севинччи ошириб аламни ювар,
 Кўнгилдан туну кун қайғуни қувар.
 На унинг ёқимсиз талх қуйқаси бор,
 На бошни оғритиб қилади хумор.
 Қайс севги майидан эди шодмон,
 Замона зулмини кўрмасдан ҳамон,
 Ҳар кун субҳидам ёришганда ул,
 Доим ўз ишига бўларди машғул.
 Ўзининг юридан тузатиб маҳмил,
 Ёри эҳромига борарди дадил.
 У қабила сари юргани заҳот,

Танидан чиқарди икки юз қанот.
 Висоли бўйига шодон еларди,
 Гўёки шамолдек учиб келарди,
 Йўлида найзадек дуч келса ҳам хор,
 Майсадек пойига бермасди озор.
 Оловдан юзлаб тоғ ётар ястаниб,
 Боради бир сиқим қум каби ёниб.
 Найзадек тикону қуличдек тошлар,
 Унинг товонини тилкалай бошлар.
 Шошиб елишидан кўринар аён,
 Оғриқдан юзига тепар эди қон.
 У жон қибласидан қайтаётган чоқ,
 Йўли Каъба каби бўларди узоқ.
 Ҳисобида бўлиб кўнгли бефараҳ,
 Бир қадам туюлар эди минг фарсах.
 Бординг икки кўздан ёш тўкиб аё,
 Юқори интилиб мисоли дарё.
 Ўз манзили сари ташларди қадам,
 Сочлари паришон, юрагида ғам.
 Йўлга чиққанида бўлиб беқарор,
 Ортига қайрилиб қарарди юз бор.
 Йўлдан бирор киши чиқиб муқаррар,
 Эҳтимол ул ойдан келтирар хабар.
 Борарди тоғлардан ошиб селсимон,
 Келарди, дилида тоғ каби армон,
 Даштда учиб бориб мисоли шамол,
 Секин қайтар эди турғун сув мисол!
 Бир кун кўнгли озиб, тани бедармон,
 Бормоқчи бўлди ёр макони томон.
 Оёғида қолмай юрмоққа мадор,
 Туясин минмоққа айлади қарор.
 Унда бўталоқли туя бор эди,
 Боласиз туяси беқарор эди.
 Агар боласидан жудо бўларди,
 Ҳажрида оёқдан буткул қуларди.
 Туядан боласин Қайс жудо этди,
 Миниб дилрабо ёр йўлига кетди.
 Икки-уч милча¹ йўл босган чоғида,
 Ҳушидан кетди у Лайли доғида.
 Туя жилловини кўриб бўш-баёв,
 Қайтди боласининг ёнига дарров.
 Туя боласига етгани заҳот,

¹ Фарсахнинг учдан бири, тўрт минг газ ёки қадам.

Қайсга маълум бўлди ушбу ҳодисот.
 Қайс ушбу қиссадан бўлгач хабардор,
 Билди муродига етмоғи душвор.
 Яна қўшиқ бошлаб, чулғаб ҳаяжон,
 Туясини бурди ёр кўшки томон.
 Туяси икки-уч мил юргани дам,
 Боласини эслаб қолмади чидам.
 Иккинчи бор яна Қайси дилвайрон,
 Ёр шавқида ҳушдан кетгани замон.
 Туянинг жилови тушиб тиззига,
 Ортга қайтди яна, келган изига.
 Қайс дафъатан олиб ўзини қўлга,
 Туясини яна қайтарди йўлга.
 Қайс илгидан кетди инон-ихтиёр,
 Бу ҳолат икки-уч бўлганда такрор.
 Туя қайтавергач дили бўлиб қон,
 Кўнглидан таралди шу хилда фиғон.
 Ул ганжки, мен унинг харобидурман,
 Васлига етмасам кабобидурман.
 Ортимизда қолган унинг боласи,
 Шу сабаб туянинг ўрлар ноласи.
 Мени деб олдинга юрса у агар,
 Боласини қўмсаб жони узилар.
 Агар йўл бошласа боласи томон,
 Бундан бўлар менинг юрак-бағрим қон.
 Йўлдош бўлмоғимиз маҳол экандур,
 Бирга шодлигимиз хаёл экандур.
 Яхшиси мен ундан қилмасдан гина
 Ҳар ким ўз йўлида кетсин жимгина.
 Шундай деб, бўшатди туя жиловин,
 Учирди гўёки дилдан оловин.
 Туяни қолдириб ўз маконида,
 Ўзи танҳо кетди ёри ёнига.
 Борар эди йўлда айлабон шитоб,
 Таратиб дилидан шу хилда хитоб.
 Ўзингга лойиққа қовушиб, эй дил,
 Нопоклар васлидан доим ҳазар қил!
 Вафо йўлида бўл собит-устувор,
 Жафо айламоқни ўйлама зинҳор.
 Бу йўлдан ким сени тўсмоқ бўлса гар,
 Асло улар билан бўлма ҳамсафар.
 Доимо юрмоққа бўлса бардошинг,
 Лайлининг хаёли эрур сирдошинг.
 «Лайли!»— деб айтгилу йўлда кетавер,
 Унинг паноҳида чўлда кетавер.

Бу оламда сенга Лайли бўлса бас,
 Ундан бошқа сенга ҳеч ким керакмас.
 Ундан бошқасига бўлма сира ром,
 Ўзгаларга асло боғланма тамом.
 Қуйлаб борар эди шу хилда жўшиб,
 Қўшиғи шавқидан ўйинга тушиб.
 Ҳар кунгидек этиб бошидан оёқ,
 Дилафрўз ёрига у бўлди қўноқ.
 Кўрди у қийналмай ёрнинг ўзини,
 Эшитди, эшитмоқ бўлган сўзини.
 Қайтди у манзилдан тун чўккани дам,
 Севинчларга тўлиб кўнгли шод, хуррам.
 Ғамгин келиб эди, кулди иқболи,
 Доим шундай бўлсин ошиқлар ҳоли.

**Лайли Мажнунни синов қозонида қайнатиб,
 севги олтини софлигини кўриб, унга ўз
 муҳрини босиб қабул этгани**

Бу дард саҳифасин ёзгувчи устод,
 Шундоқ сўз давомин айлади ижод,
 Қайси хастадилни билдики Лайли,
 Борлигин ўзига беҳисоб майли.
 Истар эди уни билса батафсил,
 То ўз насибасин қадр этса шу хил.
 Бир кун ул қабила париюзлари,
 У билан эдилар йигит-қизлари.
 Ҳар йигитга қараб кулганида ул,
 Сотиб олмай туриб айлар эди қул.
 Лабини очганда тўғри келган қиз,
 Олдида турарди мисоли каниз.
 Улар ўзи билан ўзи эди банд,
 Этиб келди йўлдан Қайс — донишманд.
 Йўлнинг ғуборидан юзларида гард,
 Ёрнинг фироқидан юрагида дард.
 Ер ўпиб уларга деди «марҳабо»,
 Лайлию улфатин айлади дуо.
 Лайли унга томон боқмади қиё,
 Даврада борлар ҳам этмади парво.
 Сочин парда айлаб юзлари гулгун,
 Ноз бирла қошларин айлади тугун.
 Кулиб оғиз очар Қайсдан ўзгага,
 Лабдан шакар сочар Қайсдан ўзгага.
 Қайсдан ўзгаларга табассум этди,
 Қайсдан ўзгаларга такаллум этди.

Ҳаммага боқару ундан қайрилар,
 Гуё у ёмону яхши — гайрилар,
 Қайс унинг юзига термилган чоғда,
 Бурилиб кетарди, қолдириб доғда.
 Гапирмоқчи бўлиб у лаб очган чоқ,
 Бу бориб ўзгага тутарди қулоқ.
 Лайлининг бу ишин кўргани замон,
 Бўлди яна Қайснинг аҳволи ёмон.
 Ўзгача гул очиб умид бутоғи,
 Сарғайди лоладек қизил ёноғи.
 Ҳар киприк учидан томиб қонли ёш,
 Заъфарон юзига ёғди қизил тош.
 Эҳтиёж юзидан парда кўтарди,
 Таралиб жонёқар нолаю дарди.
 Қани, ул орзую ифтихорларим?
 Қани, ул ҳурмату эътиборларим?
 Лайлим мени кўрса соз эди қандоқ,
 Ўзгалар гапидан кечарди шул чоқ.
 Мен билан ўтириб, бирга турарди,
 Доимо мен билан суҳбат қуарди.
 Ундан умр бўйи қилгум илтижо,
 Билмай гуноҳ қилган бўлсам мабодо.
 Қарамай беғуноҳ бўлганимга ул,
 Тавба қилдирмоқчи бўлади нуқул.
 Бўлмаса ҳам менга ҳеч кимса кафил,
 Қонли кўз ёшларим ўзи бир далил.
 Дардли кўшиғини эшитган замон,
 Лайлининг жигари ғамдан бўлди қон.
 Жумладан юз буриб, қилиб илтифот,
 У билан сўзлашиб кетди шу заҳот.
 Латофатдан бўлиб юзлари хандон,
 Деди: «Эй ошиқлар ичида султон.
 Биз икков — севишган икки меҳрибон,
 Севги азобидан чекамиз фиғон.
 Жисмимиз бегона, дўстдир дилимиз,
 Кўнглимиз содиғу дағал тилимиз.
 Гарчи қошларимни айладим тугун,
 Писанд этмади деб ўйлама бутун.
 Эл аро қовоғим солдим атайлаб,
 Ёйилмасин дея ҳар хил миш-миш гап.
 Ишқинг, менинг учун жондан ҳам ширин,
 Лекин хазинадек тутгум яширин».
 Қайс ушбу хабарни тинглади дилхуш,
 Эшитиб бошидан учди тамом ҳуш.
 Ул гўзал хушқомат пойига шу он,

Иқирилиб соядек ётарди бежон.
 Анча қимирламай ерга чўзилди,
 Дедиларки энди жони узилди.
 Юзига кўздан ёш тўқдилар дув-дув,
 Лекин келтирмади ҳушига бу сув.
 Араб гўзаллари туриб баралла,
 Ҳангомаларини қолдириб чала.
 Урилиб-сурилиб қочди аксари,
 Ўлса гар тухматда қолмай деб бари.
 Гўзаллар ҳар томон қочган онда,
 Фақат Лайли қолди унинг ёнида.
 У ухлар, Лайлининг тиззида боши,
 Ой узра тўкилар юлдуз кўз ёши.
 Яъни ишқ доғига чидолмай ўлмиш,
 Севги азобида жони узилмиш.
 Кун ботгунча эди шундоқ аҳволи,
 Заминда ётарди мурда мисоли.
 Кўзлари очилиб ботганида кун,
 Лайли жамолини кўрди у маҳзун.
 Унинг ҳам кўзидан сочилиб қони,
 Қон селин оқизар ҳар бир мужғони.
 Лайли сўрадики, сен, эй ягона,
 Ошиқлар ичида бўлиб афсона.
 Бундай беҳушликка йўлиқдинг қайдан,
 Сенга ким берди бу оғули майдан?
 Дедики: «Кўлингдан ичганим бул май,
 Қадаҳлар узатдинг ахир паёнай.
 Мендан юзларингни буриб аввало,
 Ҳатто ҳол сўрашни кўрмадинг раво.
 Ўзгалар қўлингдан тортганда ушлаб,
 Уларнинг юзига сен боқдинг хушлаб.
 Ҳузурингга келсам юзинг ўғирдинг,
 Ҳар бир хас ёнида ерларга урдинг.
 Марҳамат эшигин очиб ниҳоят,
 Юз нозу ишва-ла қилдинг иноят.
 Софу қуйқа майдан бердингки чунон,
 Бир қултум қолдирмай ичдим бегумон,
 Фитнали сўзларни айтдинг пайдар-пай,
 Менинг мастлигимни оширди ул май.
 Ноилож ҳушимдан кетибман шу дам,
 Тош эмасман ахир, мен ҳам бир одам!
 Лайли ундан тинглаб бундоқ ҳикоят,
 Деди қарашма-ла айлаб иноят —
 Қайс бирлаки, эй, муроди жоним.
 Ҳам қуввати жисми нотавоним.

Мен туфайли чекиб сен дарди фироқ,
Оқибатда бўлди юрагинг ҳам доғ.
Менинг дарду дилим зиёда чандон,
Тил билан таърифлаб бўлмас ҳеч қачон.
Бу сўзни эшитиб, Қайс бўлиб шодон,
Хушнуд жўнаб кетди уйига томон.

**Лайли Мажнун билан аҳди вафо боғлаб,
уни қасамёд эттиргани**

Уфқ гўзаллари ичра гудёноқ,
Қошлари мисоли эзгуликда тоқ.
Насабномадаги ишва майдони,
Сирлар пардасининг нозли жонони.
Осуда боғларда яшнаган райҳон,
Ҳаёт баҳорида гулбарги хандон.
Шерларни овловчи дилрабо оҳу,
Ботирлар сафини бузгувчи оҳ, у!
Худога ёр бўлган мутафаккирлар,
Сохта шайху зоҳид, гийбатчи пирлар.
Бозорда ситамин сотарди чаққон,
Меҳрнинг нархини айларди арзон.
Араблар кўзини ёндирган малак,
Айларди ажамлар жонини ҳалак.
Жавоҳир камару шилдироқ халхол,
Ҳаяжонга солар чолғувчи мисол.
Қулоқда сиргаю бўйинда мунчоқ,
Эди ақлу ҳушга қўйилган тузоқ.
Яъни Лайли эди ул гўзал нигор,
Қайс сингари минглаб мажнунлари бор,
Кўрдик, Қайс унга вафодор эрур,
Ишқи ҳаддан зиёд барқарор эрур.
Вафодорлигига йўқ эди бир шак,
Не лозимдир уни яна синамак.
Бошқа куни яна борди у томон,
Орзуйидан етиб лабларига жон.
Кўнглини овлади, кулиб этди шод,
Вафо хабаридан айлаб дилобод.
Жафо айламоқни истамай дили,
Донм дўстлашмоқни зикр этди тили.
Розилиги учун айлабон юз жаҳд,
Унинг билан тузди шундай қатъий аҳд!
«...Кўрар кўзлар ҳаққи ичаман қасам,
Ундан равшан эрур бу сирли олам...
Донолар юраги ҳаққи қасамёд,

Улардан ечилгай ҳар бир мушкулот.
Борлиқ хазинаси уларга аён,
Тафаккур-ла барин этгай намоён.
Ўқиса ҳар мушкул сўзни мабодо,
Мазмунини чақмасдан қўймагай асло.
Қасам ҳар ғарибу ватангадога,
Ўз ёридан жудо ҳар бенавога,
Не қайғу тунда бир орзуси бор,
Не биров сўзидан бўлгай бахтиёр.
Ҳам ҳижрон тигининг зарбини кўрган,
Ҳам қайғу заҳрининг шарбатин сўрган.
Қасам ҳар бир ойдек соҳибжамолга,
Ой каби дилоро паримисолга.
Ўзига ўхшашга бўлиб дили банд,
Ундан бошқасига бўлмагай пайванд.
Гунчанинг ёқаси баданисиз чок,
Этаги туҳмату иғволардан пок.
Ҳар не оқилона ичилган қасам.
Дегайлар бўлгуси доим мустаҳкам.
То сенинг меҳрингдан бор экан мажол,
Мен ундан кечмоғим эрур кўп маҳол.
То даври фалакда бордирман омон,
Сенинг ёдинг эрур менга мисли жон.
Бу дунёда чекиб сени деб ўкинч,
Икки оламда йўқ мен учун севинч.
Ғамингдан агарда ўлсам-да юз бор,
Пайванд бўлмагайман ўзгага зинҳор.
Агарда иқболим бўлса менга ёр,
Фақат мен этгайман сени ихтиёр.
Ҳар эгри эмасдир сенга баробар,
У билан мулоқот айласам магар.
Сенсиз бир ҳамдамим бўлмагай ўзга,
Парвойи одамим бўлмагай ўзга!
Агар сўниб битса бевақт ҳаётим,
Бу ёруғ оламдан ўчса ҳам отим.
Барчадан кечарман билсанг мен бу он,
Сен билан абадий тузарман паймон.
Бу вафо денгизи бўлмасин хира,
Бўлсин то қиёмат софу бокира!»
Лайли аҳду паймон тузиб жаҳд ила,
Вафо тахти узра чиқди аҳд ила.
Олдида турарди жуда хавfli йўл,
Гоҳ яқин, гоҳ йироқ, етмас эди қўл.
Барча ишларини айлаб саранжом,
Ёрга боқди кечиб ғайридан тамом.

Бўйинни қўйиб ёр бўйинбоғига,
 Чек қўйдн ағёрнинг ноз фироғига.
 Қайс йўлдан қайтганда эди субҳидам,
 Туяси олдиға борди у шу дам.
 Унга тунги ишдан сўзлаб афсона,
 Тундан шиква қилди, кундан шукрона.
 Тунгача иккови бирга ўлтурди,
 Ағёрсиз икковлон суҳбатлар қурди.
 Висолда Қайс унинг жаҳдини кўрди,
 Ҳамда вафо ила аҳдини кўрди,
 Кўнглида васваса қўзғаб муҳаббат,
 Хаёли девона қилди оқибат.
 Телбалиги бўлғач барчага аён,
 Мажнун дсб лақабин қўйди осмон.
 Учди бу лақаб-ла мангуга тамом,
 Даҳр китобидан Қайс деган ном.
 Унга жой беришса ҳар йиғин аро
 «Мажнун, Мажнун» дея қилдилар нидо.
 У ҳам бу хитобдан шодмон эди,
 Бу сўздан дилида ҳаяжон эди.
 Ишқ сўзидан афзал инжу бормикин,
 Ишқдан ҳам яхшироқ орзу бормикин!
 Беҳуда ишлардан Жомий кеч тамом,
 Токи ошиқликда чиқазурсан ном.
 Бу чарху фалакда кўнгулга ёқар,
 Йўқдир ошиқликдан яхшироқ ҳунар.

Мажнуннинг аҳволи ўзгариб, паришонхотир бўлганини омирликлар кўргани

Ақлу ҳуш баҳосин айтгувчи даллол,
 Телбалик кўйиннинг раққоси мисол,
 Қайғу тоғларидир унга вайрона,
 Тоғлар чўққисига минган девона,
 Ифлос хазиналар хазинабони,
 Хаёлий қиссахон, азобда жони.
 Саксовул соясин айлағай макон,
 Хорлар водийсида кезар саргардон.
 Дод солган ҳофизлар қардоши эди,
 Озод сўққабошлар сирдоши эди.
 Бўлиб охуларга саҳрода ҳамроз,
 Шайдо булбулларга эди жўровоз.
 Тахтидан айрилган ишқ шоҳи беҳуш,
 Муҳаббат йўлида йиртилган ковуш.
 Ақл шиша қасрин айлаб тошбўрон,

Ақлнинг борини айлади яксон.
 Қулопу қўтос-ла юрар жойи бир,
 Деву пари билан турар жойи бир,
 Лайлининг асири, яъни ул Мажнун,
 Лайлининг доғида эди жигархун,
 Ўзию қавмидан кечганда буткул,
 Ақя қоидасин унутганди ул.
 Тўшагида тунлар келмас уйқуси,
 Киши кўрмас эди уни кундузи.
 Замона ишидан якбора нолиб,
 Барча дўстларидан кетди бош олиб.
 Ҳар дўсти узоқдан кўрингани чоқ,
 Ундан чўчиб яна кетарди йироқ.
 Ҳар хеши олдиға дуч келгани кез,
 Ундан ҳам юз буриб кетар эди тез.
 Қавми бу ҳолатни кўргани замон,
 Таъналар ёғдирди унга беомон.
 Бизнинг орамизда унга не ҳолдир,
 Бундай ўз қавмидан хафа, малолдир.
 На инсоф билан у тортибдир пичоқ,
 Биздан дўстлик ипин кесибдир мутлоқ!
 Унинг атрофида йиғилган одам,
 Эди ой гирдида ғубордек шу дам.
 Набзин тутиб, ундан излашди далил,
 Беҳоллигин кўриб тишладилар тил.
 Яширин сиридан ечмади тугун,
 Ҳамда ташқарига чиқармади ун.
 Қабиллада дўсти бор эди қойим,
 У билан маслақдош ҳар ишда доним.
 Ширинсўз, хушчақчақ бир дилдор эди,
 Севги сирларидан хабардор эди.
 Унга дедиларки, Қайсни мудом,
 Най каби нафаси чиқмагай тамом.
 Сен унга вафодан сўзлагин бир оз,
 Токи юрагидан чиқсин бир овоз.
 Сирини билмоққа дўсти қўл урди,
 Икки-уч кун унга эргашиб юрди.
 Эй биродар деди, охири унга,
 Гамингдан юрагим ботди-ку хунга.
 Андуҳинг доғида ўт олиб жоним,
 Жизиллаб куймоқда қоқ устухоним.
 Вафо пайвандини узмоғинг нечун?
 Чўчиб, суҳбатимиз бузмоғинг нечун?
 Бундан аввал дўсту қадрдон эдик,
 Лому алиф каби ҳамдаврон эдик.

Инсоф қил, қани ул меҳру оқибат?
 Қани ул дўстлигу, сидқу садоқат?
 Ўтир, сирлашайлик ростлабон нафас,
 Дардлашиб ўтмишни эслайлик бирпас.
 Дўстига сирини этмасе ошкор,
 Ундан дўстлик чиқмас дейишар зинҳор.
 Хилватда дўстлардан етгуси имдод,
 Ва дўстлик биносин айлагай обод.
 Мажнун ундан тинглаб бундай тарона,
 Дод солди мисоли ишқдан девона.
 Деди: «Эй қадрдон ҳамдамим менинг,
 Барча сирим билган маҳрамим менинг.
 Бошимга тушибдир шундай оғир иш,
 Охир ўлдиради мени бу ташвиш.
 Ишми? Шундайин бу қайғую алам,
 Юз бора зиёда оғир тоғдан ҳам.
 Елкамдан тушмасе бу оғир юк гар,
 Аниқ биламанки, мени ўлдирар».
 Ундан сўрадики, бу қандайин ғам,
 Қўнглингни олибди қайси бир санам?
 «Лайли ғами» — дея илтижо қилди,
 Номини айтдию бирдан йиқилди.
 Ҳам кўзу қулоқдан айрилиб буткул,
 Сукунат муҳрини лабга босиб ул,
 Қўл силкиб ҳушини йўқотди анча,
 Не ўлик, не тирик у ётди анча.
 Дўсти унинг бундай зор ҳолин кўриб,
 Ишқу вафодаги камолин кўриб,
 Билдики, не эрур унинг аҳволи,
 Ким унинг маъшуқи соҳибжамоли.
 Унинг жунунидан бўлиб кўп дилгир,
 Узгаларга айтди сирини охир:
 «Мақсади шул эди бу азобу ғам,
 Табиблардан топса ўзига малҳам».

Мажнуннинг отаси ўглининг Лайлига ошиқлигидан хабар топгани ва унинг олдини олмоқчи бўлгани

Бу хабарни билиб отаси беҳол,
 Унга томон елди мисоли шамол.
 Оталик меҳридан қалби тўлғониб,
 Ўглини бағрига босди у ёниб.
 Отанинг жони эй, аҳволинг хароб,
 Не учун чекурсан бунча изтироб?
 Бугун эшитдимки, ўзга маконда,

Шайдойи бўлибсан гўзал жононга,
 Инсоний битикдан чекинмасе гар,
 Ошиқлик дунёда энг яхши ҳунар.
 Лекин муносибмас унга ҳар одам,
 Ҳар гўзал қаср ҳам бўлмагай хуррам.
 Маъшуқа гўзал хулқ бўлмоғи даркор,
 Таги паст севишга ярамас зинҳор!
 Лайли сенга қанча бўлмасин азиз,
 Сенга нисбатан у камтарин каниз.
 Севгида йўқ эрур ҳеч қандай қопун,
 Ҳар чўри қизга ҳам бўлишгай мафтун.
 Сен хизрсимонсан юксакликда, бас,
 Асло у тубанни қилмагин ҳавас..
 Худо ҳаққи кечгил ушбу ҳавасдан,
 Дилингдан чиқаргил орзу қилмасдан.
 У хас, сен ёш ниҳол, очилмаган гул,
 У зоғдир, сен эсе гўзал қирғовул.
 Гулу ёш ниҳолнинг тенги эмас хас,
 Зоғ билан қирғовул бўлмас ҳамнафас.
 Наҳотки бир лола узатиб бу боғ,
 Этсе лола каби юрагингни доғ.
 Гулу райҳонларга тўла бу бўстон,
 Лола териб унда искагил райҳон.
 Ўзинг танлаб тергил юзлаб даста гул,
 Бўлмай бир лоладан дилхаста малул.
 Бу ҳам маълум бўлсин сенга аввало,
 Лайлига мансуб у эл билан асло
 Чиқиша олмасмиз, ўртамизда жанг,
 Юзлаб тиг қонимиз бирла топган ранг.
 Бошингга ҳар кимки қиличин солгай,
 Ўзинг айтгил қандай дўст бўла олгай?
 Мажнун отасидан тинглаб насиҳат,
 Дедик: «Тилингдан ёғадир ҳикмат.
 Ҳар ҳикмат нуктасин этганда баён,
 Насиҳат дурларин тешганинг аён.
 Нуктадон дилимга муҳрингни босдинг,
 Жоним қулоғига сирғадек осдинг.
 Сенга мен дилимдан хитоб этурман,
 Ҳам барча гапингга жавоб этурман.
 Дедингки, бўлибсан севгидан мафтун,
 Ҳамда ошиқлардек аҳволинг нигун.
 Ҳа, нафас чиқариб этмасман инкор,
 Бу жаҳонда эрур ишқим пойдор.
 Бу йўлдан мен қайта олмагайман бас,
 Ишқсиз яшолмасман ҳатто бир нафас.

Қимки ишқ йўлида турмас барқарор,
 Менинг мазҳабимда топмас эътибор.
 Ишқ эркак қалбига қўяди малҳам,
 Вайрона фалакдан етганда ситам.
 Ҳар санам бўлмаса гар аслзода,
 Дедингки хилофдир севмоқ дунёда.
 Сув ила тупроқдан яралган гўзал,
 Покдил бўлсанг билки покдирлар азал.
 Азалдан гўзалдир уларнинг асли,
 Мангу фароғатдир уларнинг васли.
 Дедингки: «Ҳуснда Лайли дилоро,
 Насабда бизлардан паст эрур аммо».
 Насабга ошиқнинг нима дахли бор,
 Ҳар неки ишқ эмас у айлагай ор,
 Муҳаббатга бўлса ҳар кимса банди,
 У ишқдан туғилган кўнгил фарзанди.
 Суву тупроққа у бўлмай ҳамнафас,
 Жону дил боғида олгандир нафас.
 Онасин танимас, отасини ҳам,
 Фарқламас ҳунару хатосини ҳам.
 Дедингки, ишқини унутгил дарҳол,
 Садоқати бирла сурмагил хаёл.
 Ишқ ғамин тарк эта олмоғим душвор,
 Бу ишда менда йўқ зарра ихтиёр.
 Вафонинг ҳарфидан икки-уч рақам,
 Кўнглимининг лавҳига ёзибдир қалам.
 Қалбимни тимдалаб юлганимда ҳам,
 Вафо сўзи дилдан топмагай барҳам.
 Ҳар савоб сўзниким ҳақ этмиш ато,
 Унга шак келтирмоқ саналур хато.
 Дедингки: «Инсоннинг насибаси бас,
 Даҳр гулшанидан битта гул эмас».
 Лайлининг хушбўйи менга етган дам,
 Басдир бу чамандан менинг насибам.
 У менинг жонимдир, мен унинг тани,
 Мен унга, у менга кўнгил маскани.
 Бахтлигимиз ўзаро бўлсакда йироқ,
 Жаҳондан керакмас ўзга бахт бироқ.
 Иккимиз бир бўлсак шод кўнглимиз тинч,
 Бизга бундан ўзга йўқдир ҳеч севинч!
 Дединг, у қабила билан қилиб жанг,
 Орамизда бордир минг ҳийла-найранг.
 Бизнингки, меҳрдан сийшамиз чокдир,
 Ўзгалар кекидан бизга не бокдир?
 Ўзгалар кекидан бизга не бокдир?
 Лайли ҳам ишқимдан сўз очгани дам,

Қабила кекидан нечун чекай ғам?
 Мен ушбу жаҳонда сиқилиб дилтанг,
 Ундан ўзгаларга эълон қилгум жанг.
 Менинг сулҳим унга келса гар малол,
 Ҳатто ўзим билан қилурман жанжол».
 Қайсни бундоқ кўриб ота нотавон,
 Ғамли севгисидан эшитиб дoston.
 Билдики, Қайсининг аҳволи мушкул,
 Бало сели ичра қолган эди ул.
 Тилини сўзлашдан тийди шу жойда,
 Насиҳат айтмоқдан йўқ эди фойда.
 Яхшилик истаб у бўлди умидвор,
 Ишига оллоҳи бўлгай мадакдор.

**Қабила улуғлари Мажнуннинг отаси Бани Омирга
 Мажнуннинг савдойилик оташини сўндирмоқ учун
 уни қабила гўзалларидан бирига уйлантириб
 қўймоқни маслаҳат берганлари**

Қайс дили қайғудан эди чилпарчин,
 Ота ўгитидан топмади таскин.
 Қабила аъёни у зотга бир-бир,
 Айтишди шу хилда чораю тадбир:
 Омирийлар аро эрурсан машҳур,
 Хонадонинг эрур ободу маъмур,
 Фарзандинг кўзимиз қароғи эрур,
 Умидвор кўнглимиз чароғи эрур.
 Қалбимиз, кўзимиз у билан равшан,
 Суву тупроғимиз у билан гулшан.
 Ишқи оташидан бўлиб бедаво,
 Токай уни ўтга кўрармиз раво?!
 Ишқу вафо эрур кўнгул озуғи,
 Бу воқеа бўлмиш қисмат ёзуғи,
 Ҳар кимса бошига тушса бу бало,
 Ундан талаб қилса ўзига даво,
 Шартдир унга сафар йўлини олмоқ,
 Ё ўзга гўзалнинг қўлини олмоқ.
 Ёшдир бора олмас саёҳатга ул,
 Сафар уддасидан чиқолмас буткул.
 Яхшиси изласанг бирор маҳлиқо,
 Гўзалликда бўлса машҳури дунё.
 Никоҳлаб сен унга айласанг тортиқ,
 Кейин ташвиш тортиб юрмассан ортиқ.
 Қўникиб, топади таскин-тасалли,
 Қалбидан ғубордай ювилар Лайли.

Унинг хизматига боғлаб белни,
 Лайли қиссасидан тияр тилини.
 Донолардан бу сўз бўлганда аён,
 У чолнинг кўнглини айлади шодон.
 Қайси чақриб олдига дарҳол,
 Унга меҳр билан шундай деди чол:
 «Сендан эрур менинг бахтим чароғи,
 Эй кўрар кўзимнинг нури-қароғи.
 Сенинг жамолингдан кўзим чароғон,
 Сендан қоматим тик, дилимда дармон.
 Сен менинг ягона кўнгил севинчим,
 Йўқдир тоқлигингдан дилимда тинчим.
 Токай ўз уйингдан йироқ яшарсан,
 Танҳою овора, муштоқ яшарсан?
 Яна қайтиб келсанг сен ўз хонанга,
 Қушдек учиб келсанг ошиёнангга!
 Хонада агарда топмасанг қарор,
 Ёстиқдош этурман бир гўзал нигор.
 Сенинг суҳбатингда то айлагай ноз,
 Ва ҳар бир офатдан айлагай халос.
 Гоҳи уйга томон бўлсанг равона,
 Оёғингни ўпсин мисли остона.
 Агар ташқарига бўлсанг хиромон,
 Пойингга бош кўйсин этагингсимон.
 Сенинг амакингдир дардингга даво,
 Бир кун рўзғоридан бўлар мосуво.
 Парда ичра бордир унда бир нигор,
 Ой унинг ҳуснидан эрур шармисор.
 Яширин дур каби оқбадан қиздир,
 Оғзи тор, васфидан қалам ожиздир.
 Асалга ўхшайди дудоғи унинг,
 Наргисдек нозлидир қароғи унинг.
 Ҳар лаҳза оламга сочганда зиё,
 Қўпар қоматидан қиёмат гўё.
 Овозаси билан тўлган ҳар диёр,
 Сендек овораси мингдан ҳам бисёр.
 Ақл ҳисобидан ташқари моли,
 Молидан зиёда ҳусну жамоли.
 Салтанат тожида тенг лобарингдур,
 Аслу насабида баробарингдур.
 На ундан илашар этагингга ор,
 На ундан таънага бўласан дучор.
 Ҳайфдир, шундоқ икки покиза гавҳар,
 Қовушиб бўлмаса айшдан баҳравар.
 Истайманки, сенга меҳрибон бўлгай,

Меҳру газабдан шодмон бўлгай.
 Бир зарб ила сенга бўлур жилвагар,
 Тешилмаган дурдек билсанг у агар.
 Бўлинг жону дилдан дўсту қадрдон,
 Бир пўчоқ ичида қўш бодомсимон!
 Доим ҳамдам бўлиб яшанг бахтиёр,
 Ҳасад захми сизга етмасин зинҳор».
 Қайс ушбу сўзларни эшитган замон,
 Сочди лабларидан бир ширин армон.
 Кипригу лабидан тўкилиб инжу,
 Шундоқ отасига жавоб айтди у:
 Эй сен, вужудимнинг тоза гавҳари,
 Оёғингнинг гарди бошим афсари,¹
 Вужудим яратдинг ўзинг безавол,
 Сендан жони поким топмишдир камол.
 Мен Марям Исоси ушбу оламда,
 Ёлғизлик йўлида кезаман ғамда.
 Ҳар недан жудоман мисоли қуёш,
 Эрқагу аёлдан олиб кетдим бош.
 Дунёдан совуган бир юрагим бөр,
 Мен бало етганга хуш эди бисёр,
 Токи бу дунёда бордирман, мутлоқ
 Бировга уйланмай ўтажакман тоқ.
 Юксак фикрат ила девонадирман,
 Телба, уйланишдан бегонадирман.
 Уз юкимни ташлаб елкамдан бутун,
 Уағалар юкни кўтарай нечун?
 Мендан бошқа йўқдир дўсту қардошим,
 Фақат ёлғизлигим эрур йўлдошим».
 Бу турфа жавобин эшитган замон,
 Хушидан ажралди ота нотавон.
 Дедики, уйласам сени аввало,
 Бошингдан кетарди бу дарди бало.
 Уйлансанг яшардинг одамларга хос,
 Лайлию ишқидан бўлардинг халос.
 Агар бошқа ёрга боғлансанг маҳкам,
 Дилингда Лайлидан қолмас эди ғам.
 Бир ковушга фақат сиғар бир оёқ,
 Бир дилга икки ёр сиғмагай мутлоқ.
 Маъво бўлмас икки душманга бир боғ,
 Шаҳбоз келганида учиб кетар зог.
 Деди: «Эй ота бу не макру найранг,

¹ Афсар — тож.

Бир ошиқни бунча этасиз дилтанг?
 Ҳайҳотки, бўлмасман Лайлидан жудо,
 Юрагим Лайлидан қонмагай асло!
 Қалбим узук бўлса, Лайли кўзидир,
 Қалбимга ҳукмрон унинг ўзидир.
 Лайли жоним эрур, мен унинг тани,
 У тўтию кўнглим унинг маскани.
 Бир бошидан кезиб чиқдим жаҳонни,
 Кўрдим унда барча яхши-ёмонни.
 Агар ҳар нарсадан бир зиён етгай,
 Эвазига ундан бир товон етгай.
 Валекин топмадим Лайлидек дилбар,
 Ҳеч кимса бўлолмас унга баробар.
 Бебадалга агар айласам бадал,
 Ҳам дилу динимга етади халал».
 Ота кўрди Мажнун аҳволи мушқул,
 Панду насиҳатдан ўзгармас буткул.
 Яхши кўнгил билан айлабон дуо,
 Уғли қисматига бўлди у ризо.

**Мажнун амакси қизига уйланибди деган ёлғон
 хабарни ғийбатчилар Лайлига етказгани**

Ошиқлик пардаси қачон бўлур соз,
 Таъна-маломатга бўлмай жўровоз?
 Чанг торига тирноқ тегмагунча то,
 Ундан таралмагай ёқимли наво!
 Қайсининг аҳволию амаки қизи
 Ҳақида қизиди дўстлар мажлиси,
 Қайсни кўролмаган миш-мишчи бадхоҳ
 Тасодифан бўлди бу гапдан огоҳ.
 Бу хабарни элди Лайлига дарҳол,
 Деди, Қайс ишқингга келтирди завол.
 Дилида ёнувчи олови сўнди,
 Сендан юз ўгириб, тақдирга кўнди.
 Кўнглини ром этиб ўзга паризод.
 Унинг юзларига термулмоқда шод.
 Ота келиб унинг қўлидан тутди,
 Амаки қизига никоҳ ўқитди.
 Бугун унинг билан амаки қизи.
 Осуда қалбида йўқ ғамнинг изи.
 Сен ҳам энди унга боқмасдан қиё,
 Ўзгага дил бериб, бўлгин маҳлиё.
 Жафо қилганларга этмаслар вафо,
 Жафокор жазоси бўлгуси жафо.

Лайли қулоғига етгач бу хабар,
 Дил ғами жонига айлади асар.
 Бошига ёғилди ғамлар бир бўлиб,
 Гўё яёв қолди эшаги ўлиб.
 Дарду ғамдан бўлиб оёқ-қўли шол,
 Гўё ичди хумдан у захри қаттол¹.
 Замона зайлидан ўртаниб шу тоб,
 Қайсга ғойибона айлади хитоб.
 Эй дилбари бевафо, не қилдинг?
 Эрдим сенга мубтало, не қилдинг?
 Сенинг ғаминг билан қон бўлди дилим,
 Сен қилган бу ишни қилмагай ҳеч ким!
 Йўлдан уриб, кейин ташлаб кетдинг, о,
 Офарин, офарин, сенга тасанно!
 Дўстлар бундай қилмас билсанг ниҳоят,
 Севишганларда йўқ бу хилда одат.
 Буғдойдек кўриниб кўзимга илк бор,
 Айладинг сен мени қаттиқ умидвор.
 Югурдим изингдан буғдойинг учун,
 Сен менга сотганинг фақат арпа ун.
 Аввало вафодан қўйибон тузоқ,
 Мени оромимдан жудо қилган чоқ,
 Топибсан мендан ҳам гўзал дилором,
 Унинг оғушида олурсан ором.
 Кўнглинг ўзга билан яйраган дамда,
 Ишинг йўқ, мен бунда ўртансам ғамда.
 Сенинг оташингдан шамдек ёнаман,
 Айлабон ишратинг базмини равшан!
 Бағри куйиб Лайли шундай ғам билан,
 Тунни саҳар қилди кўзи нам билан.
 Йўлдан чиқиб келди ногаҳон Мажнун,
 Лайлининг ҳолидан хабарсиз бутун,
 Ерини сўради ҳар галгисимон,
 Лайли шитоб билан деди: «Ҳеч қачон,
 Ҳарамимга уни қўйманглар такрор,
 Тиғу найза билан ҳайданг шармисор.
 У бизга номаҳрам бегона одам,
 Қўйманг, юзимизни кўрмасин ҳеч ҳам.
 Айтинг, ўз ёрининг этагин тутиб,
 Кетсин бу ёқлардан бизни унутиб.
 Тунлар ўзга билан, кундуз биз билан,
 Қўнгли бир эмасдир ҳануз биз билан?»

¹ Қаттол — ўлдирувчи.

Вундай жафо кўриб бечора Мажнун,
 Дуч келганга нола айлади маҳзун.
 Оху афгонидан чиқмагач фойда,
 Саждага бош қўйиб ётди у жойда.
 Қон йиғлаб, гўёки азада қайтди,
 Шодлик саройидан ғамзада қайтди.
 Ҳазиннинг ёридан кўрмай бир нишон,
 Куйлади пичирлаб бир ишқий достон:
 «Менинг дардим буюк — дарди бедаво,
 Орзуси йўлида бўлибман адо.
 Йўлига йиқилиб ҳар лаҳза, э, воҳ,
 Наҳотки билмасдан қилибман гуноҳ!
 Қонли кўз ёшларим, оқиб бор дадил,
 Қилмаган гуноҳим учун тавба қил.
 Покман гуноҳлардан, эшитгин оҳим,
 Ишқдан бошқа менинг йўқдир гуноҳим.
 Шундай айби бўлса кимни аввало,
 Уни гуноҳкор деб айтмаслар асло.
 Самони булутлар қопласа агар,
 Бошимга ёмғирдек ёғса ҳам ханжар,
 Ермидан ажрата олмагай зинҳор?!
 Мени этолмайди ўзгага дилдор?!
 Жисмим қоришмадан покланиб бутун,
 Агарда тупроққа кўмилсам бир кун,
 Жонон қаршисида бу жоним хаста,
 Куйласа ишқига бўлиб пайваста,
 Тандан кафанимни йиртиб ўша он,
 Тупроқдан чиқарман кўтариб фиғон.
 То қиёмат унга вафодор бўлай,
 Ҳар лаҳза мен хоки пойида ўлай».
 Мажнун куйлар эди ўзича ғазал,
 Яширин дур каби сўзлари гўзал.
 Узоқдан эшитди бир дўст — мадакдор,
 У ҳам ишқ дардидан эди доғдор.
 Дарҳол келиб этди Лайлига баён,
 Лайли кўзларидан томчилади қон.
 Яна тузди ишқда янгидан паймон,
 Ҳамда қилмишидан бўлди пушаймон.
 Гўзал шеърлар билан қалби сўзона,
 У ҳам тузди шундай дилкаш тарона:
 «Қимки, ҳасадчига қулогин тутар,
 Вафо қондасин тамом унутар.
 Ажратар у сенинг ширин жонингдан —
 Бир умр дўст бўлган қадрдонингдан.
 Эй худо, бўлмасин фитнаю фасод,

Бўлсин ҳасадгўйлар бозори касод!
 Ҳасадчи орадан қирилсин, ўлсин,
 Замона ғамидан кўзи кўр бўлсин!
 Юзингни кўришдан айлади жудо,
 Жонинг теэроқ олсин у шумни худо!
 Дедим, сенсиз сабр этсамми магар,
 Ҳижронинг жомидан ичсамми заҳар?
 Севги тугён қилса қолурми бардош?
 Сенсиз сабрим булут — тўкади кўзёш.
 Ундан чақилганда ҳасратли чақмоқ,
 Дардли қон ёмғири тўкилар қайноқ.
 Туриб келки, энди беқарордирман,
 Ҳамда қилмишимдан шармисордирман.
 Дил бериб, айбимни ювайин мангу,
 Қўлларингдан ўпиб этай тазарру!»
 Сўзлар гавҳарини тизди у шунча,
 Дардли юрагидан очилиб гунча.
 Кипригин ботириб юрак қонига,
 Ёзди ишқ мактубин ёри жонига,
 Мактубни тутқазиб қосид¹ қўлига,
 Юборди ошиқлар шоҳи йўлига.
 Унинг номасини ўқиғач Мажнун,
 Этди хомасидек бошини нигун.
 Ер кўшкни томонга жўнади шахдам,
 Йўлларда дам олиб ўлтирмади ҳам.
 Ул васваса қалбин ўртарди йўлда,
 Борар эди ёлғиз, кимсасиз чўлда.

**Мажнун Лайлининг олдига кетаётганида қарганинг
 «қағ» деганини эшитиб уни яхшиликка йўйгани**

Шундоқ оқ думли қуш келиб бу боғда,
 Қарғалар уясин забт этган чоғда,
 Улар даҳшатидан қора қарғалар,
 Пар каби тўзгишиб ҳар ён тарқалар.
 Қайс эди мисоли субҳидам зоғи,
 Қайчидек йўл кесар икки оёғи.
 Қишлоқдан чиққанда бошланиб ёбон,
 Йўлида бир дарахт кўринди шу он.
 Хурмо ниҳолидек яшил ва кўркам,
 Унга икки кўзи тикилди шу дам.
 Шоҳида зулматни эслатувчи зоғ,

¹ Қ о с и д — хабар олинб борувчи.

Кўзлари ёнарди мисоли чироғ.
 Думли юлдуз каби товланарди тун,
 Ё ёнган кўмирдек сочарди учқун.
 Кийиб олган эди қоп-қора либос,
 Тунги зим-зиёда ўз қаддига мос.
 Чиройли овозда деб икки-уч «қоғ»,
 Бечора арабнинг кўнглин этди чоғ.
 Мажнун бу овоздан бўлиб шодмон,
 Йўлин давом этди ўйнаб хиромон.
 Яхшиликка бўлсин бугунги фоли,
 Зора насиб бўлар ёрим висоли.
 Киритса уйига кўнгли беғубор,
 Менга кулиб боқса ой юзли нигор.
 Мен учун ул ҳажи пиёда¹ бўлгай,
 Бир эмас, юз ҳаждан зиёда бўлгай.
 Йўл тугаб етгани чоғи макона,
 Секин ёр уйига бўлди равона.
 Бошлаб кирди дарҳол ичкари ёри,
 Ҳурмат-ла ўтқазди уни юқори.
 Розлар номасини қилишди тафсир,
 Қолмади бирорта ечилмаган сир.
 Гоҳида сўзланди ситаму фиरोқ,
 Гоҳида сўзланди ғаму иштиёқ.
 Икки сирдош бирга қайғудан озод,
 Ошиқу маъшуқлик айлашди бунёд.
 Лайли тахтга чиқди мисоли подшо,
 Мажнун ундан шафқат сўраган гадо.
 Лайли юксак эди мисоли афлок,
 Мажнун илтижо-ла ўпар эди хок.
 Лайли кулиб сочар лабидан шакар,
 Мамнун йиғлаб тўкар кўзидан гавҳар.
 Лайли ноз устига қилганида ноз,
 Мажнун тинмай ишқдан сўйлар эди роз.
 Лайли эди тонгда порлаган қуёш,
 Булут каби Мажнун тўкарди кўзёш.
 Оламни ёритган ой эди Лайли,
 Дунё ёнар Мажнун оҳи туфайли.
 «Лайли» — не деган сўз? — диллар чароғи,
 Мажнун ўтда куйган дилларнинг доғи!
 Лайли икки зулфдан мушк бўйин сочар,
 Мажнун икки кўздан булоқлар очар.
 Лайли бир гул эди гулобда қолган,

¹ Ҳ а ж и п и ё д а — ҳажга пиёда бормоқ, бу отлик боргандан са-
воблироқдир.

Мажнун бир хас эди саробда қолган.
 Лайли мағрурона бўлганида шод,
 Мажнун қайғу бирла чекар эди дод.
 Висолга етишиб икки орзуманд,
 Бир кун бу дунёда бўлдилар хурсанд.
 Кўнгилда борини қилдилар ошкор,
 Қолмади айтилмай не бўлса даркор.
 Ҳатто дилларида қолмади бир ғам,
 Ғунчадек очилди кўнгили дамодам.
 Видо сўзини айтиб ул гулёноққа,
 Мажнун илтижо-ла турди оёққа.
 Эй, муштоқ ҳожилар каъбатуллоси,
 Самовий гўзаллар қиблanamоси,
 Эрам гулзоридир сен кезган жойлар,
 Тупроғингни ўпар шоҳу гадойлар.
 Сочинг подшоҳларни айлар занжирбанд,
 Орзуйинг шавқида ошиқлар хурсанд,
 Зар халхолинг бўлур ҳар бошга афсар,
 Лабинг зилолидур ҳаётбахш кавсар.
 Тун рангли ҳар тола сочингга тутқун,
 Мен каби мингталаб ошуфта Мажнун.
 Лабларингни очиб, айласанг ханда,
 Шакар дўкончаси бўлар шарманда.
 Эшигингни очиб субҳидам шодон,
 Қелдим юрагимда бир олам армон.
 Дедим, остонангга бош қўйиб дилбар,
 Бугун бўлса агар васлинг муяссар,
 Шундоқ ният қилдим, ўрин йўқ важга,
 Остонангни ўпиб жўнайман ҳажга.
 Энди орзуйимга етдим, эй дилбар,
 Юзингни кўришга бўлдим муяссар.
 Агар рози бўлиб айласанг фармон,
 Қаъба тавобига бўлурман равон.
 Қайтиб келажакман умр берса гар,
 Сенинг остонангга яна, эй дилбар.
 Агар ўлиб кетсам сарсон, овора,
 Худонинг хоҳиши, йўқ ўзга чора.
 Лайли сўзларини эшитган замон,
 Бўлди сочларидек тўзғиб паришон,
 Деди: «Нурли йўлинг, йўқдир иложинг,
 Сен менинг ҳожимсан, мен сенинг ҳожинг.
 Висолда юзимиз яшнаса, эй, ёр,
 Ҳижронда куйгандан яхшидир минг бор.
 Агар бир кун сендан қолсам йироқда,
 Ўзинг айт, чидайдан қандай фиरोқда?»

Сен ҳажга шодмон жўнаганинг дам,
Мен ёлғиз бурчакда тутарман мотам».
Деди: «Бу худодан келган иноят,
Ҳижрон азобига кўндим ниҳоят.
Сенга ҳам, менга ҳам бахш этар сабр,
Яна кўришармиз, чекма кўп жабр».
Шундай деб, кўзидан томчилади хун,
Йиғлаб видолашиб кетди жигархун.

Лайлидан рухсат сўраб, Мажнуннинг ҳажга кетгани

Вафо этмоғи шарт кимки аҳд қилур,
Уни бажармоққа доим жаҳд қилур.
Шу боис элчининг ҳурмати улуғ,
Аҳдини бажарар кўтарганда туғ.
Ҳар эркак бўйнига тушган бундай қарз,
Уни адо этмоқ саналгайдир фарз.
Мажнун вафо билан аҳд айлаганди,
Қаъбага бормоққа жаҳд айлаганди.
Дўстнинг манзилдан пою пиёда,
Жўнаб кетди жадал бийдай саҳрода.
Қизиган қумлару йўлдаги тошлар,
Унинг товонини қабарта бошлар.
Қабарган жойлари тешилиб бир-бир,
Озди бармоқ каби товони охир.
Оёғи бўлганди бир ковушсимон,
Остига мингталаб қоқилган тикон.
Тўпниги тошлардан тилиниб бисёр,
Йўл четига чиқди охири ночор.
Оёқлари қумга мисоли қалам,
Чеккан азобини ёзди жамулжам.
Гоҳи оёғида қолмаса дармон,
Судралиб борарди майибдек нимжон.
Гоҳида у шитоб қиларди йўлда,
Оёғи боғланган туядек чўлда.
Ташналик жонига ўт ёқар эди,
Қабарган оёқдан сув оқар эди.
Ою қуёш унга патир пон эди,
Суви жигаридан томган қон эди.
Ҳориб, бирор дарахт тагига етиб,
Ухларди бечора ўзидан кетиб.
Санчилар ҳар тикан ухлагани чоқ,
Жони томирига мисоли қармоқ.
Ҳамроҳи чумоли, илон у билан,
Е гоҳи кўтосу қулон у билан.

Йўлида бош эгиб деуу арслон,
Бари хизматида, у эрди султон.
Ҳар қум уюмини кўргани маҳал,
Севганига атаб ёзди бир ғазал.
Кипригидан тўкиб ерга қизил қон,
У жойни айларди қирмизсимон.
Қаъбага боргувчи ҳожилар каби,
«Лаббай» — деб илтижо этмади лаби.
У фақат дер эди пичирлаб: «Лайли»,
Шу эди орзую аъмоли, майли.
Узоқдан Маккани кўргани замон,
Қаъбадан кўзлари бўлди чароғон,
Лайли жамолини шунда этиб ёд,
Ишқ доғида шавқдан кўтарди фарёд.
Хона тавофига сўнг қўйди қадам,
Уйда қолган ёрин эслаб ўша дам.
Оҳидан хонада аланга ёнди,
Уйдаги ёрини эслаб тўлғонди.
Хона ичра уни шавқ ўти ёқар,
Жонни изтиробда қолиб тутақар.
Қайғу ҳалқасида елиб-югуриб,
Нажот излаб ўзин ташқари уриб.
Тизилиб иккала кўзларидан қон,
Қаъба пардасига томди ўша он:
«Ниқобда яширин, эй позли гўзал,
Қўлингда бўлади кўп мушкулот ҳал!
Араб гулшанида туриб, паризод,
Ажам бозорини айладинг касод.
Арабу Ажамнинг кўзи сендадир,
Орзуйинг билан маст жони бандадир.
Сенинг остонангдан кўзгалса ҳар тош,
Остидан чиқади минглаб шаҳид бош.
Отган тошинг билан шиша қасрлар,
Парчаланиб ётур неча асрлар.
Ҳараминг қумлари сурманнинг ўзи,
Ундан ёруғ эрур замона кўзи.
Меннинг телбалигим ҳаммага аён,
Этагинг айбимни ёпгувчи қалқон.
Уни деб дилимни доғлаган эдим,
Ҳамда аҳду вафо боғлаган эдим.
Ҳар неки мен билан тузмади паймон,
Энди барчасидан бўлдим пушаймон.
Ёраб, барчасини энди унутай,
Баридан юз буриб, унга кўз тутай.
Лайлининг юзидан бўлдим бетоқат,

Лайли орзуйига етайин фақат.
 Орзую умидим, жонимдир Лайли,
 Ҳаётим мангудир унинг туфайли.
 Лайлидир кўзимга бағишлаган нур,
 Ундан юрагимга етади ҳузур.
 Лайлидир ҳаётим шамъи — чароғи,
 Мевалари сўлим тириклик боғи.
 Гўзаллар юртининг султонидир у,
 Жон, меҳру муҳаббат посбонидир у!
 Мен бандаман, токи, у султон экан,
 Мен тирикман, то у менга жон экан.
 Ким у деб яшамас, эмасдир тирик,
 У деб ёнмаса ким, қалбидир чирик.
 Агар жумла жаҳон бўлиб бир томон,
 Аҳдингдан қайт дея берсалар фармон,
 Ҳеч қачон уларга мен қулоқ тутмам,
 Ҳаттоки бир лаҳза уни унутмам!»
 Дейдилар, каъбага йўл олган Мажнун,
 Эди сарпойчану либоси юпун.
 Отасига маълум бўлгач бу аҳвол,
 Изидан югурди мисоли шамол.
 Каъба хонасида турди кузатиб,
 Унинг дуосидан қалби жиз этиб.
 Эшитди дуою фиғону зорин,
 Ҳамда садоқату ишқда иқрорин,
 Уни қутқармоқни қилмади орзу,
 Ҳар жойда ризойин истар эди у.
 Меҳри-ла ўтқазиб тахтиравонга,
 Олиб келди уни Лайли томонга.

**Лайли қабиласи Мажнун ишқидан воқиф бўлиб,
 унинг Лайли билан мулоқот этмоғига монелик қилгани**

Ҳижозлик созанда шундай хушовоз,
 Ушбу нағма билан жаранглатди соз.
 Каъбадан қайтгани чоғида Мажнун,
 Шавқи юрагига сигмади бутун.
 Лайли диёрига қараб сурди от,
 Висол шавқи унга бахш этди қанот.
 Олдингидек қатнай бошлади такрор,
 Висолини қўмсаб, бўлиб беқарор.
 Қуёш бош кўтарган чоғи субҳидам,
 Орзуйи йўлида ташларди қадам.
 Вафо қойдасин бошдан бошлади,
 Йўлни яна тоғу тошдан бошлади.

Шодлик майи билан тўла қилиб жом,
 Ёр сари элтарди эртаю оқшом.
 Оламни қаро тун қоплар чоғида,
 Ўзини ҳис этди ғам қучоғида.
 Қулбаси ичида мақом айлади,
 Тун роҳат уйқуни ҳаром айлади.
 Агар-чи ёрини кўрмаган ҳолда,
 У билан сўзлашди фақат хаёлда.
 Бу ҳолат бир неча бўлганда такрор,
 Юраги ўрнидан кўзгалди юз бор.
 Бу қисса ёйилиб бўлганда ошкор,
 Лайли яқинлари бўлди хабардор.
 Ёйилмоғи учун бу сирли қисса,
 Ғийбачти гапдонлар қўшишди ҳисса.
 Лайлининг отаю онасига ҳам,
 Бу гаплар охири етди жамулжам.
 Бир кеча бўлишиб унга меҳрибон,
 Бир хилват хонага кириб икковлон,
 Чақириб дилрабо фарзандларини,
 Айтдилар насихат ҳам пандларини.
 Эй кўзлар қароғи, кўнглига малҳам,
 Яра кўнглимизга туз сепма кўп ҳам.
 Бу оламда қанча бўлмасин асрор,
 Охири бир кунни бўлади ошкор.
 Аввалдан кам бўлар очилмаган сир,
 Ҳеч асрор фош бўлмай қолмагай охир.
 Мушкин пардасига ўралади тун,
 Пардаси йиртилар ёришганда кун.
 Ғунча ниқобида беркинса ҳам гул,
 Тонг шамоли билан очилади ул.
 Ҳар дон тупроқ ичра айласа макон,
 Бир кун ерни ёриб чиқиши аён.
 Сену Қайс ҳақида сўзлар халойиқ,
 Шавънингга бу гаплар эмасдир лойиқ.
 Бундай ғийбатларга қилмасанг парво,
 Улар сени этгай охири расво.
 Булбулдан эшитди тонг чоғи шамол,
 Гул юзида парда борлигин алҳол.
 Шаббода эсганда айни саҳарда,
 Йиртилди ғунчанинг юзидан парда.
 Бу сир шундай яна бўлаверса фош,
 Ҳақингда латифа тўқир ҳар авбош¹.

¹ Авбош — безори.

Одамлар тилига эрк берма зинҳор,
 Улар гумонини айлагин инкор,
 Девор бир нам ўтиб зах тортса агар,
 Икки-уч мартада қийшайиб кетар.
 Уста агар унга топмаса тадбир,
 Қулаб тушажакдир бир кун барибир.
 Хона пештоқига етмасдан олов,
 Остонада ўчир сен уни дарров.
 Агар ўт туташиб ёнар бўлса том,
 Юз ҳийла қилсанг ҳам ўчмагай тамом.
 Омирий Қайсни унутмоқ даркор,
 Унинг суҳбатидан бўлма умидвор.
 Қирса эшигингдан ярашмагай Қайс,
 Сен Каъба бўлсанг у эрур Бўқубайс!¹
 Лекин сен уни деб қилмагин бир иш,
 Елкангдан ташла ва чекма ҳеч ташвиш.
 Ҳар дўст кўнгилларга чўктирса ғубор,
 Ундай дўстдан бўлар ҳар кимса безор.
 Бошингга олмагин ушбу қайғуни,
 Этагингдан силки ғубордек уни.
 Иффат либосида бўлгил бокира,
 Хонангга киришга қўймагил сира.
 Пардалик қиз тутар юзини пинҳон,
 Юмуқ ғунча янглиғ билсанг ҳар қачон.
 Гулзорда осуда юрар маҳлиқо,
 Бозору кўчада бўлмасдан расво.
 Гул каби юзини очганида ул,
 Наъра тортар ишқи шавқида булбул.
 Синиб гулбутоқдан тушади хокка,
 Қўшиб боғланади хору хошокка.
 Кейин айлашади ҳар ён саргардон,
 Юзлари саргайиб бўлади хазон.
 Этагинг пок бўлса гуноҳдан асло,
 Бадхоҳ таънасига қилмассан парво.
 Нега ҳар гумонга нишонадурсан?
 Нега ҳар забонга афсонадурсан?
 Ҳар кимда бўлмаса агар бир қусур,
 Кўнгли эгри йўлга бошламас бир қур.
 Агарда салласиз оғриси калла,
 Яхшидир бош узра ўрасанг салла.
 Лайли панд тингларди хотирпаршон,
 Қайсининг оташидан кўксида туғён.

Улар Қайсга қарши сақлар адоват,
 Лайли бу ҳолатдан сиқилар гоят.
 Қайсни улар ноҳақ қилганда игво,
 Лайли жондан уни айларди дуо.
 Улар Қайсга эди суву ўт каби,
 Ширу шакар эди Лайли матлаби.
 Улар ташдан қилгай эди насиҳат,
 Лайли ичдан қўяр эди муҳаббат.
 Юзланиб ул гўзал диёрни томон,
 Яна ҳар кунгидек Қайс бўлди равон.
 Йўлидан чиқди бир ялмоғиз кампир,
 Қари эшак каби елкаси яғир.
 Турқи хунук эди, ҳам яра-чақа,
 Кўриниши эди мисли тошбақа.
 Қадини дол этиб фалакнинг юки,
 Қовоқдек бошида йўқ эди туки.
 Тақир боши узра ўрамай чачвон,
 Либоссиз бадани кўринар урён...
 Кўзи оғзи билан гўё бир эди,
 Шубҳасиз дажжолдек бир кампир эди.
 Ул турқи совуқни кўрганда алҳол,
 Кўнглида уйғонди бир ёмон ҳаёл.
 Қим унинг юзини кўрса аввало,
 Юрагида шодлик қолмагай асло.
 Босиб бечоранинг юрагини ғам,
 Севикли ёрига бўлганда ҳамдам,
 Ота-онасининг гапидан ул ёр,
 Дилхаста ошиқни этди хабардор.
 Дедики: «Не келур қисматдан магар?
 Ботиб юрагимга бу янглиғ ништар.
 Ишқингда бор эди ярали дилм,
 Ҳижрон азобидан бўлди юз тилим.
 Мажлис шамъи каби ёнди ловуллаб,
 Сенинг бир кечалик фурқатингдан қалб.
 Агар бу чўзилса бир йил ёки ой,
 Ўзинг айт, не кечар ҳолим бўлмай вой?
 Сенинг келганингдан менга юз бало,
 Бўлурман даҳшату ғамга мубтало,
 Андин қўрқаманки, бирор бадгумон,
 Сенга тасодифан етказар зиён.
 Бу сўзни эшитган чоғида Мажнун,
 Ёқасин чок этди ғамдан жигархун.
 Дилу жони бўлиб ғуссадан барбод,
 Чидолмай кўтарди фиғону фарёд.
 Эй дил, бундан кейин айлагил тоқат,

¹ Бўқубайс — Каъба яқинидаги тоғ номи.

Сабрдан бошқани ўйлама фақат.
 Ёр сени рад этса, билки ғам эмас,
 Ағёр қабулидан бу рад кам эмас.
 Ҳижронни истаса агар сарвиноз,
 Бу ахир мен учун висолдан ҳам соз.
 Жононини рози қилмасдан ҳар кас,
 Юзини кўрмоқни айласа ҳавас,
 Севги даъвосида содиқ эмасдир,
 Унинг лақаби ҳам ошиқ эмасдир.
 Ошиқким ўзини айлағай қурбон,
 Ёридан ўзга йўқ қалбида армон,
 Бахтсизлик хокида тушкун хору зор,
 Дилида на ғаму на шодлиги бор.
 Даҳшату умиди йўқ эрур ғоят,
 Бош эгиб айлағай фақат итоат.
 Турмуш ташвишидан чекмағайдир ғам,
 Ҳар не ёрдан етса бўлади хуррам.

Лайлининг отаси уни Мажнун билан тунги мулоқотидан хабар топиб, қизига дашном бергани

Ул дилафрўз этгач Мажнунга ҳукм,
 Бўлди кундузлари келмоқдан маҳрум.
 То қош қорайгунча ғамдан бўлиб қон,
 Юз бора оғзига келар эди жон.
 Тунлари мисоли ишқдан девона,
 Талаб йўлларига бўлар равона.
 Манзили бўларди ёрининг кўйи,
 У жойда қоларди махфий тун бўйи,
 Бир лаҳза сўзлашга етса мажоли,
 Аён бўлур эди шикаста ҳоли.
 Кундуз фироқидан бўзларди унга,
 Юз ўтли қиссани сўзларди унга.
 Ҳижрондан қанчалик чекмасин қайғу,
 Лекин сарсонликдан нолимасди у.
 Бир кеча икки ул покиза кўнгул,
 Севги ўлкасида номлари мақбул.
 Бир жойда икковлон ўтириб баҳам,
 Суҳбат қуришарди, валекин шу дам,
 Уша қабиладан бир нокас йигит,
 Ишқий афсонадан кўнгли эди хит.
 Кўрдик, ҳасратдан диллари пора,
 Сўзлашиб ўлтирар икки бечора.
 Улар суҳбатига рашки келибон,

Кўнглида уйғонди бир ёмон гумон.
 Ҳа, келмас яхшидан ёмонлик асли,
 Ҳар кимдан туғилар ўзининг насли.
 Нима бўлса агар, сирками ё май,
 Кўзадан ўшанинг ҳиди таралгай.
 Лайли чашмасорин кўриб, алқисса
 Томчисин оширди селдек, юз ҳисса.
 Бориб эртаси кун бир четда пинҳон,
 Отасига қилди борини баён.
 Қуруқ хирманига урдик олов,
 Ёниб адо бўлди ўт ичра дарров.
 Лайлининг олдига келди ўт сочиб,
 Кечаги яширин сирини очиб.
 Эсин киритмоққа жаҳд айлаб шу чоқ,
 Гулдай юзларига тортди шапалоқ.
 Тарсаки зарбидан нилуфар янглиғ,
 Лоларанг рухсори бўлди кўк ранглиғ.
 Ҳамда хивич билан савалаб яккаш,
 Момиқ баданни этди қонталаш.
 Ҳар лаҳза «Тавба»— деб айтарди Лайли,—
 Қайс ишқидан бошқа не бўлса», яъни.
 Ҳар маҳал этганда фиғону фарёд,
 Қалтакданмас, дерди ёр ҳажридан дод!
 Ҳар дам кипригидан тўкканида қон,
 Мажнун юзин эслаб чекарди фиғон.
 Қалтаклаб бўлгач сўнг қилди қасамёд,
 Худонинг номини аввал этиб ёд.
 Бу дунёда Қайснинг журъатидан дод,
 Халифага бориб айлағум фарёд.
 У ким бўлди ўзи, гоҳ субҳу, гоҳ шом,
 Менинг остонамга келади мудом?!
 Ҳийла-найранг билан қўйиб юз тузоқ,
 Дилрабо қизимни аврайди узоқ!
 Халифа додимга етса агар, соз,
 Бўлмаса шубҳасиз олурман қасос.
 Ғазабдан йўлига чиқурман аён,
 Қўлимда бўлади найзаю қалқон.
 Ё бошқа бу йўлга қўймағай оёқ,
 Ё умри шу жойда узилар мутлоқ.
 Жонни ўртағувчи бу сўздан Мажнун,
 Огоҳ бўлган эди худди ўша кун —
 Жаҳон саҳни бўлди унинг учун танг,
 Қопланиб айрилиқ ғуссасидан чанг.
 Оёғи елмоқдан бўлиб бедармон,
 Қалбида умиддан қолмади нишон.

Ўтириб сабр ила сал-пал овунди,
Ошкору яширин бормоқдан тинди.
Ўзининг жонидан қўрқибмас зинҳор,
Ерга етмасин-чун отадан озор.

**Мажнун Лайлига қўшни бўлган бева аёлнинг
уйига боргани ва Лайлининг отаси унга
Мажнунни уйига киритишини таъқиқлагани**

Лайлининг қўшниси эди бир аёл,
Бошқа қабиладан бир соҳибжамол.
Ғурбатдан қалбини тилкалар алам
Чекарди бевалик азобини ҳам.
Эри бу оламдан кўзнини ёшлаб —
Кетди унга икки етимни ташлаб.
Яшарди бечора ғарибу муҳтож,
Қийгани кийим йўқ, қоринлари оч.
Мажнун бўлиб висол ганжидан маҳрум,
Харобада топди қарғадек қўнум.
Ғамхона уйда мақом айлади,
Унинг хизматига қиём айлади.
Ул икки етимни дарров тилади,
Шафқат қўли билан бошин силади.
Қўлида бўлса гар қанча сийму зар,
Уларга тақсимлаб берди баробар.
Жудо бўлганида ёр соясидан,
Ҳолини сўради ҳамсоясидан.
Чексиз биёбонда ташна чўккалаб,
Хўл қумга нам излаб босар эди лаб.
Чанқоғи қонмасди ёниб зугумдан,
Лабига томчи сув етмасди қумдан,
Барини унутиб бемадор, беҳол,
Дилбарини сўраб айлади савол.
Деди: «Аҳволини қил менга баён,
Ким ҳуснин томоша этмоқда бу он?
Мен унинг васлидан бўлганда маҳрум,
Кимга у этмоқда нозли табассум?
Мендан бошқаси ҳам бормикин ё йўқ?
Кўзлари йўлимга зормикин ё йўқ?
Қокиллари кимнинг қалбига тузоқ?
Қошида ким сажда айлағай бу чоқ?
Лаблари нозланиб этганда ханда,
Кимни шакар сочиб айлағай банда?»

Гавҳар қутисидан дур сочса агар,
Қимнинг қулоғига гавҳар ёғдирар?
Ким унга термулиб ўлтирар бу дам,—
Деб, мени куйдирар орзую алам?
Иштиёқида мен ўлмоғим лозим.
Унинг ҳарамида кимдир мулозим?
Шунча нозанинлик бирла дилрабо,
Мен билан суҳбатдош бўлолмас асло!
Етарли мен учун уйингда турсам,
Узоқдан чодир қорасин кўрсам!»
Шундай деб чўзилиб йиқилгани он,
Кўзидан сел каби оқди қизил қон.
Икки кўздан оқиб ёши шаққатор,
Кейин йиғлашга ҳам қолмади мадор.
Бетобликдан кетиб ўз ҳушидан ул,
Дунёда борини унутди буткул.
Юзига сув сепиб у бева аёл,
Уни ўз ҳушига келтирди дарҳол.
Уйғониб ҳушига келгани замон,
Яна қайтиб кетди ўз юрти томон.
Ҳаёти кечарди ёридан жудо,
Елиб-югурмоқдан тинчимай асло.
Лекин хусуматчи бебақо фалак,
Ҳамиша қилмиши жафо айламак.
Қалбига туширди яна ўзга доғ,
Муроди йўлини тўсди мисли тоғ.
Лайли орзусида қўйишиб қадам,
Отага чақдилар уни дам-бадам.
Мажнун келганини айтишиб бир-бир,
Остонадан гардин ювдилар охир.
Отанинг ғазаби яна жўш уриб,
Тул аёл қошига келди бўкириб.
Бу қандай заифлик, эй нокас банда,
Бунчалар айладинг мени шарманда?
Менинг обрўйимни тўкиб ул авбош,
Шарафим жомига отганида тош.
Сен уни уйинга йўлатдинг нечун?..
Бу кўчадан ўтса яна бирор кун —
Рози бўлиб уйга киритсанг бир қур,
Бошинг узилади, айла тасаввур!
Бундай дағдагадан бечора аёл,
Сувдаги қамишдек титради беҳол.
Иккинчи бор Мажнун юраги доғда,
Олис йўлдан етиб келгани чоғда,
Эй гўзал фарзанд деб айлади фиғон,

Мени ғам ўқига этмагил нишон.
Уйимга ҳеч қачон келмагин такрор,
Остонамга оёқ босмагин зинҳор!
Лайли гарчи севар беқиёс,
Валекин отаси олгуси қасос.
Қабила боши у, мен-чи, бир гадо,
Тенглаша олмасман у билан асло!
Ўз жоним деб ундан қўрқмасман фақат,
Сенга ҳам заррача айламас шафқат.
Энди эшигимга босмагин қадам,
Шудир айтган сўзим, ўзгармас ҳеч ҳам!
Унинг сўзларидан ҳасратда йиғлаб,
Мажнун шундай деди бағрини тиглаб:
Бу қандай гап бўлди, эй онайизор?
Меҳрингдан айладинг мени дилфигор.
Иккимиз бу ерда ғарибу сарсон,
Бегона эмасмиз бизлар ҳеч қачон.
Нега даргоҳингдан этасан қувғун?
Менинг юрагимдан оқизасан хун?
Кимки ватангадо, бўлса мусофир,
Уни ранжитмоқлик гуноҳи оғир.
Қисмат номасига ёзилган азал,
Ғариблар ўзаро дўстдир ҳар маҳал.
Адаб варақини ким йиртса агар,
У ўз насибидан тонгай муқаррар.
Кўчангдан кўриниб турарди Лайли,
Кўнглимга бўларди анча тасалли.
Мендан юзларингни бурдинг бу асно,
Лекин жону дилдан айларман дуо.
Кўчангдан бош олиб кетяпман, мана,
Қон дарёси ичра ботяпман, мана.
Шод келган эдим, маъюс кетурман,
Иложим йўқ ўзга, афсус, кетурман.
Сендан умидворман, агар баногоҳ
Лайли тарафига айласанг нигоҳ,
Ед айла меники, бир ғариб эдим,
Азобда васлидан бенасиб эдим.
Менинг тилим билан айтгин дуолар,
Юзин кўрмогимни истасанг агар.
Нишонга тегиб гар бўлса ижобат,
Мушкулим ечилгай эди оқибат.
Йўқса, фироқидан ўлгайман фақат,
Этагин тутгайман келса қиёмат.
Шундай деб, ўрнидан қўзғалиб чаққон,
Ваҳшатзада кетди биёбон томон.

Мажнун Лайлининг қўшниси уйига келганидан
ғазабланган Лайлининг отаси ўз қасамёдига
биноан халифа даргоҳига арзга боргани

Дил майлига қарши ошуфта Мажнун,
Ул гўзал нигорнинг сўзидан маҳзун,
Яъники, улугвор отаси тажанг,
Қўлидан келади ҳар хилда найранг.
Қасамёд айлаган эди даставвал,
Тул қиссаси ишни айлади жадал.
Қасамига кўра от суриб шу он,
Бўлди халифанинг уйига равон.
Зулмдан шикоят айлаб бўзлади,
Бўлган воқеадан озроқ сўзлади.
Омирийлардан бир бадхулқ — жангари,
Байту ғазал тўқиб келар биз сари,
Макру ҳийла бирла телбадир аё,
Йўқ унда заррача номусу ҳаё.
Одоб қондасин унутиб бутун,
Ўзига ном қўйиб олибдур «Мажнун».
Яширин сирларни айлабон ошкор,
Ишқини юз бора этади изҳор.
Бордир бир гавҳарим, ҳурдек ягона,
Оламда кўзлардан дурдек пинҳона.
Гўзаллик тахтида покизадомон,
Иболи, пардада яширин жонон.
Кўзгудан бошқаси юзин кўрмаган,
Ўзга қўл сочини силаб ўрмаган.
Ақлини йўқотган у телба шайдо,
Бўлди расволарча йўлида пайдо.
Ҳадеб севгисидан лоф ургани дам,
Овозаси билан тўлди бу олам.
Бир анжуман йўқки жумла жаҳонда,
Бу сўзни айтмаса йиғилган онда.
Номи жон мисоли бўлиб яширин,
Кўксим ичра эди жонимдек ширин,
Уни ғазал қилиб куйлади тоза,
Жаҳонни қоплади ушбу овоза.
Ҳадеб келавериб уйимга яна,
Ҳатто остонамни этди вайрона.
Тақиллатмай тўғри келар эшикдан,
Қувласам сездирмай кирар тешикдан.
Эшикни беркитсам, ошиб тушар том,
Эрталаб қувласам, яна келар шом.
Қўшнимиз ҳам ундан чекиб кўп озор,

Келиб-кетмоғидан бўлгандир безор.
 Сендан бошқа ким ҳам қилгай ҳақиқат?
 Худо ҳаққи, менга айлагин шафқат!
 Эҳсон қаламидан этиб сарафроз,
 Ул юрт ҳокимига икки оғиз ёз.
 То сахо қонунин барқарор этсин,
 Бу ҳодисот ғами бошимдан кетсин.
 Аҳволини билгач, халифа шу он
 Езиб берди чора кўрмоққа фармон.
 Вилоят ҳокими ўқиган заҳот,
 Қайсу қавми сари дарҳол сурди от.
 Адолат ўрнатмоқ қасдида ҳакам,
 Чорлади омирий аҳлини шу дам.
 Қайсу отаси ҳам келиб ўтиргач,
 Элат улуғлари доира қургач,
 Халифа фармонин айлади эълон,
 Унинг мазмуники, Мажнуни даврон,
 Лайлию ишқидан минбаъд уриб лоф,
 Ноинсофлик қилиб юрмоғи хилоф.
 Бундан сўнг бўлиб ўз ишига машғул,
 Диёридан четга чиқмагайдир ул.
 Ғазал ўқимасин «Лайли» деб бўзлаб,
 От суриб бормасин Лайлини излаб.
 Оёгини тийсин изламоқликдан,
 Лаб юмсин «Лайли»— деб сўзламоқликдан.
 Эшиги олдида қурмасин маскан,
 Унинг зикри бирла тўплаб анжуман.
 На чодир тагида тарона айтсин,
 На кириб уйига афсона айтсин.
 Остонаси сари этмасин жазм,
 Айтиб қиссасини тузмасин базм.
 Не тоғ этагида тарона куйлаб,
 Не юрсин кўйида афсона сўйлаб.
 Бориб унга яқин қурмасин макон,
 Ҳар базмда ундан айтмасин дoston.
 Унинг борлиғига урмасин олов,
 Номини қўшиққа солиб беаёв.
 Бунга қарши яна иш тутса агар,
 Шубҳасиз, ўлмоғи унинг муқаррар.
 Вужуд шишасини айлаб чилпарчин,
 Қим унинг умрига бўлса гар зомин.
 Ундан хун олмоққа асос бўлмагай,
 Қонуний ҳукмда қасос бўлмагай.
 Фармон мазмунини айлагач баён,
 Бу воқеа бўлди элига аён.

Қайсга тилларини узун этдилар,
 Шафқатсиз таънадан дилхун этдилар.
 Кўрдингми, бу ишнинг оқибатини,
 Тинглаб халифанинг фармон-хатини?
 Минбаъд гапирмоққа ҳожат йўқ, тамом,
 Бу сўздан юксак сўз йўқдир, вассалом
 Бу шартга кўнмасанг қолмассан омон,
 Қонинг оқиб, молинг бўлади талон.
 Отаю онангга айлагин шафқат,
 Бу хато йўлингдан қайтгил оқибат.
 Лайлию отаси ғазабланса гар,
 Бу гуноҳинг учун қонингни тўкар.
 Беҳуда қон тўкиш, урушу сур-сур,
 Ўзинг айт, бизларга бу нима зарур?!
 Бу сўзни эшитган чоғида Мажнун,
 Ошиқона фиғон чекарди маҳзун,
 Ҳар киприк учидан оқиб қонли ёш,
 Сариг юзларини этди қонталош.
 Ўзини заминга ташлади у хор,
 Тупроқда ётди у топмай эътибор.
 Ўртанди мисоли ярадор илон,
 Титради чалажон чумолисмон.
 Бошдан ҳуши, тандан мадори кетди,
 Боши оғригандек қарори кетди.
 Атрофини ўраб йиғилган одам,
 Гўё унинг учун тутарди мотам.
 Қози ҳам ғамидан ғарқ бўлиб қонга,
 Ўзгартиш киритди ҳукм-фармонга.
 Ҳукумат қонуни эта олмай қор,
 Халифа фармонин айлади бекор.
 Донолиғ зиёсин таратган бу хат,
 Ақли борлар учун қонундир фақат.
 Оқиллардан ўзга телбалар учун,
 Йўқдир бу оламда ҳеч қандай қонун.
 Ётди у чўзилиб ерда анча дам,
 Юзларини қўйиб тупроққа пурғам.
 Беҳушлиги тарқаб турганда яна,
 Завқ билан у куйлаб кетди тарона.
 Севги мизроби-ла чалганида чанг,
 Қўшиғига шундай жўр бўлди оҳанг:
 «Бизлар ишқ йўлида собит-устивор,
 Ишқ йўли айлади бизни тору мор.
 Бизнинг вазифамиз ишқдир аввало,
 Халифага парво қилмаймиз асло.
 Ишқ бизни юксакка кўтарди шоён,

Халифанинг қўли етмас ҳеч қачон.
 Ул жойдан учса гар бизнинг кабутар,
 Халифа шахбозин пати тўкилар.
 Биз юксак уяли қушдирмиз, зеро,
 Пойимизда ётар замини само.
 Ургумчак қанчалар қўйса ҳам тузоқ,
 Унга насиб бўлмас бизларни тутмоқ.
 Лайли жоним аро кирса ҳойнаҳой,
 Юрагим тубидан олар бўлса жой,
 Айт унга, халифа тўсиб йўлимни
 Суғуриб олсин бу жону дилимни.
 Ҳайҳотки, бу эрур ножоиз хаёл,
 Ундаи жудо менинг яшашим маҳол.
 Нурида соядек йўқолсам кўздан,
 Қандоқ айрилайини мен ўзим ўздан?!»

**Лайлига совчиликка бориш учун Мажнун отасига
 хабар юборгани ва отаси қабила улуғлари
 билан унинг хоҳишини бажаргани**

Бу нозли келинни айлаб дилоро,
 Машшотаси берди унга зеб, оро.
 Қайғу лашкаридан бўлиб паришон,
 Бало сели ичра чўкиб тоғсимон,
 Даштда изғир эди мисоли довул,
 Гард каби шамолда тентирарди ул.
 Ташқарида қолгач Лайли кўйидан,
 Жонни лабга етди ёр орзуйидан.
 Эрди дилу дийда тору қоронғу,
 Ҳажрида ўлимга яқин эди у.
 Бир жойда туролмас у сақлаб чидам,
 Ҳар лаҳза, ҳар ёнга ташларди қадам.
 Қизғин водийлардан кечганда ҳар зум,
 Чўғдек оёғини куйдирарди қум.
 Булутдек тоғларга тушириб соя,
 Қароргоҳи эди тоғмисол қоя.
 Адо бўлган эди, жонни ғамталош,
 Қандай берур тигу оташга бардош?
 Ҳар жойда бир қора кўрингани он,
 Чонди телба каби ўшанга томон.
 «Лайли» — дея ундан сўрарди аҳвол
 Ва Лайли ҳақида берарди савол.
 Ундан бир-икки сўз айтсайди агар,
 Оёғи гардини кўзига суртар.
 Бўлмаса ўғирар эди ундан юз,

Айтмасди ҳаттоки унга бирор сўз.
 Шундай бир неча бор бўлдию нохуш,
 Сўнг унда қолмади зарра ақлу хуш.
 Шавқ келиб, сабрдан нишон қолмади,
 Йиқилди, аламдан дармон қолмади.
 Йўлин қилиб, топиб бирор баҳона,
 Қабиласи сари бўлди равона.
 Излаб қабиладан бир комил инсон,
 Ақл нури бирла равшан мисли жон.
 Деди: «Эй сен мени айлаб умидвор,
 Бўлгин бу ишимда таянч, мадақдор.
 Мендан олиб боргил отамга салом,
 Изидан етказгил шу хил бир калом.
 Мен аслида сендан бўй чўзган ниҳол,
 Тарбиятинг билан топганман камол,
 Сендан қорилгандир тупроғим-гилим,
 Сенинг мазмунингдир не деса дилим.
 Сенинг ҳунарингдир, ҳар неки борим,
 Ундан ўзга борми менинг шиорим?
 Сендан яшнаётган ҳаётим боғи,
 Сендан чароғондир умрим чироғи.
 Ҳар лаҳза эшитдим сендан хушхабар,
 Яна бир умидим бордир бу сафар.
 Ўзга бир хушхабар етсайди такрор,
 Мени айласайди яна умидвор.
 Лайлики, мен учун жон матлабидир,
 Менга абадийлик бахти кабидир.
 Уни яширдилар қадри ойдек,
 Эшикдан қувдилар мени гадоидек.
 Унинг фурқатидан бугун ҳалокман,
 Бугун дилхастаю сийнаси чокман.
 Эшигидан ўзга менга йўқдир жой,
 Агар қўймасалар ҳолимга юз вой!
 Охир, илтимосим айлагин бажо,
 Дардимни кўргилу айлагин даво.
 Айтгил отасига солмасин ғавғо,
 Ахир усиз менга татимас дунё!
 Розиман бўйнимга майли солсин ғул,
 Бахтиёр айласин бамисоли қул.
 Доим ҳарамида сақлаб эҳтиром,
 Не куёв, бўлайин камтарин ғулом.
 Дедингки, насаби пастдир бир қадар,
 Бизга бу ҳолатдан етади зарар,
 Мен куйдим, насабдан менга не фойда?
 Туну кун азобдан менга не фойда?»

Истайман ёмоним сендан бўлса соз,
 Менга меҳр билан сўзлаганинг оз.
 Фақат адоватинг бўлади зоҳир,
 Оталик меҳрингни кўрмадим охир!
 «Раҳм қилсанг, раҳм кўрасан» — дерлар,
 Раҳм хосиятин кўрган бўлсанг гар,
 Раҳминг келсин, мана, ўлаётирман,
 Ситамингдан қурбон бўлаётирман.
 Истагим эмасдир нафсинг тугёни,
 Мен бор жойда йўқдир нафсинг нишони.
 Адаб кони янглиғ тупроғим тоза,
 Ундан пок юрагим олган андоза.
 Лайлики, ғам билан ёқибдир жоним,
 Қуйибдур вужудим, ҳам устухоним.
 Ўзгалар бўлолмас унингдек огоҳ,
 Шу боис ундан ҳеч узмасман нигоҳ.
 Йўқса, нега гаранг ахир ул одам,
 Нафс қутқусидан фориг бўлган дам,
 Ақлини йўқотиб бир аёл учун,
 Орзу кўчасида бўлса у тутқун.
 Менинг кўнглимдаги ягона ҳавас,
 Узоқдан унга бир қараб қўйсам бас.
 Юксаклик тахтида у айласа ноз,
 Бўлса озодаю гўзал, сарафроз.
 Қўйида хору зор мен адо бўлгум,
 Мискину бечора бир гадо бўлгум».

Ул дўсти эди бир баркамол нисон,
 Қайс олдидан йиғлаб қўзғалди шу он.
 Отага айлаган илтимосин бот,
 Элат бошларига айтди шу заҳот.
 Узаро бир битим туздилар ҳамдам,
 Уни бажармоққа ичдилар қасам.
 Улар йўл олишиб отаси томон,
 Ул ғам дафтарини қилдилар баён.
 Унга Қайс сўзларин сўзлаб бирма-бир,
 Орада қолмади ҳеч яширин сир.
 Бу ҳолат отанинг бағрин тиглади,
 Қўлини юзига қўйиб йиғлади.
 Ки пичоқ тақалмиш устухонига,
 Санчилмиш ғам тиғи дилу жонига.
 Бундай алам бирла нечун доғлайин,
 Яхшиси эндиким, белим боғлайин.
 Бир чора топишга киришай бу он,
 Иложи борича қидирай имкон.
 Уни муродига етказайин хуш,

Мақсуди жомидан айлайин сархуш.
 Йўлга чиқиш учун бўлиб бошу қош,
 Қабил аҳлидан излади йўлдош.
 Кексалар меҳри-ла айлаб иноят,
 Ешлар тавозе-ла айлаб итоат,
 Кўз ёши тўкдилар мисоли дарё,
 Лайли даргоҳига етгунгача то.
 Отаси, билсангиз қаршилаб чунон,
 Ҳурмат-ла уларни айлади меҳмон.
 Хизматкорлар елиб-югуриб мудом,
 Дастурхонлар ёзиб, келтирди таом.
 Орадан дастурхон йиғилиб гоят,
 Бошланди сеҳрли гўзал ҳикоят.
 Ҳар одамнинг сўзи бўлди ҳар хилда,
 Ҳеч нарса яширин қолмади дилда.
 Чиқиб ҳар оғиздан ҳар хилда калом,
 Суҳбатни шу хилда этишди давом.
 Ўз мақсадларини ҳикоя бирла,
 Сўзлашди пардали киноя бирла.
 Дедилар: «Бу ёруғ оламда асло
 Бир қўлдан «қарс» этиб чиқмагай садо.
 Иккинчи қўл унга бўлмаса ҳамкор,
 Қарс овози ундан таралмас зинҳор.
 Бўлса саройингда агар бирор тоқ,
 Уни тоқ деб билар эшитган қулоқ.
 Агар бор бўлмаса икки қўш палла,
 Тарозуда қандай тортилур ғалла?
 Яширин бўлгай тоқ ҳусни жамоли,
 Жуфти жамолига ойна мисоли.
 Ўтгил чаманларга боқиб бир қиё,
 Танҳо гул айлагай сени маҳлиё.
 Унга безак бўлса агар майсазор,
 Янада бўлгуси у жозибадор».
 Шу лаҳза айтишиб юзлаб офарин,
 Мезбон томон хитоб этдилар тағин.
 Қўлингда узилиб зулм сиртмоғи.
 Эҳсонингдан тирик араб қишлоғи.
 Муборак ой бордир кўшқингда пинҳон,
 Кўнгил кўзи билан боқасан ҳар он,
 Покиза мисоли тешилмаган дур,
 Бокира — покликда тимсоли йўқ ҳур.
 Ойдир у, афсуски ойдан ҳам нигун,
 Булутлар остида доимо тутқун.
 Зулмат тунимизга айлагин инъом,
 Қўтар ой юзидан булутни тамом.

Текни ҳады бўлур агарчи тоқдир,
 Бергин унга бошқа бир тоқ муштоқдир.
 Хунарманд Қайс эрур иккинчи ул тоқ,
 Қулдек илтифотинг кутмоқда муштоқ.
 Аслу насабида даҳрда танҳо.
 Фазлу одобда шаҳрда танҳо.
 Муродига етсин, айлагин хурсанд,
 Куёвдир, қабул эт мисоли фарзанд.
 Қуллик бахти билан этиб сарафроз,
 Уни бахтсизликдан айлагил халос.
 Ул бир ҳур бўлса гар, будир фаришта,
 Муқаддас гавҳардек эрур саришта.
 Хурдан фариштани яхшимас асло,
 Девга ўхшаб доим айламак жудо.
 Узаро муносиб бу икки гавҳар,
 Бир-бирига муштоқ бу икки ахтар¹.
 Бир қутида бўлсин уларнинг жойи,
 Фалакда бир буржда бўлсин саройи.
 Меҳру вафо бирла айладик нола,
 Қолгани ўзингга эрур ҳавола.

**Лайлининг отаси уни Мажнунга
 беришни ўзига ор деб билгани**

Инсонлик йўлидан у эди йироқ,
 Одамийлиги ҳам йўқ эди мутлоқ.
 Кўксида юракмас унинг тош эди,
 Ундан кўнгулгача минглаб тош¹ эди.
 Фафлат зиндонида этганди макон,
 Фафлат йўлларида кезарди нодон.
 Ичи қораликда зулматдан бефарқ,
 Бошдан-оёқ бўлиб қора сувга фарқ.
 Маърифат йўлидан бир четда қолган,
 Асли жоҳилликни касб қилиб олган.
 Муҳаббат хаёли йўқдир бошида,
 Жони ўртанмаган ишқ талошида.
 Не севги доғида бўлганди кабоб,
 Не чекиб умрида бир зарра азоб.
 Яъники Лайлининг ишида кафил,

¹ Ахтар — юлдуз.

² Тош — ўлчов бирлиги, бир тош — саккиз чақирим.

Лайлининг бахтини синдирган чил-чил.
 Ота деган номи бор эди бироқ,
 Оталик йўлидан бўлсаям йироқ.
 Ота каби унга қилмай тараҳхум,
 Аксинча кўргузди минг зулму зугум.
 Тинглаб ул қабила аҳлининг сўзин,
 Улар хоҳишидан ўгирди юзин.
 Уйилган қабоғин қоплади ажин,
 Ғазаб-ла кўрсатди топибон важин.
 Улким, кулганида юрак кетса зил,
 Қовоғини ўйса не бўларин бил!
 Деди: «Бу қандайин ярамас хаёл,
 Омонат ўргимчек уяси мисол.
 Агар бу илтимос бўлса даставвал,
 Тўғри келар эди ақлга сал-пал.
 Бугун замон аҳли билди бир йўла
 Ҳар жойда машҳурдир ушбу ашула.
 Жаҳонда қолмади бирорта қулоқ,
 Бу гапни эшитган бўлмаса мутлоқ.
 Ҳатто гўдаклар ҳам тўқир афсона,
 Бу қисса мазмуни бўлиб баҳона.
 Риндлар куй тинглашиб, ичмагай шароб,
 Қийқириб бу ҳақда қилмаса хитоб.
 Бизнинг ҳолимиздан қўрқиб муаллим,
 Насиҳат айлагай берганда таълим.
 Расволик бўлурми бундан ҳам ёмон,
 Бу эрур тубандан тубан бегумон.
 Асло татимагай ушбу мукофот,
 Ҳийла бирла шеърлар айласа ижод.
 Баланд тоғ мисоли сочиб учқунлар,
 Олов ёнган чоғи қоронғу тунлар,
 Уни ёпиб бўлмас асло хас билан,
 Ақли бор чекланмас бу ҳавас билан.
 Тош узра зарб билан урилса шиша,
 Парча-парча бўлиб синар ҳамиша.
 Уни сўлак билан ёпиштирган он,
 Олдинги ҳолига қайтибдир қачон?!
 Турингу илтимос эшигин ёпинг,
 Бу сўздан оғизлар тешигин ёпинг!
 Менинг гарданамга тушиб ушбу ор,
 Булғаб этагимни, этди шармисор,
 Қайта боис бўлмай инфолимга¹,

¹ Инфоил — ор, номус, ҳаё, хижолат.

Энди мени қўйинг ўз аҳволимга.
 Не учун беҳуда қилай бундай иш,
 Чекиб беномусдек беҳуда ташвиш?!
 Ул разил кўзимга санчганда тикон,
 Қандоқ ўз кўзимни этай армуғон?
 Дилимга найзасин урганида ул,
 Қандоқ қилиб ахир қўюрман кўнгул?
 Улким ўқлар отиб бошласа уруш,
 Унга қарши лозим найзали юриш.
 Бир мушт билан уриб ўчим оларман,
 Уни эшигимдан ҳайдаб соларман.
 Тариқат йўлида кимки хотиржам,
 Унга ордан кўра йўқдир ортиқ ғам.
 Бу оғир қайғуга қилиб гирифтор,
 Букилган белимни синдирманг зинҳор!»
 Шунда омирийлар бўлишиб мулзам,
 Танг қолиб қулоқлар эшитгани дам,
 Яна лабларининг муҳрини бузиб,
 Сўзни қайта бошдан ўзгача тузиб,
 Дедилар: «Бунчалик бўлмагайдир ор,
 Не керак беҳуда бундай ифтихор?
 Қайсининг борлиғидир ақлу фаросат,
 Унда йўқ ҳунардан ўзга бир сифат.
 Ишқики бўлибди барчага аён,
 Айби деб ўйлама буни ҳеч қачон!
 Севги баҳслашишга ўрин қолдирмас,
 Хулқи поклигига шунинг ўзи бас.
 Агар табиатан дил бўлмаса пок,
 Ишқ ўтидан эрур қандай дарднок.
 Табъи поклигидан этмагайдир ор,
 Фахр унинг юзидан эрур бир ғубор.
 Дединги, сен ушбу қисса туфайли,
 Бўлди замонада шарманда Лайли.
 Сўзла, у нимадан эрур шарманда,
 Номи ошиқликдан юксак бўлганда?
 Нотиқлиги шоҳид завқли ҳолига,
 Узини бахш этган ёр жамолига.
 Маъшуқа агарда дилдор бўлмагай,
 Йўлида севгани ҳеч хор бўлмагай.
 Енгилтак бўлсаю валекин дилдор,
 Айбдан тиёлмаса ўзини зинҳор,
 Ишқ оташи сўниб битади дарҳол,
 Маъшуқ деган номи топади вавол.
 Арзигаи башарти қилсанг ифтихор,
 Бу икки ҳолатдан, айт, сенга не ор?

Қайс қанча куйласа бу ҳақда достон,
 Хусни таърифида айтгани аён.
 Агар келганда ҳам минглаб талабгор,
 Бундай этолмасди дардини изҳор.
 Ёр жамолин қўмсаб келса ҳар киши,
 Айбу уят эмас асло бу иши.»
 Зоти паст ҳамда у қаллоб, риёкор,
 Эгриликни айлаб ўзига диёр.
 Бу тўғри сўзларни эшитгани он,
 Ранжиди рост сўздан мисоли нодон.
 Лўнда жавоб айтди ҳамда у шаддоқ,
 Қатъий ишонч билан этиб қасармод.
 Деди: «Худолиги учун худойим,
 Ҳар жойда ҳозир у нозирдир доим...
 Лайлини излабон қанча юрсангиз,
 Қайс учун бир тола сочин сўрсангиз,
 Икки оламда ҳам шу эрур баҳо,
 Сиз фақат бу ишдан чекинманг асло.
 Унинг бир тукию мингталаб Мажнун,
 Де, ундан қўлинг торт беталаб Мажнун!
 Мажнун шафқат сўраб айласа фарёд,
 Ва менинг Лайлимдан истаса мурод.
 Жон бермоқлик унга адолат эрур,
 Фироқида ўлмоқ саодат эрур.
 Бу сўзни қайта ҳеч менга сўзламанг,
 Кўнглингиз истагин бунда изламанг!»
 Улар жавобини эшитгани дам,
 Унинг хитобидан чекишди ситам.
 Ноумид қабила сари юрдилар,
 Қайс билан дўстона суҳбат қурдилар.
 Қилдилар не бўлса барин ҳикоят,
 Очилмай қолмади бир гул ниҳоят.
 Ёр васлидан қолмай умиди тамом,
 Кетди юрагидан бор сабру ором.
 Қону тупроқ ичра ётарди йиғлаб,
 Дардли сийнасини дер эди тиглаб:
 «Лайли жонимдиру, мен унинг тани,
 Ёраб, жудо этма жонимдан мани,
 Улким, мени ундан айлади жудо,
 Зарра орзуйимга этмади парво.
 Улим қутқу солиб унга ҳар нафас,
 Тиригидан зинҳор қолмасин бир хас!
 Улким юрагимни ғамдан этиб доғ,
 Диёру ёримдан айлади йироқ,
 Жони юрагимдек садпора бўлсин,

Ҳар диёрда мендек овора бўлсин!
Мунофиқ ул кимса йироқ ҳаёдан,
Фироқ тошин отди менга риёдан.
Тошлар тешигида қолсин оёғи,
Аждаҳо комида калла чаноғи!
Менинг юрагимга мисоли хотам,
Торайиб бормоқда бепоён олам.
У юлиб бсрмади давронда тўзим,
Тирноғи жабридан узукдек юзим,
Бармоғидан бўлсин тирноғи жудо,
Орқасини қашлай олмасин асло!

**Навфал Мажнунни саҳрода кўриб, унинг ҳолига
раҳми келгани ва унга ваъда бергани**

Ушбу саҳифани чинлик савдогар,
Мушк сандиғин очиб этди муаттар,
Мажнуннинг кўзидан мисоли маржон,
Лайлидан йироқда оқар эди қон.
Ноумид, кўролмай ёр жамолини,
Айрилиқ кўп забун этди ҳолини.
Туясини саҳро йўлига солиб,
Ушбу қабиладан кетди бош олиб.
Водийда каклигу даштларда оҳу —
Бахтсизлик тоғида тош қазарди у!
Ҳар зиён-заҳматга айларди бардош,
Ҳеч кимни ўзига этмасди сирдош.
Йўқ эди оламда дўстидан нишон,
Бори ҳам саҳрода кезгувчи ҳайвон.
Тунлар ухламоқчи бўлганда чарчаб
Зулмат пардасини этарди чойшаб.
Қулон оёғига қўйиб бошини,
Қўтос пўстагига ташлар лошини.
Ҳар саҳар уйқудан кўтарганда бош,
Кўзидан оқарди дарё каби ёш.
Лола қадаҳида ичар эди қон,
Гўзал оҳуларга бўлиб ҳамдаврон.
Бир куни мисоли яланғоч қалам,
Қумлар сафҳасида ёзарди рақам.
Қумга бармоғини қалам этарди,
«Лайли, Лайли!»— дея рақам этарди.
Икки қора зулфи ёдида мудом.

Маҳлиё этарди уни икки лом¹.
Ё нуқтаси каби кийригидан қон,
Оёғи остига томар беомон.
Номини қум узра ёзганда ҳар гал,
Бағридан силқирди қони ҳар маҳал.
Яна ўртанганда севгувчи кўнгул,
Ёзганин кўз ёш-ла юварди буткул.
Дафъатан бажариб кўнгул майлини,
Исмини ёзарди қумга Лайлининг.
Узуқун шу эди қилгувчи иши,
Йўқ эди ҳаётда ўзга ташвиши.
Лекин етиб келиб унга ногаҳон,
Атрофин ўради бир тўп оломон.
Бари отлиқ эди, сувори-довчи².
Тоғу дараларда кезгувчи овчи.
Улар орасида нуфузли Навфал,
Замона муҳридек эди мукаммал.
Қўли эҳсон айлар мисоли дарё,
Ҳар бармоғи эди бир мушкулкушо.
Қундузи қуёшдек сочар эди вар,
Тонгда само каби сочарди гавҳар.
Назми юксак эди мисли сурайё,
Айларди куйлаган чоғи маҳлиё.
Севарди юракдан қора қошларни,
Эркалар ранжитмай бағритошларни.
Мардлик майдонида эди мисли шер,
Қўлида мулкани асровчи шамшир.
Бошида олтин тож, обрўйи баланд,
Эзгулик ганжидан эрди баҳраманд.
Дарахтдан узилган мевадек Навфал,
Ерга учиб тушди отдан шу маҳал.
Тўхтаб қаршисида чўкди қумлоққа,
Аҳд қилди у билан суҳбат қилмоққа.
Ул ёзган номани ўқибат дарҳол,
У ном тўғрисида берди бир савол.
Билди шунда унинг яширин розин,
Нозли маъшуқасин, ҳам ишвасозин.
Кўрди мотамида уни беқарор,
Кўрди йиғлар эди, ҳажрида зор-зор.
Унинг аҳволига тараҳҳум этди,
Йиғлаб унга қараб такаллум этди.

¹ Арабча лом ҳарфи зулфга ўхшатилади.

² Довчи — паҳлавон, ботир.

Эй, қумлар тахтида юргизиб қалам,
Эй, қумга номалар ёзгувчи одам!
Бу хаёл уруғин қанча экурсан?
Бу орзу рақамин қанча чекурсан?
Бундай хаёлоту васваслардан қайт!
Иложи йўқ бу хил ҳаваслардан қайт!
Васвасадан бўлмас мушкулинг осон,
Қучоғингга келмас ўзича жонон.
Бу сўзни ёзасан бармоқ ила мўл,
Рақибинг бермагай орзуйингга йўл.
Бу қумни қон билан этурсан қизил,
Тошдан бошқа гавҳар тополмассан, бил.
Келиб бир неча кун менга меҳмон бўл,
Уйимда яшагин, дўст-қадрдон бўл.
Ташлагин тандан бу йиртиқ либосни,
Сабр ила кийиб ол ўзингга мосни.
На уйқу бор сенда, на емиш-таом,
Еб-ич, ўзгалардек ухлаб ол ором.
Қайта кучга тўлгин соғлому тетик,
Ейдек шаклинг бўлсин найза каби тик.
Ул ой висолига бўлурсан дучор,
Ҳам севган ёрингга бўлиб сазовор.
Девсан, не ухлайсан, не ейсан мутлоқ,
Хурга қовуштирай мен сени қандоқ?
Донодан бўлғуси шу хил қасамёд,
Он т ичиб номини айлагайман ёд.
Олдингга мен қандай шарт қўйсам агар,
Сен уни бажарган чоғинг муқаррар,
Иложини топиб бир амал билан,
Оғзингни чучитай у асал билан.
Қўлинг ҳалқа айлаб ёринг бўйинига,
Киритай дилрабо гўзал қўйнига.
Агар ҳаддан зиёд иш бўлса мушкул,
Ё зору ё зару — зўр-ла битар ул.
Подшоҳларга хилоф бормоқ зор ила,
Иш тушса ўзидан сал ночор ила.
Тикаман қанчаки лозим бўлса зар,
Ишингни айлайман зарга баробар.
Зар билан иш тўғри бўлмагани дам,
Зўрлик-ла оламин, чекма сира ғам.
Сенинг йўлингни банд айлаган тугун,
Найзам учи бирла ечилар бугун.
Найзам учи унга ўтмаса агар,
Уни охирига етказар ханжар».
Бундай афсонани эшитгач Мажнун,

Ўз ҳушига келди қолмади жунун.
Оқиллар йўлига яна қўйиб бош,
Кўнглини забт этди хирад ва бардош.
Бўлиб ўзгалардек йўлдошу ҳамдам,
Манзилгоҳи томон ташлади қадам.
Ювиниб, сочини олдириди тақир,
Либос кийиб, сепди сунтидан атир!
Қора сочи эди чирмашган сунбул,
Юзидан сирғалиб тушди мисли гул.
Салласин ўради арабларсимон,
Яшнади мисоли сарви навқирон.
Унинг билан Навфал куйларди ялла,
Иккови қиларди айшу таралла.
Ҳар лаҳза топишиб бирор баҳона,
Айтишар янги бир қўшиқ-тарона.
Яшил майсазорда ичишиб беда,
Кўнглини овларди уни зиёда.
Гоҳи ошиқона куйларди ғазал,
Гоҳида дўстликдан сўзларди масал.
Бир неча бор шундай этиб кайф-сафо,
Мажнун олдингидан бўлди дилоро.
Унинг қадди аввал бўлди гўзал, тик,
Юзига ҳусндан сўнг тушди битик.
Тўтидек битиги оғзида шакар,
Навфалнинг базмини этди баҳравар.
Товусдек товланиб ул битилган хат,
Баҳор лоласини айлар хижолат.
Девона дилрабо бўлди мисли ҳур,
Жамоли ҳар ёнга сочар эди нур.
Жунунни бошидан кетиб, алҳазар,
Кўр, шиша синдиргич бўлди шишагар!
Алқисса, пардозлаб уни мусаввир,
Лайли истагандек айлади тасвир.
Бўлди шунда гўзал бир шакл пайдо,
Лайли кўрса унга бўларди шайдо.
Бу ўзгариш бўлгач Навфалга аён,
Бир доно одамни юборди шу он,
Лайли диёрига йўл олиб шу зум,
Отасига этса бор гапни маълум.
Сеҳрли сўз бирла унга қўйиб дом,
Навфал ҳузурига келтирсин тамом!
Шу сабаб отаси ташриф буюрди,
Элат бошлиқлари у билан юрди.
Минг эҳтиром бирла келгани маҳал,
Уни уй тўрига ўтқазди Навфал.

Орадан дастурхон йиғилган фурсат,
 Гаплашиб олмоққа келганди навбат.
 Юз ўтган-кетгандан сўзлади дoston,
 Охири мақсадин айлади баён.
 Лутф ила деди ул, Қайси некпайванд¹,
 Бугун эрур менга мисоли фарзанд
 Кимга қиёс этма, баридан афзал,
 Ҳар ҳунар қўлидан келар мукаммал.
 Истайманки, сен ҳам этиб сарафроз,
 Қадрлаб, бахш этсанг унга имтиёз.
 Уни мазкур билиб ўз назарингга,
 Пайванд айлагайсан ўз гавҳарингга.
 Қара, истаганча мана зару мол,
 Молми, зарми кўнглинг истаганча ол.
 Токи шу лаҳзанинг ўзида, ҳозир,
 Оёғинг остига тўкай жавоҳир.
 Мену сен бўлайлик қуда-қудағай,
 Беғараз, ҳаммаслак, ҳар ёрдамга шай».
 У жавоби қўпол, оғзи бемаза,
 Яна сўз эшигин очди шу лаҳза.
 Ҳамда узр дея айлади хитоб,
 Аввал отасига бергандай жавоб.
 Айтганин такрорлаб қўшиб яна ҳам,
 Турди ўз сўзида устувор, маҳкам.
 Узр деб, гапини рад этган сабаб,
 Навфал юрагида жўш урди ғазаб.
 Қилич каби эди сўзлари бурро,
 Таҳдид айлар эди тиф билан гўё.
 Эй, бу биёбонда, сотиб сафсата,
 Бўкириб ўзингча отасан «шатта».
 Қўрқаман, лоф уриб ҳаддан зиёда,
 Карвондан ажралиб қолма пиёда.
 Туриб бору энди қилгин ҳимоят,
 Агар қабилангга айласанг шафқат.
 Лашкарини бошлаб келмасдан аввал,
 Сенга уруш эълон қилади Навфал.
 Ҳайбатли денгиздек, босгум сарбасар,
 Тўлқиним найзаю кесгувчи ханжар.
 Мавжим бошдан-оёқ кирса тугёнга,
 Қабиланг аёни ботади қонга.
 У тоза гавҳарни қил менга эҳсон,
 Эвазига ҳатто беражакман жон.

¹ Некпайванд — дўст, дилхоҳ (аслзода).

Кўкларга кўтариб қилайин эъзоз,
 Келинлик тўйини этайин оғоз.
 Никоҳ оқшомида сочишиб дурлар,
 Муборакбод этиб табриклар ҳурлар.
 Келиннинг отаси деди: «Шаҳриёр,
 Бу йўлни ҳеч маҳал қилма ихтиёр!
 Гарчи жанговардек отмасак ҳам ўқ,
 Жангдан қўрқадиган жойимиз ҳам йўқ.
 Ул кунки, сен чалсанг наю ноғора,
 Биз ҳам жидду жаҳд-ла топамиз чора.
 Агар сени енгиб, айласак забун,
 Ажойиб байрамга айланар ул кун.
 Сенинг чангалингдан бўлурмиз халос,
 Яшармиз номусли одамларга хос.
 Агар жангда сенга зафар бўлса ёр,
 Урушда бизларни этсанг тору мор,
 Яшиндек бўлурман уйга равона,
 Қизимки, гавҳардек менга яғона,
 Тиф билан кўксини этурман пора,
 Қону тупроғига белаб якбора.
 Қонталаш вужудин кўмарман ерга,
 Уни берганимча девона эрга.
 Кейин бу оламда яшагайман тинч,
 Келину куёв деб қилмасдан ўкинч.
 Тупроқда ётгани яхши ҳар нигор,
 Телбанинг қўлида бўлгунича хор.
 Сополга қўшилиб дур бўлур дағал,
 Ундан кўра тошга кўмганим афзал!»
 Навфал бу қиссани эшитган асно,
 Қайсга билдингми деб айлади имо.
 Қайс яна ҳунарин кўрсатиб қодир,
 Бу жанг майдонида бўлди баҳодир.
 Сеҳру жоду бирла у очди оғиз,
 Деди овозингиз бунча ёқимсиз.
 Шамол жаҳл бирла қўзғалгани чоқ,
 Ақлнинг кўзига сочади тупроқ,
 Илм бирла битик ёзилмаса гар,
 Бахтсизлик келтиргай у хат муқаррар.
 Жаҳолат бирла сўз айтмади Навфал,
 Шу боис сўзлари раво мукаммал.
 Пуч эмас, маънодир у сўзлаган сўз,
 Яхшию авлодир у сўзлаган сўз.
 Унинг сўзларини рад айламангиз,
 Дилга бундан ўзга сўз жойламангиз!
 Улдир эзгуликнинг фойзли шамоли,

Ҳар қандай шоҳона қутқудан холи.
 Шоҳ дилидан агар таралса ҳикмат,
 Ойнинг нури каби акс этар фақат.
 Унинг шуъласидан ким қолса йироқ,
 Зулматда ўзига тополмас чироқ.
 Лайли обиҳаёт булогисиман,
 Мен чанқаб ҳажрида куйган нотавон.
 Чанқаган дуч келса агар булоққа,
 Ичмаса кўмилсин боши тупроққа.
 Ариқ лабидаги бир гулдир Лайли,
 Сармастман мен унинг бўйи туфайли.
 Боғбон дили бўлсин лола каби доғ,
 Шаббода йўлини беркитгани чоғ.
 Лайли жон базмининг ёнар чароғи,
 Менинг юрагимдан ўчмагай доғи.
 Улким, чароғимни ёқувчи нигор,
 Ё раб, доғимда ҳам куймоқлиги бор.
 «Лайли» — дер эдию, лекин манфурлар,
 Ҳасаду игводан қалб кўзи кўрлар.
 Фарёд қилиб унга дедилар, эй хом,
 Бу орзудан тийгин тилингни мудом!
 У йўқдир, номидан сенга не ҳосил?
 Бу сўздан тилингни энди калта қил!
 Бехуда номини тутиб ҳар нафас,
 Овоза қилмагин халқ ичида, бас!
 Номини атасанг, бўлмас забонинг,
 На танҳо забонинг, танингда жонинг.
 Кесиб олажакмиз тил-забонингни,
 Танингдан сугуриб ширин жонингни!
 Мажнун бу сўзларни эшитгани чоғ,
 Узди умидини ёридан мутлоқ.
 Билдики, энди ул севикли дилбар,
 Висоли бўлмагай асло муяссар.
 Ингиб Навфал сари юзланди шу дам,
 Эй, яра дилимга қўйгувчи малҳам.
 Буларга айлагил энди илтимос,
 Мендан олишмасин бу хилда қасос.
 Ариқнинг лабига келганда яқин,
 Қушлар чўзадилар сувга тумшугин.
 Марҳамат эшигин очиб мен томон,
 Узоқдан кўришга беришсин имкон.
 Унинг жамолини бир бора кўрай,
 Сўнгра хаёлига тўлиб ўлтирай.
 Умр бўйи шундан олайин тиним,
 Қоронғу кечаю қоронғу куним.

Дедиларки, энди бу хаёлдан кеч,
 Ушалмас орзуйинг, бу аҳволда ҳеч.
 У билан орангда бил, эй, беқарор,
 Сув билан ит қопган нарсага фарқ бор.
 Жўна энди, қилма бу хилда ҳавас,
 Уни кўриш эса ўлимингдир, бас,
 Агар зўрлик қилса бу аччиқ фиरोқ,
 Кўйида ғам чекиб ўлган яхшироқ!
 Мажнун на ёрига етди шу хилда,
 Кўриш умиди ҳам қолмади дилда.
 Эй ситамгар, деди, Навфалга қараб,
 Сенинг ваъдаларинг барчаси сароб.
 Сўз билан кўнглимни юмшатиб аввал,
 Айтдингу, сўзингга қилмадинг амал!
 Лекин сендан эмас, мендан эрур бу,
 Ҳар кимки кўр эмас, равшан эрур бу.
 Менинг шум толейим боқмагач кулиб,
 Сени ҳам бу жангда айлади мағлуб.
 Мен киму бахтиёр наволар қайда?
 Мен киму ғамзали садолар қайда?
 Нетайин мен учун афсунлар хушдир,
 Ошuftалик бирла жунунлар хушдир.
 Шундай деб ўрнидан кўзгалди жўшиб,
 Айтган қўшиғидан ўйинга тушиб,
 Салласи бошидан учди гулсимон,
 Тўни ерга тушди мисоли хазон.
 Ноумид юраги сиқилар эди,
 Чинордек ҳар томон чайқалар эди.
 Одамлар йиғлашар ичида ғамдан,
 Бошига у тупроқ сочар аламдан.
 Одамлар изидан диллари ғамнок,
 У эса кўксини айлагудек чок.
 Тузоқдан қутулган оҳу сингари,
 Қочди элдан безиб саҳролар сари.
 Эркин эди, саҳро бўйлаб кетарди,
 Ҳам ушбу қўшиқни куйлаб кетарди:
 «Лайлию ишрату нознинг тахти,
 Мажнуну нафратли ҳам қора бахти.
 Лайлию қўлида даври давронлар,
 Мажнуну саҳрода ёри қулонлар.
 Лайли ҳар нарсага осон қўл ургай,
 Мажнун оҳуларга ҳамроҳ югургай.
 Лайлининг тинчини сақлар мумтозлар,
 Мажнуннинг ҳамдами тоғда қўтослар.
 Лайли қўшиғига кўплар ҳамнафас,

Мажнун овозига бойқушу қаргас¹.
Лайлию қалъада ойдек ҳукмрон,
Мажнунга бўлгандир ғам ғори қўрғон».
Ҳа, бордир ҳар кимнинг ташвиш, армони,
Ҳар шернинг ўзига тобе ўрмони!
Давлат олиб бўлмас битта дирамга,
Айвон қуриб бўлмас боғи Эрамда!
Дурустдир қовушиб яхшию ёмон,
Ҳар кимга насиби бўлса армуғон.
Гул йўқдир, тикандан баҳра олайлик,
Яшайлик, тиканга содиқ қолайлик.

Мажнуннинг дашту саҳрода кезгани ва унинг шамолга хитоб қилгани

Бу севги боғида ўзиб бир райҳон,
Исини шамолга таратди ҳар ён.
Улки, саҳроларнинг доғдор лоласи,
Қайтди Навфалдан ҳам ошиб ноласи,
Ҳар гуруҳдан эркин озода эди,
Овора тоғ ила саҳрода эди.
Узоқдан ҳар жойда кўрса бир инсон,
Қочар ундан мисли охую қулон.
Бир кун ҳаддан ортиқ бўлиб телбавор,
Бориб Нажд² тоғида айлади қарор.
Тоғнинг чўққисини қилиб қароргоҳ,
Ундан ҳар тарафга айлади нигоҳ.
Лайли диёрига термулди шайдо,
Кўз ёшидан тоғда сел бўлди пайдо.
Ишқи юрагида тоғдек эди вил,
Сабр шишасини айлади чил-чил.
Диёридан элчи айлади талаб,
Келтирса то унинг кўнглига матлаб.
Унинг аҳволидан сўзлаб муқаррар,
Диёру ёридан келтирса хабар.
Йўл гардин созуриб шунда ногаҳон,
Кўринди кўзига қуюну бўрон.
Ул диёр хокидан келарди эсиб,
Юзини тўзонлар пардаси тўсиб.
Унга сажда қилиб чўқди шу асно,
Тилидан зикр этиб олқиш, тасанно.

¹ Каргас — қора қузғун.

² Нажд — Саудия Арабистонидаги тоғ.

Эй сўфи, сарсари кезгувчи раққос,
Чарчамай ҳар тараф учмоқ сенга хос,
Эй дашту тоғларда айланиб мудом,
Бир лаҳза ҳеч қайда олмайсан ором..
Тоғу даштлар эрур пойингда яксон,
Қийналмай тоғлардан кечасан осон,
Жонинг йўғу лекин аждаҳосифат,
Ўзингча, аждаҳо эмассан албат.
Ким кўрган кўкка бош урган аждарни?
Ким кўрган ҳавода сендек сарварни?
Тупроқдан бўй чўзиб унса гар ниҳол,
Шоҳу илдизи-ла айлайсан поймол.
Боғларда шу хилда кўтарсанг довул,
Япроғу мевасин тўқарсан буткул.
Сенинг йўлинг эмас асло беғубор,
Ҳеч маҳал бир жойда топмайсан қарор.
Дарахтларни этиб ер билан яксон,
Кўтариб юрганинг ғубору хазон.
Тутундек ўралиб, вале на тутун,
Кўкиш қора рангда эмассан бутун.
Зангори осмонга берасан оро,
Эрам саройини айлаб дилоро.
Экинзорларни сув босган замонда,
Сен ўқсан, елканинг эрур осмонда.
Ҳосилини йиғиб олганда деҳқон,
Сендан вайрон бўлур юз минглаб хирмон,
Бугун сени кўриб дилим эрур шод,
Келган қадамингга бўлсин ҳасанот!
Сен учиб келибсан мени гадоға,
Хоки қадамингга жоним садоға!
Қарам айлаб келдинг мени сўроқлаб,
Шикаста кўнглимни бир йўла чоғлаб,
Ёрим манзилидан айлабсан сафар,
Сендан мушки тотор бўйи таралар.
Сен учириб келган бу ноёб тупроқ,
Чин мушкига ўхшаб кетади кўпроқ,
Эшигидан бўлса бошимга урғил,
Намли кўзларимга сурмадек сурғил.
Мушк ҳидин таратар сен учирган хас,
Уду¹ райҳон каби ёқимлидир бас.
Ундан оташимни айлагин баланд,
Дилимни яшнатсин исириқмонанд.

¹ Уду — Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиган хушбўй дарахт.

У жону жаҳондан не хабаринг бор?
 Сўзла менга унда не асаринг бор?
 Усиз юрагимда гўсадан танглиг,
 Менсиз унинг дили айтгин не янглиг?
 Унинг ёдини ҳеч унутганим йўқ,
 Вафо сўзларини тарк этганим йўқ.
 Кўнглимда ҳар лаҳза ўй кечар пинҳон,
 Тилига олдим мени бирор он?
 Хайҳотки, ўринсиз эрур бу савол,
 Менинг бу тилагим эрур кўп маҳол.
 Гадо учун қайда шоҳ чекади оҳ?
 Суҳ¹нинг олдига қачон келур моҳ?
 Кечаси ким бўлар итига йўлдош,
 Остонаси узра қўйиб ётар бош?
 У яйраб ёстиққа қўяр бошини,
 Мен ҳам тўшагида тоғлар тошини.
 Тўшакка чўзилган чоғи ул нигор,
 Мен ётгум тупроқда бўлиб хору зор.
 Тонг пайти уйқудан очиб кўзини,
 Гулоб билан ювса лола юзини,
 Ким унинг қошига борур аввало?
 Ким унинг юзига боқар маҳлиё?
 Мендек атрофида парвона борми?
 Кўриб йиғлагувчи девона борми?
 Ким унга узоқдан ташлайди нигоҳ,
 Чодир гирдида чекиб оҳу воҳ?
 Ишва бирла қилган чоғи табассум,
 Ким йиғлар дардида ўртаниб юм-юм?
 Ул дам лабларидан сочганда шакар,
 Тамадан ким унга тишларин қайрар?
 Тахтиравонига минганда ҳар дам,
 Ким орзу йўлида қўяди қадам?
 Тахтиравонидан олганида жой,
 Қимнинг кўз ёшидан замин бўлар лой?
 Тунлари уйида айласа макон,
 Ким бўлар эшиги олдида посбон?
 Узгалар юзини кўрганда, бироқ,
 Мен фақат ҳижронда чекаман фироқ.
 Сен эркин шамолсан, мен мисоли хок,
 Сен бўронмисолсан, мен хасу хошок,
 Гоҳи унга томон учар бўлсанг гар,
 Мени ҳам лутф ила жойимдан кўтар.

Чангдек олиб учгин мени у томон,
 Кўйига олиб бор мисоли сомон!
 Йўлида термулиб мен ўлтурайин,
 Бир марта юзини тўйиб кўрайин.
 Мени айламасанг бунга сазовор,
 Майлига қолдиргин ғарибу бемор!
 Бориб унга айтгин беморлигимни,
 Баён эт ҳолимни, ночорлигимни.
 Бу жоним орзуси, кўнги матлаби,
 Кўрар кўзларимдан оққан қон каби,
 Сендан ўша кунки йироқда қолдим,
 Билгинки, сабрсиз фироқда қолдим.
 Жону дилим бўлди ахир юз пора,
 Лекин не қилайин, йўқ ўзга чора?!
 Ҳар танки, жонидан айрилгани чоқ,
 Танҳолиги эмас сабрдан мутлоқ.
 Истарди, жонидан айру қолмаса,
 Лекин нима қилсин эплаёлмаса?!
 Ҳар хил ҳийла қилиб кўрдим ҳар жойда,
 Не сулҳу не жангдан чиқди бир фойда...
 Шундан кейин бўлдим бахтсизликдан доғ,
 Қоқилиб-суқилиб кездим тошу тоғ.
 Тунлар йиқиламан бўлиб нотавон,
 Саҳар уйғонаман гўё чалажон.
 Билсамки, сенинг ҳам юрагинг қондир,
 Оҳимга етмоғинг ғайри имқондир.
 Лекин яна шуни билгилки бир бор,
 Тоғлар этагида маконимдир гор.
 Сенсиз тугаётир шундай ҳаётим,
 Улганимдан кейин эслагин отим.
 Шундай деб мисоли Шарқдаги султон,
 Заррин чодирини айлади вайрон,
 Чарх уриб самодан кетди ғилдираб,
 Чўкди тун зулмати мисоли араб.
 Бошини тош узра қўйиб у мискин,
 Йиқилди, ҳушини йўқотди кейин.
 Тун бўйи кўзига келмади уйқу,
 Ухламасдан беҳуш ётар эди у.

**Мажнун бир оҳуни сайёддан сотиб олгани ва уни
 Лайли хаёлида озод этгани**

Субҳидам қуёши балқиб беқиёс.
 Заминга кийдирди нурдан зар либос.
 Қаро зулумотин тарқатиб осмон,

¹ Суҳо — юлдуз номин.

Қуёш нурларидан бўлди чароғон.
 Мажнун беҳуш эди сезмай ўзини,
 Тонготар уйқудан очди кўзини.
 Тош устидан ёниб, алаҳсиб турди,
 Гуё тошлар унга олов уфурди.
 Тоғдан дашт томонга жўнади дарҳол,
 Саҳрода кезарди мисоли шамол,
 Шеру оҳуларга ташларди нигоҳ,
 Ҳамда юрагидан чекар эди оҳ,
 Ваҳшию қушларга қиларди ҳасад,
 Қўзидан ёшлари тўкилиб беҳад.
 Ким ёри ҳажрига бўлса гар дучор
 Қутулмиш, қолибман бир мен гирифтор.
 Ҳар тирик ўзининг жуфтига ҳамдам,
 Осуда кечади ҳаёти хуррам.
 Фақат мен айрилиб ўз жуфтимдан тоқ,
 Хижрон водийсида кезаман муштоқ.
 На уйқу бор менда, на егали ош,
 Тоғ бўлса ҳам бунга беролмас бардош.
 Шундай хаёл бирла келарди тоғдан,
 Ногоҳ бир тузоқни кўрди йироқдан.
 Оҳулар йўлига қўйилган каманд —
 Бир гўзал оҳуни этган эди банд.
 Қонли пичоқ олиб қўлига сайёд,
 Чопиб келар эди мисоли жаллод.
 Оҳу талпинарди чекиб изтироб,
 Сайёд бўғизлашга айларди шитоб.
 Мажнун кўрган замон, кўтариб фиғон,
 Қотил қаршисига югурди шу он.
 Қўлларида тутиб айлади фарёд,
 Ким сенинг дастингдан дод дегайман, дод!
 Худодан хабаринг борми сени ҳеч?
 Худо ҳаққи ундан қўлингни торт, кеч!
 Бу ишдан воз кечиб, этиб тараҳҳум,
 Бўғзидан тиғни ол, бўшатгил шу зум.
 Оёғи нозикдир мисли найқалам,
 Хиром айлаб ҳар ён ташлагай қадам.
 Тупроқ сафҳасига тегса оёғи,
 Гўзал из қолдирар тўртта туёғи.
 Етти хил битик¹ бор ёзувда шаксиз,
 Еттидан тўртови шу қолдирган из.

¹ Етти хил ҳуснихатга ишора: сулс, насх, таълиқ, мўҳфақ, райҳон, руқоъ, тавқеъ.

Уларни синдирма сен қаттиқ бойлаб,
 Қалам синдирмаслар бундай атайлаб!
 Томоғига жафо тиғини босиб,
 Сўймаклик ҳеч кимга эмас муносиб.
 Ақлли одамга зулмдир мутлоқ,
 Бўйнига бу хилда солибсан сиртмоқ.
 Унга раҳм айлаб тўхтат ситамни,
 Гарданингдан соқит айла бу ғамни.
 Унинг ҳуснига боқ, кўзинг бўлса гар,
 Бошдан-оёқ ташла яхшироқ назар.
 Қўзини сурмали яратган худо,
 Сурма сурмасидан нақадар шахло.
 Ҳайфдир агар сўниб кўзларидан нур,
 Юмилса кўролмаг агар бир умр.
 Эрур гардани тик, ҳам хушлатофат,
 Биров тузоғидан чекмаган офат.
 Билсанг, зар бўйинбоғ тақмоқ уволдир,
 Пўлат пичоқ билан кесмоқ не ҳолдир?!
 Кўксикки покиза кумушдек покдир,
 На менинг кўкрагим мисоли чокдир!
 Одамларга асло етказмас озор,
 Сени унда ахир қандай қасдинг бор?
 Сен унга марҳамат этиб беқиёс,
 Ситаминг дастидан айлагил халос!
 Қўлингда ханжаринг мисоли қалам,
 Танаси устида озроқ чек рақам.
 Бунча банд этибсан, қолмабди бардош,
 Бўшатгил кўзидан тўкилмасин ёш.
 Нозанин жисмига бир бор назар сол,
 Тама тишларини бутларидан ол.
 Бутидан ушлаган чоғи ҳар одам,
 Бўйнига маҳлиё бўлар ўша дам.
 Қиндиги, мушкхалта сингари мушкдор,
 Уни мушкхалтадек йиртмоқ не даркор?!
 Тамадан оғзингга тиқсанг агар хок,
 Яхшидир қорнини этганингдан чок.
 Сайёднинг сайдини қутқармоқ учун,
 Шундай сўзлар билан дом қўйди Мажнун.
 Унинг тузоғига илиниб сайёд,
 Тутган ови каби қолди беимдод.
 Юраги юмшади бамисоли мум,
 Қўлдан пичоғини ташлади шу зум.
 Лек рўзгор ташвиши қийнарди уни,
 Банддан бўшатмасди ҳамон оҳуни.
 Мажнунки, танида на бор эди тўн,

На бошда салласи, юрар эди жўн.
 Ожиз қолиб унга бергали эҳсон,
 Югурди отаси суруви томон.
 Сурувдан ажратди бир семиз қўчқор,
 Ҳаргиз бўрилардан кўрмаган озор.
 Ҳаддан зиёд эди думбаси катта,
 Ярми гўшт, ярми ёғ эди албатта.
 Келтириб топширди овчи қўлига,
 Кейин хайрлашиб кетди йўлига.
 Бу сўхуким, сени жалб этмиш майли,
 Бўйнию кўзлари мисоли Лайли.
 Арзимас баҳога бердинг, гап шуки,
 Бир қўйга арзигаи унинг ҳар туки.
 Баҳоси шул дея, бўлма гумонлиқ,
 Уни қутқазмоққа бахш этдим жонлиқ.
 Энди тизгинини қўлимга тутқоз,
 Бу оҳу қўлимга ўтса бўлар соз.
 Лайли деб, қилайин унга илтижо,
 Лайли учун сўнгра бўлайин фидо.
 Арқонни қўлига бергач бечора,
 Оҳунинг кўзидан ўпди юз бора.
 Арғамчини ечиб бўйнидан шу он,
 Этди биллагини зар ҳалқасимон,
 Кўз бирла супуриб оёқ гардини,
 Инглаб сўзлар эди шундай дардини:
 Эй поэтик бўйинли ёримдек ўзинг,
 Унинг кўзларидек фитнакор кўзинг!
 Гарчи туёқларнинг озгин бу қадар,
 Лек қадри кумушга эрур баробар.
 Тилим тўғри сўзни айлагай изҳор,
 У сенга, сен унга ўхшайсан юз бор.
 Менинг софдил ёрим кабирсан то,
 Ханжар жафосини чекмасан асло.
 Ёрнинг диёрига боргил кечиб йўл,
 Териб егин унда лолаю сунбул.
 Лола еганинда кўйдан аё,
 Юзларини мендек айлагил дуо.
 Юзлари пардоздан олмай андоза,
 Доим бўлсин лола мисоли тоза!
 Ўтласанг сунбулин, кезиб кўкларини,
 Мушкин сочларини егайсан гамин.
 Унинг сунбул сочин кўрмасин биров,
 Унинг толасини ўрмасин биров!
 Оҳу кетар эди, валекин ул ҳам
 Эргашиб изидан ташларди қадам.

Иккови бўлишди бирга ҳамсафар,
 Ери диёрига етгунга қадар.
 Мажнун тиканзорни айлади макон,
 Оҳу ўтлаб кетди майсазор томон.
 У нола айларди ёрдан ҳижронда,
 Бу эса ўтларди яшил майдонда.
 Қуёш ботиб, кўкда ой чиққан маҳал,
 Қаро тун оламни айлади қамал.
 Улар бир-бирини кўрмай дафъатан,
 Икков икки ёнда айлади ватан.
 Бир-бирини бошқа кўролмамай ноком,
 Икки ёнда олди иккови ором.

Мажнун Лайлининг чўпони билан мулоқот этиб,
 Лайли қабиласидаги одамлар босқинчилик мақсадида
 чиқиб кетганлигидан хабар топгани ва Лайлининг
 олдига боргани

Субҳидам чоғида нурафшон қуёш,
 Бўлди бахтсизларнинг бахтига йўлдош,
 Офтоб нурларидан яъни сочи зар,
 Шуъласи оламни этди мунаввар.
 Минглаб бахтсизликдан ўртаниб Мажнун,
 Тоғу саҳроларда юрарди дилхун.
 «Лайли» — дер эдию босар эди йўл,
 Йўлдоши — кўз ёши, оҳ чекарди мўл.
 Ҳар жойдан ўтганда бирор роҳнавард¹
 Оёғи остидан қўзғалса бир гард.
 Боди сабо каби унга интилди,
 Чангу губоридан сурмалар қилди.
 Лайлининг доғида дилида олов,
 Ундан сўрар эди Лайлини дарров.
 Олдидан бир сурув чиқди ногаҳон,
 Бошлиғи эди бир ақлли чўпон.
 Мусодек саҳрода этарди жавлон,
 Эғнида бор эди бир қора чакмон.
 Мусо каби эди қўлида асо,
 Бўрилар кўзига мисли аждаҳо.
 У томонга қараб шошиб йўл олди,
 Соядек пойига бошини солди.
 Деди: «Фидо бўлсин сенга жону тан,
 Оёғинг гардидан кўзларим равшан.

¹ Роҳнавард — йўловчи.

Дўстлик бўйи сендан келмоқда аён,
Сўйла сен кимсану маконинг қаён?
Бунча қўю эчки сурувингда кўп,
Сенинг чор-атрофинг ўраб олмиш хўп.
Чангитиб юрганда ҳар эчкию қўй,
Мушки анбар каби таратар хушбўй.
Кимнинг манзилидан эрур бу машом¹?
Тунлар қай қўтонда олишар ором?
Лайли чўпониман, деб айтди у вот,
Лайли берди менга нону сув, ҳаёт!
Бу сурувдан топиб хонадони қут,
Ҳаёти тўкису рўзғори ҳам бут.
Мана қулоғини кўриб қўйгин сен,
Тамғалаб эгаси солиб қўйган эн!
Унинг масканида тунлари ётар,
Унинг этагидан бу ҳид муаттар.
Ноз билан ҳар жойда этганда жавлон
Сочларини ёзиб бўлса хиромон.
Мушк ҳиди таралиб ундан саросар,
Шамолда ҳар томон ёйилар анбар.
Мажнун эшитганда дўстидан нишон,
Тупроққа ғарқ бўлди томчи ёшсимон.
У ҳушсиз йиқилиб кетганда ўздан,
Кўзи кўрмай, тили тутилди сўздан.
У ақлу ҳушидан бегона бўлиб,
Ҳолсиз ерда ётди анча чўзилиб.
Бошига келганда ҳуши аввало,
У яна чўпонга қилди илтижо.
Эй менинг ёримга ҳамдам қадрдон,
Тунлар эшигида ит каби посбон!
Сўзла, бугун ундан бордир не хабар?
Айтгин тўғриси билсанг муқаррар!
Кўкрагим лабгача ғамига тўлди,
Худо ҳаққи айтгин, бўларим бўлди.
Деди, қишлоғида юрибди беғам,
Чодир гирдида йўқ бирор одам.
Чодирда бир ўзи ўтирар танҳо,
Чодирдаги ойдек нур сочиб гўё
Қабида мардлари бел боғлаб бари,
Кетганлар қишлоқдан чиқиб ташқари,
Ниятлари қўққис айлашиб ҳужум,
Қасддан бировларга этмаклик зуғум.

¹ М а ш о м — хушбўйлик.

Шабохун¹ қилишиб, солишиб қирон,
Бегуноҳлар молин этишар талон.
Ундан бўлганида бундай башорат,
Сабру тоқатини айлади ғорат.
Чўпонга дедик, эй ақли расо,
Лутфинг билан мени айлагин ризо!
Энди чакмонингни менга бер бу дам,
Бўлгуси менга бу юз лутфу карам.
Менинг чакмонимни қаро тўқиб бахт,
Қаердан сен унга йўл топдинг хушбахт?
Азалий ёримдан бўлдимуд жудо,
Энди менинг бахту иқболим қаро.
Билсанг чалар эдим, бўлса ушбу он,
Шодлик ноғорасин яшириб пинҳон.
Гарчи топмасам ҳам чалмоққа чора,
Турарди чакмоним ичра ноғора.
Шундай деб, у кийиб олди чакмонни,
Фарёди титратиб еру осмонни.
«Лайли» — деб, қишлоққа киргани заҳот,
Жону жаҳонидан таралди фарёд.
Олдинга ташлаган чоғи ҳар қадам,
Кетиб борар эди ўздан кам-кам.
Унинг чодирига кўзи тушган он,
Бўлди вужуд уйи тамоман вайрон.
Ғамгин юрагидан чиқиб бир садо,
Заминга йиқилди соядек гўё.
Унинг овозини эшитгач, таниб,
Лайли чодирдан чиқди тўлғаниб.
Кўрди, остонада ётарди Мажнун,
Жудо бўлиб ақлу ҳушидан бутун.
Эгилиб оҳ урди бошида жонон,
Фитнали кўзидан тўқди қизил қон.
Юзига сув сепди кўз ёши билан,
Сув эмас, балки қон талоши билан.
Оғир уйқусидан у ҳушга келди,
Яна фарёд солиб жунбушга келди.
Турди дўст юзини тўйиб кўришга,
Ўтириб ёр билан суҳбат қуришга.
Сўзлашиб дардлашган чоғи икковлон,
Ўтган ғамларини этдилар баён.
Мажнун сафаридан шикоят этди,

¹ Ш а б о х у н — ғира-шира тонг маҳали ёвга қилинадиган қўққис ҳужум.

Лайли уй ғамидан ҳикоят этди.
 Ул тоғу саҳродан сўзлади нолон,
 Бул деди бахтсизлик кунжидан дoston.
 Дарди дилин айтса у фиғон билан,
 Бу йиғлаб юзини ювар қон билан.
 Ул деди: «Юзингсиз жонимдан тўйдим»,
 Бул деди: «Мен андин ортиқроқ куйдим»,
 Ул деди: «Юрагим бўлди минг пора»,
 Бул деди: «Бу замон борми бир чора?»
 Ул деди: «Жонимда жон қолмади ҳеч»,
 Бул деди: «Ўлимим етур мени кеч».
 Ул дедик: «Ҳижрон жонгудоз эрур»,
 Бул дедик: «Висол чорасоз эрур».
 Ул дедик: «Сенсиз бағрим эрур чок»,
 Бул деди: «Ғамингдан бўлурман ҳалок».
 Ул деди: «Ғамингдан дилпораман хўн»,
 Бул дер: «Менинг ярам сеникидан кўп».
 Ул деди: «Кетмасман бу кўчадан, бас»,
 Бул деди: «Қилмагин жон таркин ҳавас».
 Ул деди: «Мен айру қуяман фақат».
 Бул деди: «Айлагин сабру қаноат».
 Ул деди: «Йўқ энди бардошим асло»,
 Бул деди: «Сабрдан йўқ ўзга даво».
 Ул деди: «Қутулсак бўлар эди соз»,
 Бул деди: «Ҳижрондан бўлсайдик халос».
 Ул деди: «Золимлар дастидан фиғон»,
 Бул деди: «Барига келсайди қирон!»
 Ул дер: «Ғамдан дилим икки тилимдир»,
 Бул деди: «Ғам ема, худо каримдир».
 Айтмоқчи бўлганин барн айтилди,
 Пинҳон сирин улар ошкора қилди.
 Лайли ичи ёнди қўрқувдан бу он,
 Ақлу диндан чиққан қавми беомон.
 Тўсатдан йўлида бўлишса пайдо,
 Қаёққа қочар бу бечора шайдо.
 Кўришса аямай санчишгай ханжар,
 Қим ҳам бечоранинг додига етар.
 Деди: «Эй, ошиқлар ичра ягона,
 Ҳам вафо йўлида собит, мардона!
 Туркилки, фалакнинг ханжари ёмон,
 Сени менга асло бермагай омон».
 Ёндо айламоққа турди икковлон,
 Оқди кўзларидан дарё каби қон.
 Ул кетди тоғу дашт сари беиқбол,
 Бу қолди ўрнида ғам тоғи мисол.

Ҳа, шундоқ замона феъли эрур бас,
 Даврондан тинчликни қилмагин ҳавас!
 Юз йил чекканингда балою ситам,
 Осуда ўтира олурсан бир дам.
 Утирган жойингни иситмай аё,
 Сендан қилмагай ул заррача ҳаё.
 Қўлингдан тутиб дер, қани тез тургил,
 Бошингга тегиб дер, тезроқ югургил!

Уззани севгувчи Кусаййир деган шоир халифага Мажнун ҳақида ҳикоят қилгани

Араб Кусаййири — булбулигўё
 Назм осмонида таратар зиё.
 Уззаким, келтириб ҳурлар ҳасадин,
 Топтади Чиндаги санамлар қадрин.
 Уларнинг севгиси эди беқиёс,
 Лайлию дилпора Қайс ишқиға хос.
 Унинг шамолидан очилиб гулдек,
 Доимо васфини куйлар булбулдек.
 Шеърда бор эди эзгу ҳаловат,
 Ундан топар эди ўзига неъмат.
 Ҳа, сўзнинг жилоси муҳаббатдандир,
 Самовий зиёси муҳаббатдандир.
 Дилнинг куймоғидан сўздаги ғавго,
 Севги шуъласидан кўкдаги зиё.
 Бир кун чорлади халифа мезбон,
 Олдига ёздирди тўкин дастурхон.
 Деди, бугун ўқи севгидан назм,
 Узза оташидан ёришсин базм.
 Унинг ёди билан айтди тарона,
 Дарёдек кўз ёши бўлди равона.
 Ғазаллар ўқирди ёр ҳижронидан,
 Селдек ёш тўкилиб ҳар мужгонидан.
 Ғарқ этиб кўз ёши бирла назмга,
 Ақиқу гавҳарлар сочди базмга.
 Халифа кўрдик, бунча ғаму дард,
 Ундан сўрадики: «Айт, эй жавонмард,
 Кўплаб ошиқларни биларман аён,
 Кўрдингми, ўзингдек бир шайдо инсон?»
 Дедик: «Ҳа, ғамдан дилим бўлиб доғ,
 Узза диёрига борганда бир чоғ,
 Етдим бир водийга адашиб йўлдан,
 Кетди қўрққанымдан ихтиёр қўлдан.

Хўрду хобсиз¹ юрдим икки-уч кун йўл,
На нону на сув бор, кимсасиз бир чўл.
Ногаҳон кўрдим бир бахтли безавол,
Эгилган қомати мисоли ҳилол,
Мушкнинг халтасидек бир жигари қон,
Ғамдан чўпдек озиб қолган устухон.
Оҳулар қасдида қўяр эди дом,
Бердим қаршисига борганда салом.
Одоб билан кейин дедим ноилож,
Суву нонинг бўлса бергин, қолдим оч.
Қишлоғим йироқда, деди гап очиб,
Сангдил одамлардан келганман қочиб.
Менда на таом бор, наинки шароб,
Ноним гиёҳ эрур, шарбатим сароб.
Бир лаҳза ўтириб тургил, эй шайдо,
Балки насибамиз бўлади пайдо.
Тузоққа илинса агар бирор ов,
Очлик ташвишини чекмасмиз икков.
Мен ҳам бир панага ўзимни урдим,
Йўлига умидвор кўз тикиб турдим.
Бир чиройли оҳу келиб ногаҳон,
Унинг тузоғига илинди шу он.
На оҳу, эди бир қўғирчоқмисол,
Ҳам тийрак, ёқимли, ҳам соҳибжамол.
Кўзлари оҳулар бошига бало,
Қадаҳсиз маст эди, сурмасиз қаро.
Кўрган кўзларининг хумори эди,
Оҳу кўзлар унинг шикори эди.
Анбардек шохлари бўғимдор буткул,
Фарқида чиройли жингала кокул.
Бундай шохдан биров кўрмаган нишон,
Баргсиз мушки тардан унгапи аён.
Мушки киндигидан бош сари бориб,
Манглайдан униб чиққандир ёриб.
Бу янги туғилган шохнинг ҳар банди,
Минглаб сайёдларнинг кўнгил каманди.
Безагу мунчоқсиз, лекин ҳамиша,
Гарданн тик эди мисоли шиша.
Чўчиб маст оҳунинг кўзи сузилди,
Чирт этиб бўйнида ҳалқа узилди.
Қорни каби эди сийнаси оппоқ,
Хурлар киндигидек киндиги мутлоқ.

¹ Хўрду хоб — емак-уйқу.

Насрин туёқлари бу кўҳна боғда¹,
Лоладек азобдан қолмаган доғда.
Унинг елкасига етмаган озор,
Фақат сарин еллар қўндирган ғубор.
Сув ичиб ўтлоқда топган парвариш,
Қассоб тинчин бузиб, қайрамаган тиш,
Оёғи мактублар ёзгувчи қалам,
Яшил майсазордан чиқмаган ҳеч ҳам.
Кўрди тузоғига илингани чоқ,
Сакраб туриб очди жон дея қучоқ.
Кўзларидан ўпиб, артиб ғуборин,
Васфида ўқиди юз байт ашъорин.
Илингани оёғин домдан чиқорди,
Яна ўтлоқзорга қўйиб юборди.
Банддан озод қилиб, бўшатса ҳам у,
Қочмай турар эди олдида оҳу.
Бонг уриб, дедики Лайлининг кўзи,
Юз бор ўхшар шахло кўзига ўзи.
Яна қўрқмай келгин, бировдан асло,
Оламда мен сенинг ёрингман танҳо.
Модомики бордир, бил, одамизод,
Сену Лайли ғамдан бўлурсан озод!
Унинг тузоғига илинди шу пайт,
Олдингидан кўра гўзалроқ бир сайд.
У билан ҳам шундай суҳбат тузатди,
Сўнг бошқа оҳуга қўлин узатди.
Бу қоида бўлди уч-тўрт-беш марта,
Бўшаб кетаверди оҳулар шартта.
Очликдан қолмади танимда тоқат,
Дедим, энди ахир қилайлик овқат.
Нечун оҳуларга қўясан тузоқ?
Яна бўшатасан тутиб олган чоқ!
Сенинг меҳмонингман қорни оч, муҳтож,
Нега тушган ризқни этасан торож?
Деди, бу ҳавасни айлама хаёл,
Мендек ҳушёр бўлиб ўзни қўлга ол!
Уларни тутаман мисоли Лайли,
Ушандек дилимни тортади майли.
Муҳаббати билан ўпиб оёғин,
Манзилим айлайин кўзи қароғин.
Ундан мақсадимга етаман дилшод,
Сўнгра уни ўйлаб, қиламан озод.

¹ Боғ — дунё.

Менинг такягоҳим эрур ахир сайд,
 Қандай ўлдирайин, уни ўзинг айт!
 Ёримга ўхшаса ул оҳу агар,
 Гўштини мен қандоқ ерман, биродар?!
 Агар-чи мен бундай қилсам ҳам шикор,
 Сендан муҳтожроқман, емак учун зор.
 Хўлу қуруқ бир не емагайман, оҳ,
 Фақат еган нарсам зироат-гиёҳ.
 Шундай деб такаллум айлаганда у,
 Домига илинди яна бир оҳу.
 Дедимки, югуриб ундан олдинроқ,
 Оҳунинг бўйнига солайин пичоқ.
 У мендан илгари югуриб борди,
 Бошқалари каби банддан чиқорди.
 Юзу кўзларидан юз бор ўпиб шод,
 Лайлига фидо деб айлади озод.
 Ноумид бўлдим сўнг бу қилмишидан,
 Оч қолдим ўша кун ов қилишидан.
 Ўша ерда тузиб у бирла даврон,
 Сўзларидан менга бўлдики аён,
 Лайлининг ғамида бўлиб жигархун,
 Юрган ўшал эди Омирий Мажнун.

**Кусаййир оҳулар кўп майсазорга етгани ва Мажнунга
 хабар келтиргани ва ундан жавоб эшитгани**

Ул ов майдонидан боргач сал нари,
 Моҳир Кусаййирнинг тушди назари.
 Қараса кўринди яшнаган гулзор,
 Беҳишт боғларидан гўёки ёдгор.
 Ер узра майсадан ёзилган гилам,
 Ранг-баранг гуллардан яшнаган олам.
 Ё бир китоб эди, ҳарфлари зумрад,
 Лолалар тизилган мисли қизғиш хат.
 Ё бир варақ эди, у билан зангор,
 Устига алифлар ёзилган такрор.
 Баҳор чоғларида майсаю кўкат,
 Гўё куч синашиб кўтаради қад.
 Ёхуд кийган эди мовий ранг ниқоб,
 Яшил майсалардан қоматига боп.
 То унинг бадану кўксига ҳеч бир,
 Нур ва чақмоқ ўқи қилмасин таъсир.
 Тупроқдан бошини чиқариб лола,
 Турарди мисоли қизил пиёла.
 Ё бир қадаҳ эди, нур сочувчи лаъл,

Ноёб зумрад ила берилган сайқал.
 Ҳар тараф тебраниб қилар эди ноз,
 Шамол ўйнатарди мисли косабоз¹.
 Ё бир машъаладек, ёқилган олов,
 Ёғ бирла пиликсиз ёнарди лов-лов.
 Машъала кўтариб доно муқаррам,
 Пойини заминга тираган маҳкам.
 Гуллар базми бирла яшнаган чамаш,
 Қарнайгулни қучиб турар ёсуман.
 Бунафша келтириб қўлларида нил,
 Настарини юзига тортмоқчидек мил.
 Гугуртнинг чўпига ўхшарди мили,
 Қўк шуъласи эди бунинг далили.
 Наргис бир чеккада туриб маҳлиё,
 Бирма-бир кузатар барини аммо.
 Савсаннинг гўёки ҳаммаёғи тил,
 Ундан-бундан сўзлаб турар муттасил.
 Оҳу болалари қувлашиб шодон,
 Ўйинга тушарди ёш боласимон.
 Бири бошқасидан гоҳ олиб лола,
 Бири ўзгасидан ё этиб нола.
 Қизил лола еган лаблари қизил,
 Қўкаламда юрган оёғи яшил.
 Сурув бўлиб юрар оҳулар бисёр,
 Гулу майсаларни чимдиб беозор.
 Лекин бу сурувни суриб ҳар томон,
 Таъқиб этмас эди ит билан чўпон.
 Нек хислат Кусаййир қараса андоқ,
 Ул жойда оҳулар эди бесаноқ.
 Қайтиб бўлди Мажнун олдида пайдо,
 Эй, сенинг юрагинг оҳуга шайдо.
 Бу жойдан кўнглингни узиб тур энди,
 Этак йиғ, домингни олиб юр энди!
 Бир дам фалон жойда айласанг мақом,
 Оҳулар йўлига қўяжаксан дом.
 Пайдарпай то сенинг шикоринг бўлур,
 Бир лаҳза кўнглингда қароринг бўлур.
 Йиғлаб дедики ул, Лайлининг жойи,
 Мен учун каъбадир Лайли саройи.
 Ул жойларда Лайли мақом айлаган,
 Тенгдошлари билан хиром айлаган,
 Тоғлар каклигидек кезиб хиромон,

¹ Косабоз — косани чўнда айлантйрувчи, кўзбойлағич.

Гулу сабза узра этагин ёзгон.
 Ул заминда бўлса қанча майсазор,
 Этаклари тегиб ўтгандир бир бор.
 Ул тупроқдан чиққан ҳар тикан бебоқ,
 Гулдек этагини айлагандир чок.
 Гулларида бўлса қанча рангу ис,
 Зулфу юзларидан ўтган шубҳасиз.
 Ҳар лола юзи қон унинг боғида,
 Тупроқдан унгандир унинг доғида.
 Наргиснинг кўзлари очиқ нурафшон,
 Оёғи гардига бўлар гиргиттон.
 Савсанки, тилини айлабдир узун,
 Юзлари васфини куйламоқ учун.
 Бунафша хору зор қолиб бечора,
 Унинг фурқатида кийибди қора.
 Оҳу болалари таратиб ифор,
 Киприги ўқидан бўлишар шикор,
 Йўлда учраб қолар дея ногаҳон,
 Уни бир кўрмоққа бўлиб нигорон.
 Ул кунки, у ердан ўтибди тамом,
 Ови ҳарамидек бўлибди ҳаром.
 Оҳуки, ўтласа гулзори аро,
 Қандай тузоқ қўяй мен бахти қаро?
 Жону дилим унинг нисори бўлсин,
 Бир бор шикорининг барори бўлсин.
 Ул жойга бормоқчи бўлсам ҳар қачон,
 Кўзимдан ёмғирдек томчилайди қон.
 Ҳожидек гирдидан юргум, у каъбам,
 Кўз ёшим тўкилиб мисоли замзам.
 Не унинг оҳуси мендан қилар рам¹,
 Не мендан бўлади бир кўкати кам.
 Лоладек тупроғу қонга бот бирок,
 Гиёҳи сингандан эрур яхшироқ.
 Унинг оҳуларин чўчитмай асло,
 Ғам ўқига дучор бўлганинг авло.
 Шундай деди шикор ташвиши билан,
 «Лайли!»— дея кетди ўз иши билан.
 «Лайли!»— дер эдию бўларди машғул,
 Ҳар дам бир оҳуси шикор этиб ул.
 Ўшиб, Лайли дея нидо этарди,
 Сўнгра Лайли учун фидо этарди.
 Иши шундоқ эди саҳардан то шом,
 Бу ишдан йўқ эди бир лаҳза ором.

Мажнуннинг Лайлига ошиқлиги овозасини Халифа эшитгани

«Лайли ва Мажнун»ни яратган шоир,
 Бу гўзал қасрни тиклашга доир
 Қитобига ёзди шу хилда калом,
 Ул хонахаробу овора мудом.
 Машҳур бўлганида ишқи достони,
 Бошида қолмади ақл нишони.
 Гавҳардек сўзлари овоза бўлди,
 Замона базмига ғавғоси тўлди.
 Дурдона сўзлари ёйилгани дам,
 Уни эшитмаган қулоқ қолди кам.
 Халифа дарагин эшитган замон,
 Уни бир кўришни айлади армон.
 Нажд ҳоқимиға бердилар хабар,
 Нажд ўлкасида юргай дарбадар,
 Омирий насабли, ошиқи дилбанд,
 Мажнун лақабини олган хирадманд.
 Эшитмай ҳеч кимдан бирор баҳона,
 Унинг ўлкасиға қилсин равона.
 Улка бегларини чорлаб ниҳоят,
 Ул ҳоқим бор гапни қилди ҳикоят,
 Дедилар, ақлдан эрур бегона,
 Оқиллар гапидан қочади яна.
 Қўнимсиз, бир жойда яшамас мудом,
 Емагай гиёҳдан ўзга бир таом.
 Гоҳида тоғ узра қўйганда қадам,
 Қўксини эзади юз тоғ каби ғам.
 Унга бас келолмас йўлбарслар ҳатто,
 Тешик тошни тунлар айлагай маъво.
 Дашту далаларда юради сарсон,
 Номурод кўнглида минг ғаму армон...
 Унинг бу ишидан ҳайрон халойиқ,
 Халифа лутфиға эмасдир лойиқ!
 Халифа айлади шу хилда фармон,
 Уни бажармоқдан йўқ ўзга имкон.
 Уни изладилар ҳамма томондан,
 Сўраб дарагини кўрган инсондан.
 Тоғлар чўққисидан топдилар фақат,
 Шаъну шавкат бирла чиқди азамат.
 Сочи боши узра соябон янглиғ,
 Эди халифадек у қора ранглиғ.
 Атрофини ўраб йўлбарсу оҳу,
 Урталиғда хушҳол ўлтирарди у.

¹ Рамидан — ҳурқмоқ.

Дедилар: ўрнингдан туру, қани кел,
 Боғлаб халифанинг фармонига бел.
 Дедики, мен учун тугади сафар,
 Ҳеч қайга бормасман ўлгунга қадар.
 Тоғу дараларда ташладим белбоғ,
 Бировга бел боғлаб бормай деб мутлоқ.
 Бағрим тутунидан қаро иқболим,
 Менинг сафаримдир турғунлик ҳолим.
 Белимни синдирди қайғу лашкари,
 Синган белда бўлмас киши камари!
 Дедиларки: «Бундай жасоратдан ҳеч
 Наф йўқдир, бормасанг сўнг бўлади кеч!»
 Дедики, мен тама этмасман бир қур,
 Бормаслигим ўзи жасорат эрур.
 Тама бўлмай туриб бурнимга маҳор¹,
 Халифа суҳбати менга не даркор.
 Халойиқ бошига тушар ҳар хил иш,
 Ҳирсу тама билан шумлигу ташвиш.
 Бул иккови келмас ошиқга ҳеч мос,
 Дунё талашишдан ул эрур халос.
 Дедиларки: «Агар ҳукм этса қасос,
 Қонингни тўкишга топади асос».
 Деди: «Ишқ шунчалар тўкдики қоним,
 Ўзганинг тиғига парвосиз жоним.
 Қўрқмасман бўғзимга қўйсанг ҳам ханжар,
 Уликка ханжару гул ҳам баробар!
 Тирикларга жафо этса муттасил,
 Улар вужудига таъсир қилар, бил.
 Агар вужуд бўлса ўлик ва бежон,
 Ханжар санчилмасдан синар ҳар қачон
 Гап топиб беролмай, ундан қолиб мот,
 Улар ўзга йўлдан ҳайдадилар от.
 Ул эди тоғдаги дард мубталойи,
 Андуҳ найзаларин остида жойи.
 Унга қарши шундай топиб бир тадбир,
 Пойига боғлашди арқон ва занжир.
 Гўёки тоғдаги дайди бир илон,
 Гиёҳлар шохига чирмашгансимон.
 Чирмаб олган илон ҳалқаси ора,
 Бўлди унинг қўлу оёғи яра.
 Илон буралганда етмай бардоши,

Шундай дерди кўздан тўкилиб ёши:
 Ер зулфи домига эрурман пайванд,
 Мушкин сочларига бўлиб занжирбанд.
 Яна занжир тушди, гўё бири оз!
 Мени бу балодан ким этар халос?
 Занжиримдан агар таралса садо,
 Ошиқлар базмида қўпар можаро.
 Бандилар топишгай излаб бир чора,
 Узиб занжирларин этар юз пора.
 Қўймай оёғи-ла бир-икки қадам,
 Утди етти ўлка устидан пургам.
 Йўқ, йўқки чормихга қоқиб ҳукмрон,
 Бу ёруғ дунёдан айласа гумдон.
 Ҳайҳотки, бир-икки ҳалқали темир,
 Бўлса бу маконда лангардек оғир.
 Уни элтишмасди ёрига томон,
 Йўқ эди ёрининг васлидан нишон.
 Дейликки, жаннатга берсалар ҳам роҳ,
 Бўлмас эди бундан каттароқ гуноҳ.
 Унинг мазҳабида кимки донишманд,
 Шубҳасиз бўлгайдир шундай занжирбанд.
 Бир-икки-уч ҳафта ўтгани маҳал,
 Халифа ёнига етдилар жадал.
 Иссиқлайин олиб боришиб ҳаммом,
 Ювишиб бадану сочин батамом.
 Халифа эҳсонда чароғон қуёш,
 Танига кийгизди янги уст-бош.
 Утқазиб ёздилар тўкин дастурхон,
 Илтифотлар билан эшитиб меҳмон.
 Мискин ўз ҳолига боқиб ҳар қалай,
 Ўзини бу жойда сезди ноқулай.
 Билди бу мактабда аҳволи чатоқ,
 Тентак болалардан егай шапалоқ.
 Борлиқнинг фазоси унга келиб тор,
 Мастана ақлдан озди телбавор.
 Тўнини танидан ечди ва йиртди,
 Бошдан салласини олиб итқитди.
 Суҳбатдан четланиб, оғзини юмиб,
 Бир чеккада ёлғиз ўлтирди жимиб.
 Қусаййирга берди халифа фармон,
 Улким ошиқларга эди меҳрибон.
 Базми хос бошланган онда келди,
 Даҳшат ул мусофир ёнига келди.
 Дедики, аввало унга баробар,
 Ўзишга тайёрланг қаламу дафтар.

¹ Маҳор — туянинг бурнидан ўтказиладиган, ил боғланган чўп.

У қалам-ла ёзинг айтганда ғазал,
 Гўё бармоқ билан ялангиз асал.
 Шу лаҳза овозин қўйиб бир йўла,
 Дилидан куйлади у бир ашула.
 Унда васф этилар Лайли жамоли,
 Ҳам насиб этмасди Лайли висоли.
 Қайс эса бемордир ёр фироқида,
 Чекиб қайғую ғам иштиёқида.
 Шундай икки-уч байт ўқигани чоғ,
 Қайсининг чароғига қуйилганда ёғ.
 Куйди жон томири, сирқираб илик,
 Тилини чиқарди мисоли пилик.
 Бир қасида айтди ўртаниб шу пайт,
 Камида келарди ҳасрати юз байт.
 Ҳар байтидан унинг хонаси тўлар,
 Кўзидан гавҳардек ёшлар тўкилар.
 Тизим-тизим бўлиб дурларни қатор,
 Унинг дардларини айларди изҳор.
 Байтлар орасига тушганида чок,
 Ундан тилинарни юраклар ғамнок.
 Шеърий тўлқинлари жўшиб тоғсимон,
 Ғам сели айқириб оқар ҳар томон.
 Қофияларидан юзлаб сиқиқ дил,
 Тангликдан кўкракка тош урар бир хил.
 Ҳар ҳарфи севгидан бир достон эди,
 Ҳар нуқта қон дилдан бир нишон эди.
 Дилу жигаридан томаётган қон,
 Сўзлар булоғидек бўларди равон.
 Матлаидан ҳар ён тараларди нур,
 Лайли юзи гўё бир офтоб эрур.
 Мақтаида эса бўлмас умидвор,
 Чунки гўзал қуёш кўргазмас дийдор.
 Ундан юракларга тушарди чақмоқ,
 Ёру диёрини зикр этгани чоқ.
 Тили аҳволини этганда баён,
 Бўлди унинг ғариб ҳаёти аён.
 Киприкдан қонли ёш сел каби оқди,
 Ҳар кўнгилга юз доғ тамғасин тоқди.
 Хабарчиси эди қуш ёки шамол,
 Сўзлар дил ғамидан унга арзи ҳол.
 Қонига қорилар босган қадами,
 Мактубини унга узатган дами.
 Дўстига етказиб беролмаса гар,
 Унинг итларига балки топширар.
 Висол айёмидан ҳикоят айлар,

Фироқ аламидан шикоят айлар.
 Ифвогар дастидан гоҳ йиртар чопон,
 Гоҳи бахтсизликдан кўтарар фиғон.
 Ҳар ким бу навога солсайди қулоқ,
 Дилидан оқарди қон мисли булоқ.
 Мактубин ўқиган қолмагай бефарқ,
 Қайғу селларига бўлар эди фарқ!
 Шундай ўз қиссасин қайғули у жон,
 Мотами ғамида тугатгани он,
 Оҳи шуъласидан бир олов қўйди,
 Тош бўлмаган ҳар дил ўтидан куйди,
 Ёниб кўтарганда фарёду фиғон,
 Йиғлади чидолмай кўрган мусулмон,
 Соядек тупроққа суриб юзини,
 Тутолмай заминга отди ўзини.
 Халифа кўрдик, аҳволи ёмон,
 Банди ечилсин деб, айлади фармон.
 Хазина эшиги қулфини очди,
 Унга юзлаб ҳамён олтинлар сочди.
 Сўнг деди кетмасдан саҳролар оша,
 Доим ёнимизда сокин бўл, яша.
 Ул ўлка бегидан кутгаймиз мадад,
 Ёрдам сўраб унга юборамиз хат.
 Ул ўлка ҳокими кўрсатиб эҳсон,
 Лайли отасини келтирар буён.
 Иккингни қўшармиз гўё дур, гавҳар,
 Кўнглингнинг мақсуди бўлар муяссар.
 Мажнун кўргузмади унга илтифот,
 Унинг ваъдасига ишонмай ҳайҳот,
 Барча эҳсонидан силкиб этагин,
 Севги водийсига жўнади тагин.
 Замона жабридан борар қутулиб,
 Тузоғидан қочган оҳудек бўлиб.
 Йўл босар, дам олиб ухларди яна,
 Ҳар лаҳза қиларди минглаб шукрона:
 «Қутулдим дардисар халифадан ҳам,
 Ёрим диёрига ташладим қадам».

**Мажнун Лайлининг ҳажга бораётганидан
 хабар топиб, унинг карвонига ҳамроҳ
 бўлгани ва саратон тасвири**

Бу юрт сарҳадидан ошган мусофир,
 Шундай ипга тизди шеърий жавоҳир.

Бу қиссадан шундай ривоят этди,
 Ул хок¹ яна эски жойига кетди.
 Тоғларда охую, ўрмонда қўтос,
 Елиб юрар эди ваҳшийларга хос.
 Лайли кўчасига боролмай қолгач,
 Лайли уйи сари юролмай қолгач,
 Беқарор кезарди телбадек ҳар ён,
 Юртдан-юртга ўтиб юрарди сарсон.
 Саргашта ёридан излаб нишона,
 Юзларин қон билан юварди яна.
 Ҳар жойда бир карвон кўрса ул шайдо,
 Бир доно бўларди унга ҳувайдо.
 Куйиб ҳижронда бўлган эди доғ,
 Ундан жононини айларди сўроқ.
 Бир кун пешин чоғи эсгувчи самум
 Нафасидан ёнди саҳроларда қум.
 Қуму синиқ тошдан ўт олиб саҳро,
 Чўғ тўла лаганга айланди гўё.
 Ҳалқадек ҳар ёнда ўралар илон,
 Бир тола оловга тушганисимон.
 Қулон бу саҳрога юзланиб шу дам,
 Ёнар қумлар узра ташласа қадам,
 Гўё қоқилгандек тагига наҳал,
 Товони қабарар эди шу маҳал.
 Олам бўлиб иссиқ ҳаводан беҳол,
 Оташдан қизиган бир тандир мисол.
 Тандир аро қолмай тоғларда бардош,
 Увалиб тушарди мисли оҳактош.
 Тоғлардан жўш уриб чиққан ҳар булоқ,
 Тошлар оташидан бўларди қайноқ.
 Балиқ қилар эди сув деб илтижо,
 Ёрига доғ бўлиб товада гўё.
 Ҳар тахтатош узра қоврилиб шу тоб,
 Қийигу какликлар бўларди кабоб.
 Қўтос кўнгил узиб соядан гагин,
 Уз шохи остида олар эди тин.
 Иссиқдан қийналиб йўлбарс нотавон,
 Дарахт соясидан тополмай нишон,
 Дарахт соясидек ерда чўзилиб,
 Ётар ола-қуроқ соядек бўлиб.
 Оҳу унга томон юра бошлади,
 Соя деб, устига ўзин ташлади.
 Ул кун юқоридан эганида ел,

Ҳар дарадан пастга оқиб келди сел.
 Ёмғир суви бўлмай у тошқин ариғ,
 Оқиб келар эди тошлар мисли тиғ.
 Бундай кунда хаста бечора Мажнун,
 Кўмирдек куйикиб бўлганди кукун.
 Дилидан учқуни сачрарди ҳар ён,
 Унинг оташидан ёнарди жаҳон.
 Бир жойда туролмас эди осуда,
 Оёғи оловда куярди жуда.
 Ногаҳон лоладек кўнгли бўлиб доғ,
 Чиқди ул бир тепа устига шу чоғ.
 Ҳар тараф кўз тиккан чоғи бирма-бир,
 Узоқдан кўринди унга бир чодир.
 Утов тикар эди бир тўда одам,
 Қўкдан ерга тушган юлдузлардек жам.
 Ултириб кўтарди у оҳу фиғон,
 Йўл олди сўнг чодир тикканлар томон.
 Ул жойга етганда ўнгланди иши,
 Дуч келди туяга минган бир киши.
 Мажнун йўлин тўсиб сўради дарак,
 Эй, юзинг кўринар менга муборак!
 Қимдан бу от-улов ҳам тахтиравон,
 Қаёққа бормоқда ўзи бу карвон?
 Ул гуруҳ қаердан, бу эл не жойдан?
 Номи недир, улар келмоқда қайдан?
 Ул туя минган зот бамайлихотир,
 Саволига жавоб қайтарди бир-бир.
 Деди: «Ҳижоз¹ сари бари юришар,
 Ҳажга бориш учун тайёр туришар».
 Деди, улар ичра бир тўп ким, анов,
 «Лайли одамлари» — деди у дарров.
 Бу номни эшитиб бечора беҳол,
 Бошқа гаплашишга топмади мажол.
 Қолмай вужудида заррача дармон,
 Тупроққа йиқилди соядек шу он.
 Тупроқдан қўзгалди ётиб анча дам,
 Яна ўзлигига келди у шахдам.
 Ёр билан бирга у Ҳижозга кетди,
 Ёрсиз эди, бирдан ёрига етди.
 Тахтиравонида борарди Лайли,
 Мажнун дили яра унинг туфайли.
 Борарди олисда кўриниб ҳар он,

¹ Ҳижоз — Макка ва Мадина ўрнашган мамлакат.

¹ Мажнун деган маънода.

Гўё чорлар уни шу тахтиравон.
 Дилидан янграрди нолаю фиғон,
 Туя бўйнидаги кўнғироқсимон.
 Тахтиравонини кўрганда ҳар бор,
 Дилидан таралар эди оҳу зор.
 Дедики, маҳмилда ахир у нетар,
 Менинг юрагимда юргани етар.
 Маҳмил¹ икки юзин тўсган ниқобдир,
 Маҳмил эмас, балки буржи офтобдир!
 Қани мен бахтсизга агар ушбу тоб,
 Шу бурждан чарақлаб кўринса офтоб.
 Бўлар эдим ақлу ҳушимдан жудо,
 Унинг шуъласида заррадек гўё.
 Туясин етаклаб кетаркан сарбон,
 Йўлларда қоларди изидан нишон,
 Мажнун орқасида юриб пурғусса,
 Туяси изидан оларди бўса.
 Юзлари сарғайиб мисли заъфарон,
 Киприкдан думалар кўз ёши маржон.
 Бу йўллардан ёрим ўтган шубҳасиз,
 Ёрнинг туясидан ёдгордир бу из.
 Гарчи боролмадим ёримга яқин,
 Кўриб изин кўнглим топади таскин.
 Мискин ошиқ эди севги билан банд,
 Ҳеч нарсасиз севган ёридан хурсанд.
 Ёрининг васлига етмаса агар,
 Унинг хаёлига бўлар муяссар.
 Агар тополмаса ёрнинг ўзини,
 Тупроқдан қидирар босган изини.
 Оёгин ўпишга топмаса имкон,
 Босган изларини ўпар ҳар қачон.
 Жомий, қара бу не ташвишдир асли,
 Насибинг бўлдим севгилинг васли?..

**Мажнун Лайли карвони билан каъбага
 етгани ва ҳаж қондалари бажо
 келтириладиган жойида унга севгисидан сўзлагани**

Каъбага борувчи ул ғамгин ошиқ,
 Чексиз биёбонда кўнгли бўлиб зиқ,
 Ер ила вале ёр васлидан маҳрум,
 Ғамгину ғамгусор, васлидан маҳрум,

¹ Маҳмил — тахтиравон.

Қиргани чоғида каъбахонага,
 Юзини қаратди ул яғонага.
 Каъбанинг ичида тўкиб кўздан ёш,
 Қўйди вафо билан оёғига бош.
 Лайли хона сари бўлгач хиромон,
 Яшнади жамоли бирла ҳар томон.
 Ул беқарор сари тушиб назари,
 Оқди кўзларидан хуни жигари.
 Йиғлади, эй бунча айро тушган хот,
 Ғаму дард ўтида ёндинг номурод!
 Азобу фироқда энди қалайсан?
 Ўтли иштиёқда энди қалайсан?
 Мен сенсиз не дейин, ҳолим не бўлди,
 Мана, икки кўзим хунобга тўлди.
 Юзинг орзусида кечаю кундуз,
 Тоқ хаёл сураман, билсанг, эй гулюз.
 Кўзим қароғидан йўқ ўзга кишим,
 Дилимни мумкиндир унга очишим.
 Қандай яхшидирки, сен менга бир бор
 Бўла олгайсан-ку, ахир ғамгусор.
 Мажнун тил учиде секин очиб лаб,
 Билсанг шу сўзларни айтди шивирлаб.
 Ҳамда билмасин деб, яхшию ёмон,
 Кўрқиб олд-кетига қаради шу он.
 Қайғу беҳад эди, фурсат эди кам,
 Хона тавофига қўйдилар қадам.
 Уйни тавоф этиб Лайли юрса гар,
 Изидан аламноқ Мажнун эргашар.
 Қоратош¹ ни ўпиб у сўрса имдод,
 Холи хаёлида бунинг кўнгли шод.
 У обизамзамга чўзганида қўл,
 Бу йиғлаб юзини айлар эди ҳўл.
 У юзин бурганда Марва, Сафога²,
 Бу эса интилди авжи вафога.
 Арафот³ чоғида бўлди хабардор,
 Бу эди унга бир муносиб дилдор.
 У ҳажга юзини қаратгани дам,
 Бу унинг сочи деб чекар эди ғам.

¹ Қоратош — Каъбадаги муқаддас тош.

² Марва, Сафо — Макка яқинидаги икки тоғ, ҳожилар бирдан иккинчисига қараб югуришади.

³ Арафот — Ҳожилар каъба яқинида тўпланиладиган 9-зулҳиж-жа ойи.

Унинг қўлида тиг, этгали қурбон,
 Қонимни тўк дея бу айлар фиғон.
 Қўлидаги тошни отганида у,
 Тошига бошини тутар эди бу.
 Хонада у видо айлаган замон,
 Ҳажр даҳшатидан бу чекар фиғон.
 У билан хушлашиб Лайли ҳойнаҳой,
 Тахтиравонидан бориб олди жой.
 Бу орада Мажнун топиб бир фурсат,
 Ёнига боришга айлади журъат.
 Шундоқ видолашди улар икковлон,
 Оқди кўзларидан алам билан қон.
 Тиллари сўзлашмай, кўзлари пурхун,
 Юрак дардларини чиқарди бурун.
 Бир- бирига шундоқ қилишди видо,
 Гўё тана бўлди бошидан жудо.
 Танадан айрилса бош агар бир он,
 Баданда яшашга қолмагай имкон.
 У кетди дард бирла бағри тилиниб,
 Бу қолди кўз ёшдан лойга илиниб.
 Ундан тахтиравон бўлиб муаттар,
 Гўё бунинг қони танида қотар!
 Нофадек пардасин очгани замон,
 Хушбўй исларига тўлди ҳар томон.
 Афсуски тан қолиб, кетибди жони,
 Юракдан бардошу тандан дармони.
 Жамолин кўрсатиб келди жуда кеч,
 Қуяман, васлига тўёлмадим ҳеч!
 Бир умр ортидан чопдим шитобда,
 Унинг юзларини кўрдим ниқобда.
 Ҳануз кўзларимга келмагай уйқу,
 Худодан уялмай тинчлик бермас у.
 Ул лаби ташнаман кезиб биёбон,
 Сув излаб югурдим дайдиб ҳар томон.
 Сувнинг чашмасига йўлиққаним дам,
 Сув каби дилимда қолмади чидам.
 Ҳали чанқоқлигим сўнмасдан туриб,
 Тур деди, саҳройи ханжарин уриб.
 Улимдан ўзга бир йўл қолмади, бас,
 Энди бу кунимга ҳеч ким ярамас.
 Ғам билан жигару бағрим юз тилим,
 Ё раб, бундай кунга қолмасин ҳеч ким!
 Хуш эдики, бўлса бу куним ҳам оз,
 Ажал тиги ғамдан айласа халос.
 Шу билан у Лайли аҳлидан жудо,

Лайли хаёлида айлади нидо,
 Бошқа гуруҳ билан жўнади фақат,
 Не қолди дармони, не сабру тоқат.
 Қўрқдики, кўрса ул гуруҳи бебок,
 Танишса қасд олиб қилишар ҳалок.
 Ундан етар эди Лайлига мажол,
 Бу ҳам хижолатдан эди кўп ўсол.

**Сақиф қабиласидан бир йигит Лайлини каъба йўлида
 кўриб унга ошиқ бўлгани ва ўз никоҳига олгани**

Ипга тизилганда сўз мисли гавҳар,
 Яралди бу шеърий дурдона асар.
 Ноз бирла чайқалиб у тахтиравон,
 Борарди ичида пинҳона жонон.
 Шерларни овловчи сеҳргар оҳу,
 Ботирлар дилига солгувчи ғулу.
 Зийрак доноларни мажнун этгучи,
 Юзлаб буюкларни забун этгучи,
 Ҳарамдан отланиб чиққани замон,
 Қўшиқ айтиб, йўлга отланди карвон.
 Каъбага борганлар тоғу қир ошиб,
 Манзилига томон жўнашди шошиб.
 Сақиф қабилали бир нозанин ёш,
 Манглайи ой каби, юзлари қуёш.
 Юзда сабза хати эди муанбар,
 Мушкдан гўё ойга сепилган анбар.
 Бармоғида эди муҳри Сулаймон,
 Етти пушти эди бадавлат аъён.
 Молу мулки эди ҳаддан зиёда,
 Сифмас эди тоғу дашту саҳрога.
 Унинг ганж сочмоқдан чўнтаги холи,
 Бунинг эса ҳаддан зиёда моли.
 Унинг маҳмилига келиб рўбарў,
 Уша жойда тушди дилига орзу.
 Маҳмилига назар ташлаганда лол,
 Бир эсиб пардани кўтарди шамол.
 Парда ичра кўрди у бир маҳлиқо,
 Юзларидан қуёш оларди виё.
 Икки ёноғида зулфи муанбар,
 Кеча бирла кундуз қучишиб ётар.
 Минглаб саркаш унинг қошлари учун
 Сабру тоқатидан айрилган бутун.
 Жоду кўзи бир бор ташласа нигоҳ,
 Абадий фирибу найрангдир э, воҳ.

Ширин дудоқлари этгач табассум,
Дурдона тишлари кўринди шу зум.
Ғабғаб сувига лаб чайиб муаллим,
Икки юз шогирдга берарди таълим.
Парда ичра кўргач ул ой юзини,
Ногаҳон унутди шунда ўзини.
Кўнгил мулки бўлди севгига шикор,
Бўлди муҳаббатдан дили ярадор.
Ошиқлик кўйига тушиб бечора,
Висолга етмоққа излади чора.
Қанча уринса ҳам ўнганмай иши,
Охири орага қўйди бир киши.
Ҳар эркак бўлмасин қанча билимдон,
Қачон ўз мушкилин қилибди осон?!
Ҳар ишга топса ҳам доно сарҳисоб,
Пичоқдан ўзига ясолмагай соп.
Ширинсўз совчилар борса ҳар замон,
Келинлик базмини этар чароғон.
Совчи юбормаса агар умрбод,
Келин висолдан куёв бўлмас шод!
Унга ҳамдам бўлди бир ишбилармон,
Сўзга чечан эди ҳамда қиссахон.
Дилкаш сўзлар бирла кекса донишманд,
Сув билан оловни айларди пайванд.
Отаси қошига уни юбориб,
Ваъдалар бердию ҳамда ёлвориб
Айт деди: «Насабда мен улуғворман,
Сенга ўхшаб юксак насабга ёрман.
Обрўда менга тенг бирор сарвар йўқ,
Бойликда менга тенг бир савдогар йўқ.
Қўю эчким тўла дашту биёбон,
Чўпонларим бари зийраку чаққон.
Йилқи, туялардан кўп менда гала,
Хизматимда эрур бутун маҳалла.
Келтирайин нима айласанг талаб,
Барин оёғингга тўкай дасталаб.
Ҳисобдан зиёда кумуш билан зар,
Не, не тарозуга тортмоққа сиғар,
Сенинг қулингдирман, хулласи калом,
«Соҳибига тобеъ ҳамиша ғулом».
Қулингдай айлагин итоатда банд,
Куёвмас, бўлайин сен учун фарзанд.
Яхши бўлар эди айласанг қабул,
Бир оғиз яхши сўз мингбора мақбул!
Йўқса ололмассан зар билан ишон,

Бир лаҳза кўнглингга кечиргил пинҳон»,
Ул кекса донога ота бўлиб ром,
Қулоғига ёқди ул айтган калом,
Ул ёш йигит бўлди кўнглига маъқул,
Нозу истиғносиз айлади қабул.
Деди жамолини кўрмасдан бир қур,
Менга фарзанд бўлсин ҳам кўзимга нур.
Беқарор юраги тинчланиб шу дам,
Деди бир ўзимнинг розилигим кам,
Етмаслиги учун бу ишга путур,
Аввало кенгашиб олмоғим зарур.
Бориб айтиб келди у онасини,
Қадрига етар ул дурдонасини.
Унга ўзгалардан бир четда пинҳон,
Бўлган ушбу гапни айлади баён.
У ҳам бу таклифга розилик берди,
Кўксига бу орзу ўрнашиб эрди.
Дедики, муносиб экану лойиқ,
Иккови бўлса гар маъшуқу ошиқ.
Бунинг қучоғига Лайли кирса гар,
Эҳтимол, аввалги ёрин унутар.
Мажнун бу гаплардан бўлиб хабардор,
Ўзига излайди бошқа жойдан ёр.
Бу орада анча тинчирдик биз ҳам,
Ҳар хил гап-сўзларга етарди барҳам.
Лек буни Лайлига айтгани замон,
Хаёлдан зулфидек бўлди паришон.
Бу ғам шуъласидан бағри ўртанди,
Ой каби чеҳраси лоладек ёнди.
Кўз ёшидан бўлди ёноқлари ҳўл,
Еқасига дурлар томчилади мўл.
Хаёл этагини тез йиғиб олди,
Ўз ҳолига ҳайрон бош эгиб қолди.
На она райидан қайта олурди,
На унга дардини айта олурди.
На кеча оларди эски ёридан,
На тона оларди ўз қароридан.
Ҳаё пардасида қиз тутқун мудом,
Уялиб кўз ёшин тўкади тамом.
Ота-онасига не деб сўзлагай?
Райини қайтариб, не деб бўзлагай?
Жонига ўт тушиб бу сўз туфайли,
Оҳ чекиб, билдирмай йиғларди Лайли,
Оғзини очмади, нима ҳам деюр,
Дейишди: «Жимлиги розилик эрур».

Совчига хабарин беришди шу дам,
 Ташла деб, хайрли иш учун қадам.
 Бу гапни ул ошиқ эшитган замон,
 Қолмай бу дунёда кўнглида армон.
 Сурайёга етиб ифтихор тожи,
 Барча ишларининг келди ривожи.
 Шундоқ юзларига чароғон офтоб,
 Тортгани чоғида зулматдан ниқоб,
 Манқалда исириқ тутатиб само,
 Базмга ой нури таратди зиё.
 Шодлик мажлисини тузиб беармон,
 Элат бошлиқларин айлади меҳмон.
 Ҳар бири эгаллаб муносиб жойни,
 Юлдузга бердилар бир тўлин ойни.
 Дўстлар бу никоҳга этгали нисор,
 Табоқлаб зару дур келтирди бисёр.
 Қавми бир томондан сочар эди зар,
 Иккинчи томондан терар ўзгалар.
 Бойларнинг қўлидан сочилиб дирҳам,
 Бўлар камбағаллар этагида жам.
 Ул бири узатса соф олтинга қўл,
 Бошқаси ҳовучлаб йиғар майда пул.
 Лайлидан бошқалар ҳаммаси дилшод,
 Лайлидан ўзгалар топдилар мурод.
 Кувёни кўрдик, терилган таом,
 Унинг емоғига берилган таом.
 Менинг насибам деб қувонди магар,
 Аммо, билмас унда борлигин заҳар.
 Бир қуш парвоз этиб ёздию қанот,
 Дон излаб тупроққа қўнгани заҳот.
 Қаршида бир доннинг ётганин кўрди,
 Унга яқинлашиб тумшуғин урди,
 Тупроқда яшириб қўйилган тузоқ,
 Бўйнига «лоп» этиб илинди шу чоқ.
 Никоҳ кечасидан ўтиб анча кун,
 Жону дили бўлиб орзуга тутқун,
 Келди қалъадаги ул ойга томон,
 Фалакдек безаниб бахтли ул ўғлон.
 Эъозлаб уйига етаклаб кирди,
 Ноз билан тахтига жонон ўлтирди,
 Лайли ҳам кўрсатди минг иззат, тамкин,
 Нозли маснадида тошибон таскин.
 Ой каби эминга юзлангани чоқ,
 Қошлари тугунинг ечмади бироқ.
 Лабларини юмди кулгудан жонон,

Оқди кўзларидан ёш ўрнида қон.
 Унинг жигар бағри куйиб фироқдан,
 Боқарди гўёки сувга йироқдан.
 На унда қолганди сабр илҳа тоқат,
 На сувдан ичмоққа бор эди рухсат.
 Икки-уч кун шундай у тоқат этди,
 Шавқи келиб кейин бардоши кетди.
 Нозик қоматига келиб ёйма-ён,
 Ҳавас қўлин чўзди шавниқол томон,
 Чинқириб деди у, тур, қўлингни ол,
 Бу хурмони асло қилмагин хаёл!
 Бу дарахтдан биров термаган хурмо,
 Термоқ не, хурмосин кўрмаган ҳатто!
 Яхши эмас, топмай бир шохи завол,
 Ўзгалар ҳаваси айласа поймол.
 Ул ёрим ҳажрида хору афгорман,
 Дилхаста, йўлида мен интизорман.
 Сабру дилу динин қурбон айлади,
 Жонини мен учун қалқон айлади.
 Биёбонда юрар мени деб ғамда,
 Тошларга бош урар, дарду аламда.
 Менинг хаёлимда оҳу ўтлатар,
 Менинг ҳавасимда тўнин чок этар.
 Заҳрим фироқидан бўлиб бағри чок,
 Қўтос кўз ёшидан излайди тарёк.
 Мендан бир нафас ҳам бўлмасдан гофил,
 Мендан бошқасига бўлмагай мойил.
 Тўйиб кўрмагандир юзимни бир бор,
 Мен томон келишга топмас ихтиёр.
 Сарвим соясига розидир фақат,
 Хурсанд тазарвимдан¹ агар етса пат
 Этмадим соямга ҳали сарафроз,
 Патим ҳам ул томон этмади парвоз.
 Вафо паймониға мен содиқ қолиб,
 Юзлари шавқида юраман голиб.
 Қандай ўзга билан қовушсин бошим?
 Бошқа одам васли бўлурми ошим?
 Унинг ҳоли бирла менга эт назар,
 Бундай васвасани кўнглингдан чиқар.
 Ҳашаматинг билан бўлмагин мағрур,
 Энди иззатингни сен ҳам билиб юр!
 Худонинг номига ичаман қасам,

¹ Тазарв — қирғовул.

Улким ер юзини яратган ҳакам,
 Сени яна бир бор учратсам гар,
 Енгимнинг остидан олиб муқаррар,
 Юзингга енгимни силкитиб у чоқ,
 Аямай кўксингга санчаман пичоқ.
 Сендан ололмасам башарти қасос,
 Узимни ўлдириб бўлурман халос.
 Кўксимга санчилиб ханжари бедод,
 Сенинг жафойингдан бўлурман озод.
 Бунчалар қасаму ситаму зўрлик,
 Шакарханд лабидан эшитди шўрлик.
 Билдики, йўлида туганмас ғовдир,
 Бу жиловсиз бия жуда асовдир.
 Унинг тузоғига бўлиб гирифтор,
 Етиша олмасдан эди дилфигор.
 Ночор куяр эди дарду доғида,
 Гулини кўролмай унинг боғида.
 Ҳар лаҳза ҳижронга ўхшаш васлида,
 Азобда ўртанар жони аслида.
 Орзу илдизи ҳам шундай сўларди,
 Юз бора тирилиб, юз бор ўларди.
 То бор эди доим шу эди иши,
 Ҳаётда шу эди ёлғиз ташвиши,
 Ул кунки, ўлса ҳам у шундай ўлди,
 Бу жаҳондан қисмат унга шу бўлди.

Мажнун Лайлининг эрга текканини эшитиб изтироб чеккани

Бу келин қасрида ноғоранавоз,
 На кеча, на кундуз тинмади бир оз.
 Бу оғир куй билан чалиб ноғора,
 Юракни ларзага солди тобора,
 Улким ишқ зарбидан юраги афгор,
 Ҳамда муҳаббатдан топган эътибор.
 Ҳижоз сафаридан қайтгани замон,
 Ўтди ёр кўчаси тупроғи томон.
 Яна янгилиниб ул эски доғи,
 Ҳосилга кирганди аламлар боғи.
 Жонини ўртади ўзга бир ғавғо,
 Эшигу томидан янгради садо.
 Кўз ёши шашқатор дарё бир йўла,
 Юраги тирналиб айтар ашула.
 Куйлар эди қараб дарёга дoston,
 Орзу матлабидан изларди нишон.

Биёбонда шундай хиром этарди,
 Ё бир вайронада мақом этарди.
 Ҳар кимса ул ойдан берса нишона,
 Деса гўзалликда эрур ягона,
 Яъни ул Лайлики жоннинг балоси,
 Олди бардошингни нозу адоси.
 Сахро тупроғига қўяр эдинг бош,
 Кўзингдан оқарди тинмай қонли ёш.
 Берилиб юракдан ўқирдинг ғазал,
 Хору хасга босиб юзингни ҳар гал.
 Ҳар манзилда агар кўрсанг бир ўтов,
 Унга яқинлашиб бординг сен дарров.
 Лайли ўша жойда дейишса мудом,
 Унинг соясида олмишдир ором.
 Ўзга ҳарам каби этиб эътироф,
 Қайта-бошдан уни айларди тавоф.
 Саҳрода қаерда ўтирса агар,
 Номини қумларга ёзар муқаррар.
 Лекин кипригидан оқиб селдай қон,
 Ювиб қолдирмасди номидан нишон.
 Тупроқ элашини кўрди бир одам,
 Бошига сочарди майдалаб ҳар дам.
 Деди: «Нима учун элайсан тупроқ,
 Қимни деб бошингдан сочасан бу чоқ?»
 Дедик: «Ҳар жойда тўзғитаман хок,
 Токи топилсин деб, ул гавҳари пок.
 Уни тополмаган чоғимда ғамдан,
 Бошимга сочгайман тупроқ аламдан.
 Сув ёки тупроқни ҳар тараф титмоқ,
 Мақсадим ул дурни қўлга киритмоқ.
 Қим кўрган тупроқда ётган гавҳарни,
 Қим терган тупроқдан дури аҳмарни?»
 Деди, бу йўл энди сенга келмас мос,
 Туну кун ғамидан бўл энди халос.
 Ул тоза гавҳарни топмоқлик учун,
 Қидириб умрингни сарф этдинг бутун.
 Сен жон уздинг, тегди ўзгага бироқ,
 Сендан кўнгил узди чиққач яхшироқ.
 Бу ишдан қўлингни торт энди сен ҳам,
 Соқит қил, бошингдан кетсин дарду ғам.
 Ёр агар бўлмаса содиқ вафодор,
 Ҳеч маҳал топмагай зарра эътибор.
 У билан қўл бериб боғлабсан паймон,
 У бўлса ўзгаси билан қадрдон.
 Сен Лайли дегайсан пинҳон дур каби,

Мажнун номин айтмас лек унинг лаби.
 Келишган ёрига боғлаган кўнгул,
 Сенинг ғамларингни унутиб буткул.
 Сақиф уруғидан бир барно ўғлон,
 Табиати латиф, ўзи навжувон,
 Унга эрга тегди ақлин йўқотиб,
 Эшакмунчоқ олди гавҳарни сотиб.
 Апоқ-чапоқ бўлди йигит билан қиз,
 Сен эса алифдек турибсан ёлғиз.
 Эту тирноқ каби икковлари мос,
 Сен эса кесилган тирноқсан, холос.
 Тур энди, бу хилда ҳаёлдан кечгил,
 Бундай васвасали аҳволдан кечгил.
 Дили қоралар-ла сафо бўлурми?
 Жафо эвазига вафо бўлурми?
 Гулдек иккиюзли гўзаллар қургур,
 Рангу бўйи билан доимо мағрур.
 Вафо қондасин гуллар бузадир,
 Эртароқ келса ким ўша узадир.
 Тол билан чиқишгай қачон арғувон?
 Уғри билан қачон келишгай боғбон?
 Этагин тутқазгач тикан қўлига,
 Хор этиб ташлаб кет сен ҳам йўлига.
 Ул гулки, сенданмас, тикан яхшидир,
 Хор этиб уни ҳам кетган яхшидир.
 Эрдан рози бўлса агар ҳар сулув,
 Мардлик қилиб ундан сен қўлингни юв.
 Бир этикка қандоқ сифсин икки пой?
 Бир уйдан икки эр қандоқ олсин жой?..
 Мажнун бу сўзларни эшитиб дилгир,
 Сўфийлик рақсида айланди гир-гир.
 Оҳ деб, боши билан чунон йиқилди,
 Боши узилгандан ёмон йиқилди.
 Қону тупроқ ичра қоришиб беҳуш,
 Етарди мисоли яраланган қуш.
 Тошбағир ёридан ёғиларди тош,
 Кўксига урарди ғамгин дили бош.
 Ундан ҳоли бўлиб юз бора мушкул,
 Ҳушидан кетиб сўнг тинчиб қолди ул.
 Гўё чиққан эди ҳар тадбир издан,
 Беҳушлиги шундай олди бўғиздан.
 Лабидан чиқмасди ҳаттоки нафас,
 Юраги ҳам урмай қолганди бирпас.
 Яшашидан умид йўқ эди шу зум,
 Улик тириклиги эди номаълум.

Анчадан сўнг яна қайта жон топди,
 Минг ғамда гаровга солибон, топди.
 Нафас йўли унинг очилганда, бас,
 Фақат оҳ чекарди ололмай нафас.
 Оҳи сийнасига ботиб ўқсимон,
 Шундай дерди чекиб дилидан фиғон:
 «Тошюрак ёримнинг бу ғамидан, оҳ!
 Бевафо ёримнинг алаmidан оҳ!
 Фарёдки, гўзаллар шамъи беаёв,
 Еқди бечоралар жонига олов!
 Афсуслар бўлгайким, мингбора афсус,
 Мени у ҳаёсиз этди беномус.
 Менинг номусимни этиб ёқа чок,
 Номим узра сочди аямасдан хок.
 Мен билан боғлаган аҳдини бузди,
 Ўзгага қовушиб у паймон тузди.
 У бировнинг жуфти, мен сўққабош фард,
 У даво конию менда қанча дард.
 Ундан жудо бўлиб куймоқда жигар,
 Ўзгалар бахтидан ўртаниб баттар.
 У мени қил каби озгин айлади,
 Бу эса ўлимим яқин айлади.
 Ўлимга яқину ёридан жудо,
 Ошиқи зор учун айни муддао.
 Ери ўзга билан бўлса ҳамнафас,
 Бундан огирроқ ғам оламда бўлмас.
 Бир умр кон қазиш бўлганди иши,
 Топганини олди бошқа бир киши.
 Дарахт экиб боғни яшнатар боғбон,
 Қелиб сипоҳилар айлади талон.
 Қани улки, бирга ўлтириб эдик,
 Бирга ағёрлардан юз буриб эдик.
 То шамол бизларга кўрсатмаса рўй,
 Биздан ўзгаларга таратмаса бўй?
 Бугун шундай эрур орзу армоним,
 Унга фидо бўлсин бу куюк жоним.
 Шамол олиб борган чоғи наризод,
 Ўзгалар туфайли мени этгай ёд.
 Унга томон учиб боргил, эй-шамол,
 Мен учун юзига тўйиб назар сол!
 Айтгил: «Эй юрагинг мендан беқарор,
 Топибсан ўзга бир муносиб дилдор,
 У бирла қўшилиб ичганинда май,
 Лабингни оғзига тутсанг гозакдай,
 Бу бахтиқарони айла бир бор ёд,

Бир умр гамингда ёнди номурод.
Сенинг гаминг бирла ўлмоқдан бурун,
Висолингдан баҳра ололмай бутун.
Тупроққа кетарман пок, собитпаймон,
Қилмишингдан ўзинг ерсан пушаймон.

**Лайлининг эрга текканидан кейин Мажнуннинг
дарди зиёда бўлиб, инсонлардан кечгани ва
хайвонлар билан яшагани**

Ўз ую жойини излаган оқил,
Даҳшат водийсида ғамдан бўлиб вил
Гоҳи куйлаганда қиссаю дoston,
Пардадан дил рози чиқарди чунон.
Ситам билан жуфту лутф ичра тоқ,
Лайли ва эридан сўз айтди шундоқ.
Ақлини унутган ул ошиқи вор,
Яхшию ёмонга қилмас эътибор.
Севгидан маст бўлган чоғида Мажнун,
Мастлиғ аро унга беришди афъюн.
Ёри фироқидан эди у бир доғ,
Доғ устига яна доғ тушди бу чоғ.
Лекин бир доғ тушди, ҳар доғдан ёмон,
Доғ узра доғ эди ишқдан паришон.
Нокас одамлардан юзин ўгириб,
Ваҳшийлар томонга кетди юз буриб.
Унутди барини ўз-ўзига бек,
Унга ҳам ҳеч кимса сақламади кек.
Барча ваҳший хайвон унга бўлди ром,
Дўст бўлиб бирлашди улар батамом.
Юрганда тоғу дашт аро мисли шоҳ,
Сипоҳидек борар хайвонлар ҳамроҳ.
Унинг йўлидаги дуч келган дарахт,
Остида бор эди қуму тошдан тахт.
Ўзининг тахтига ўтирган ҳамон,
Ҳалқадек ўрарди бўрию арслон.
Шоҳидан хайвонлар ўрганиб инсоф,
Узаро чиқармас бирор ихтилоф.
Бўридан охулар чўчимас эди,
Шер билан охулар ҳамнафас эди.
Оху болалари ўйнарди хушҳол,
Йўлбарснинг думини тортиб бемалол.
Борарди у билан юрса қай томон,
Атрофини ўраб йилқидек қулон.
Қадам ташлаганда ҳар тараф улар,

Йўлларин супуриб борар тулкилар.
Токи босилгунча унинг чарчоғи,
Қўтоснинг кўзидан оқар булоғи.
Бошининг устига тутиб соябон,
Қора зоглар эди унга меҳрибон,
Гоҳида бир истак туғилса марғуб,
Юбормоқчи бўлса Лайлига мактуб,
Қалами бўларди оху туёғи,
Болдирлари эса ёзар вароғи.
Эзгулик кўйида этардинг, аё,
Қаро кўзларингдан сен уни сиёҳ.
Борарди шу янглиғ байту разалхон,
Кўз ёши тўкилиб мисоли маржон.
Оху болалари гўзалу тетик,
Олдида ўйнашар эдилар дик-дик!
Ногаҳон бир боққа етганлари вақт,
Узоқдан кўрдилар улар жамоат.
Майсадан тагига ёзишиб гилам,
Лоладек май жоми, эдилар хуррам.
Уларга етмасин дея бир хатар,
Мажнун сипоҳини йўлдан тўхтатар.
Ўтирганлар аро таниди биров,
Унга қараб нидо айлади дарров.
Эй, шайдо ошиқлар соҳибқирони,
Юзингда муҳаббат нурин жавлони.
Эй, вайрон оламда уйи вайрона,
Бўлиб қабилаю юртдан бегона.
Эй, танҳо йўл кезиб юргувчи далли,
Ушбу тор оламдан излаб тасалли.
Эй, сенинг бошингда ғам қайрар пичоқ,
Остида турибсан бамисоли тоғ.
Қасамёдки, унинг жунунидурсан,
Бошдан-оёқ унинг мафтунидурсан.
Қасамёдки, сенга яшашдан маъно,
Унинг висолидир оламда танҳо.
Лаъли лаби ҳаққи ичаман қасам,
Қасамёд жингалак сочларига ҳам.
Маст оху кўзлари ҳаққи қасамёд,
Жоду бирла этгай ақли барбод.
Қасамёд айларман икки қошига,
Манглайда ёй каби жон талошида.
Биздан кечиб кетма, шошилиб дарҳол,
Кўнглингга бизлардан етмасин малол.
Анча бўлдики, биз бир неча дилбанд,
Сени бир кўришга эдик орзуманд.

Бу фалак аслида тушмас бир изга,
 Бугун етишибмиз бир-биримизга.
 Бундан сўнг бўлмасмиз жудо ҳеч қачон,
 Бирлашдик ўзаро, энди бу аён.
 Яқин кел, дардлашиб олайлик бир дам,
 Юракда қолмасин армон бўлиб ғам!
 Мажнун кўриб ундан бундай илтифот,
 Лутфидан яйради кўнгли шу заҳот,
 Ортада қолди сипоҳ — бир тўда ҳайвон,
 Гурунг учун юрди уларга томон.
 Сўради, бу қандай сарзамин эрур,
 Тупроғи мисоли мушки Чин эрур?
 Дедилар: «Ҳижоздир ушбу вилоят,
 Поклар қадамжойи саналур ғоят.
 Лайли юз бор бунда маҳмилини сурган,
 Ҳамда қўниб бунда чодирин қурган.
 Мушкин этаклари тушиб оёққа,
 Ҳамроҳлари билан келган бу ёққа.
 Бу тупроқки, мушқдек хуш бўй таралмиш,
 Этаги бўйидан хушбўй яралмиш».
 Мажнун эшитганда бу янглиғ сўзни,
 Тутиб туролмади жойида ўзни.
 Соядек йиқилиб ерга шу маҳал,
 Бир наъра тортдию бошлади ғазал.
 Бу диёрдан бўлган эй қадрдонлар,
 Менинг дилбаримдан сўзлаган онлар,
 Жону таним бўлсин сизга армуғон,
 Бошим оёғингиз остида яксон!
 Бу жойда каъбани этмасман ҳавас,
 Ниятим ҳажга ҳам бормоқлик эмас.
 Мақсадим Лайлини зиёрат этмоқ,
 Изидан абадий эргашиб кетмоқ.
 Унинг кўчасидан ўтолмасам гар,
 Фойда бермас менга каъба муқаррар.
 Уни кўрмоқ менга умр бўйи ҳаж,
 Усиз ҳажу умрим кечгуси беваж.
 Висол ўқи чиқса ўқдондан ёмон,
 Каъба тавофида бўлар саргардон.
 Қайғу водийсида мен ташна кечгум,
 Замзам булоғидан қачон сув ичгум.
 Унинг замзамаси¹ ғами билан шод,
 Замзам зилолини қилмагайман ёд.
 Унинг замзамасин тилга олган дам,

¹ З а м з а м а — секин хиргойи қилинадиган қўшиқ.

Киприқдан кўз ёшим мисоли замзам.
 Мен қай бир манзилга бормаи аслида,
 Мақсадим етмоқлик унинг васлига.
 Ҳар жойда ёнмаса юзи мисли шам,
 Ҳатто харобадир боғи Эрам ҳам.
 Лайлидир ҳар сафар менинг муродим,
 Йўқдир ўзга севар Салмо, Суодим¹.
 Мен унинг ғамига бўлдим у тутқун,
 Ўзга гўзалларни унутдим бутун.
 Дўстдан агар менга етса бир озор,
 Душманам бу ғамни чекмасин зинҳор!
 Ешлигимдан тушиб бошимга савдо,
 Севги чанғалида этди мубтало.
 Ишқнинг панжасида бўлиб нотавон,
 Ўтди бутун умрим мисоли хазон.
 Бугун етганида кутганим висол,
 Жоним айрилиқда бўлмоқда увол.
 Бошқанинг номига эди у инъом,
 Бошқанинг насиби бўлди у таом.
 У ёрга ҳамдаму мен бундай йироқ,
 У бахтли, мени-чи, насибим фироқ.
 Шундай деб, манглайин тупроққа сурди,
 Дод солиб бошини тошларга урди.
 Бағир қони оқди кўзидан қатор,
 Ҳушидан айрилди йиғлаб зор-зор.
 Бехудлиги пайти кириб келди тун,
 Ўзгача либосда кўринди гардун.
 Унинг бир хил туси олди икки ранг,
 Ҳийла бирла бўлди ҳам шеру паланг.
 Дўстлар даврасини тарк айлаб шу он,
 Қулону қўтосга бўлди ҳамдаврон.
 Жононасиз келиб лабларига жон,
 Тунни саҳар қилди ҳар галгисимон.

Мажнун бир шахсга меҳмон бўлиб, ўз жуфтидан
 ажралиб нолаю фарёд қилаётган бир қушга
 ҳамовоз (жўр) бўлгани

Само юлдузлари нури сарғайиб,
 Тонготар маҳали бўлганда ғойиб.
 Нурларин таратиб зангори осмон,
 Бутун ер юзини этди чароғон.

¹ С а л м о ва С у о д — гўзалликда тенгсиз араб аёллари.

Мажнун дилбарини изламоқ учун,
 Беҳушлик хобига айлади якун.
 «Лайли!»— дея кезди йўлида чаққон,
 Нонушта маҳали бўлгунча сарсон.
 Пешин чоғларида эсганда самум,
 Йиқилиб-қоқилар, куйдирарди қум.
 Жим эди, ҳасрати мисоли ханжар,
 Оҳидан кўксига санчилар баттар.
 Сакрарди ўқ теккан оҳуларсимон,
 Овчилардан бўлиб бир четга пинҳон.
 Ногоҳ бир қишлоқдан ўтаётган чоғ,
 Кўзига жаннатдек кўринди бир боғ.
 Иссиқ водий аро бўлди намоён,
 Халил оташидан¹ яшнаган бўстон.
 Қуёшнинг тафтидан қорайиб чунон,
 Боғнинг деворида ўтирди бир он.
 Боғ ағаси келиб Мажнунга шу чоғ,
 Дегайким, тургунча мунда мисли воғ,
 Илтимос, уйимга бўла қол меҳмон,
 Сен билан яшнасин бизнинг хонадон!
 Сенинг қўнар жойинг эмасдир девор,
 Қўзлар қароғидир сенга интизор.
 Қайгурма, агарчи бахтдан йироқсен,
 Покиза кўнглимга мисли чироқсен.
 Мажнун ул одамдан кўргач илтифот,
 Девордан ичкари ошди шу заҳот...
 Араблар тилидан тушмас бу ҳикмат:
 «Арабмиз, меҳмонни қилурмиз иззат».
 Қадрли меҳмоннинг олдига шу он,
 Эҳсон-ла ёзди у тўкин дастурхон.
 Кейин дастурхонга қўйди галма-гал,
 Қовурилган қушу покиза асал.
 Мажнун дастурхонга қўл узатмади,
 Унинг овқатидан зарра тотмади.
 Деди, тўғри келмас менга бу таом,
 Томоғимдан ўтмас, мен учун ҳаром.
 Яхши одат эмас дўстни овламак,
 Ҳамда уни сўйиб, пишириб емак,
 Барча жониворлар менга ҳаромдир,
 Чунки улар менга ҳамиша ромдир.

¹ Бобил шаҳри ҳокими Намруд Иброҳим Халилуллони ёқмоқчи бўлган олов илоҳий амр ила гулистонга айлангани ва Иброҳим саломат қолганига ишора.

Қонига тишингни сен айлабсан тез,
 Ночор сендан улар айлагай парҳез.
 Асал ширасидан дилим беҳузур,
 Ари қусугини емасман, узр!
 Ширин новотларнинг илдизидан хўп,
 Оғзимни ачитдим мен жудаям кўп.
 Шудир билсанг мени ҳолва, новотим,
 Лекин уни ея олмагай ҳар ким.
 Нонуштада эди шундоқ таоми,
 Тушда ҳам шу эди, шундоқ оқшоми.
 Кун ботиб бўлганда олам зимистон,
 Эшигини ёпиб ухлади мезбон.
 Ҳовлиси саҳнида бўлиб бир ниҳол,
 Меваси кўп эди, лекин бемисол,
 Ёмғир сувидан у ичиб муттасил,
 Тугиб ҳар шоҳида тумонат ҳосил.
 Ҳар меваси мафтун айларди сизни,
 Ширин қилар эди аччиқ оғизни.
 Меваси мисоли чарақлаган вар,
 Ҳар тизмаси эди бир ақиқи тар.
 Ранги ақиқ каби, мазаси асал,
 Эрирди оғизга солинган маҳал.
 Сўзи ширинлардек қомати расо,
 Шоҳида қушчалар айларди наво.
 Лайли қоматини эслабон Мажнун,
 Унга эҳтирос-ла бўларди мафтун.
 Қошига келдию йиғлади дилгир,
 Дўстдан айру яшаш жуда ҳам оғир.
 Бахтлидир ҳар кимки дўстдан баҳраманд,
 Оёғини ўпиб бўлур сарбаланд!
 Мен уни изладим жаҳондан сарсон,
 Валекин топмадим ундан бир нишон.
 Бугун ким мен каби ўртанар ёниб?
 Ким ёруғлик излар мендай тўлғониб!
 У шундай деганда шоҳдаги бир қуш,
 Йиғлаб наво қилди у каби нохуш.
 Дарддан қилар эди у шундай фиғон,
 Тошни ёрар эди оҳи бегумон.
 Ҳасратли овози янграб ҳар ёна,
 Бошларди ёш тўкиб мунгли тарона.
 Саҳар шамолидан узилиб тори,
 Ҳар лаҳза ўзгача янграрди зори.
 Ҳар дамда ғамидан чекса бир наво,
 Ҳар патидан янграб чиқарди садо.
 Дегилки, нолалар айларди беҳол,

Ҳар пати титрарди мусиқормисол¹.
 Ехуд бир чанг эди нолайи зори,
 Гўё баданида томирлар тори.
 Патлар устухони гўёки ҳар чоқ,
 Урилар торига мисоли тирноқ.
 Нолаю оҳини эшитиб Мажнун,
 Бўлди ғами билан тамоман дилхун.
 У қанча нолаю фиғонлар қилгай,
 Бунинг жону дили шунча эзилгай.
 Ҳаддан ошганида нолаю зори,
 Қолмади заррача сабру қарори.
 Бошин ерга уриб ўрнидан турди,
 Хожа эшигини мушт билан урди.
 Эй, уйнинг хожаси, айт бу не савдо,
 Жонимдан бу кеча эмасман ризо.
 Бу қушининг не ўзи дарду алами,
 Юракка найзадек ботмоқда ғами!
 Унинг ноласидан кимдир дардинок,
 Кўксим фарёдидан минг бор бўлди чок.
 Бу ғам нағмасини куйлар беомон,
 Қўрқаман, танимдан чиқмасин деб жон.
 Унинг бу навҳаси сирлидир ғоят,
 Менинг дардларимдан қилур ҳикоят.
 Дедик: «Иккита тавқдор кабутар,
 Яшарди куйлашиб бунда бехатар,
 Шу дарахт шохига қуриб ошиён,
 Иккови яшарди бахтиёр, шодон.
 Уясида бирга эдилар ҳамроз,
 Самога жуфт бўлиб айларди парвоз.
 Бирга бориб териб ейишарди дон,
 Булоқдан сув ичиб шоду хиромон.
 Асло бир-биридан чекмасди озор,
 Айрилмай яшарди доим бахтиёр.
 Улар оёғига эртаю оқшом,
 Замона офати солмас эди дом.
 Бундан икки-уч кун олдин битта боз,
 Ов қилмоқ пайида бўлиб ҳийласоз,
 Улар уясига айлади ҳужум,
 Жудо этди солиб уларга зуғум.
 Қанот ёзиб учди шунда ҳар икков,
 Икки томон тўзғиб қочдилар дарров.

¹ Мусиқор — қамишдан учбурчак шаклида йўнилган мусиқа ас-
боби.

Бу қайтиб келдию ўз маконига,
 Лек жуфти қайтмади ошиёнига.
 Маълум бўлмадики, ҳоли не бўлди,
 Тирикми ё бознинг дастидан ўлди.
 Бунинг дарди шуки, фироқда қолган,
 Еридан абадий йироқда қолган.
 Бу хил ҳикояни эшитиб Мажнун,
 Эзилган юраги баттар бўлди хун,
 Бир фиғон кўтарди юраги ёниб,
 Қишлоқ шовқинидан кетди уйғониб.
 Йиғлади шундай деб, менинг ҳам дардим,
 Бундай дарда мендек куймаган ҳеч ким.
 Дарахтнинг тагига бориб ўлтурди,
 Тилсиз улфат билан у суҳбат қурди.
 Деди, маржоноёқ, тумшуклари лаъл,
 Гавҳарни тупроққа сочма ҳеч маҳал.
 Бодомдек бошингу листа қанотинг,
 Йилу ой самода кечар ҳаётинг.
 Кўзларинг ёқуту анбарин тавқинг¹,
 Осмонда учасан тугамас шавқинг.
 Дўстлик оламида ноғорада шай,
 Ғарблик базмида чалганингда най.
 Само гумбазида урсанг ноғора,
 Овозинг янграгай кўкда тобора.
 Бахтсизларга тур деб, урганингда бонг,
 Ғафлат уйқусидан уйғонади тонг.
 Ерабки, айласа сенга иноят,
 Файзу фазлинг эрур кўп бениҳоят.
 Йўқотган нақдингни топгин илоё,
 Олдинги бахтингни топгин илоё!
 Қолгайми саховат этаги пастда,
 Қиёматга қадар бўлиб пайваста.
 Менинг ҳам бошимда бордир бу бало,
 Сенга ўхшаб бўлдим ёримдан жудо.
 Бир умр ёр ила бўлганда ҳамдам,
 Бадбинлардан фориг яшардим хуррам.
 Сирдош яқин эдик, қадрдон эдик,
 Вафо бешигида ёнма-ён эдик.
 Ҳижрондан йўқ эди йўлимизда хор,
 Ғамдан юзимизда йўқ эди ғубор.
 Насиҳатчиларнинг тутилиб тили,
 Ичи қораларнинг эзилиб дили.
 Бир лўчоқ ичида қўш дона эдик,

¹ Тавқ — бўйинбоғ.

Дўст-душман кўзидан пинҳона эдик,
Айём жафо тошин итқитиб қолди,
Бизнинг ўртамызга айрилиқ солди.
Энди-чи, қолибмиз бир-бировдан фард,
Ҳижрон азобида дилимизда дард.
Ҳайҳотки, не десам бу ёлғон эрур,
Ёлғон қуёш нурсиз, зимистон эрур.
Ундан юрагимда лола каби доғ,
Менинг доғимдан ул гулдек кўнгли чоғ.
У ғамдан форигу мен хору муштоқ,
У бировнинг жуфти, мен дарбадар тоқ.
Улким, севиб бўлса ўзгага жонон,
Айрилиқ дардидан эрур бу ёмон.
Дардимнинг қиссаси тўлиб оламга,
У ҳамдам мендан паст ўзга одамга.
Маъшуқа тупроққа кўмилгани соз,
Ағёрнинг қўлида этганича ноз.
Мева ерга тушиб ётгани созроқ,
Олиб қочганидан кўра уни зоғ.
Бундай деб, сел бўлиб оқди кўздан хун,
Ичидан дил қони чиқарди бурун.
Уйнинг эгасидан айрилиб шу зум,
Қайга кетганлиги бўлмади маълум.

**Лайли ўз ихтиёри билан турмушга чиқмаганлиги,
аммо бу ота-онаси таклифига кўра бўлганлигини
айтиб, узр сўраб Мажнунга мактуб ёзгани**

Битиклар сандиғин очиб муаллиф,
Бу сўз гавҳарини айлади таълиф.
Шараф садафидан жудаям йироқ,
Тўққиз садафга ул нур берар чироқ.
Ул санамки, эрди тахтиравонда,
Гўзаллик қасрида танҳо жаҳонда.
Фалакда ой унга зиндоний бўлмиш,
Ул ою қуёшнинг макони бўлмиш.
Буюклик ҳарамин ёритгувчи шам,
Буржда сайёрадек эрур муҳташам.
Биёбонда оҳу, ҳовлида ғизол,
Мунчоғи парвину халхоли ҳилол.
Ўзганинг ипига тақилиб ул дур,
Бир шохнинг тожида сочаётир нур.
Яъники, ўз жуфти тоқдир ойсимон,
Гўзалликда эди машҳури осмон.
Қилган ишларидан доим кетиб зил,

Севгани олдида бўларди хижил.
Кўрдикки, қилмасин дея у гумон,
Шу хаёл кўнглига солди ғалаён.
Севганидан гўё кечиб беқарор,
Қовушди ўзгани айлаб ихтиёр.
Унинг суҳбатида топмоқда ором,
Шакар лабин қўйиб оғзига мудом,
Мурод хазинасин очиб йўлига,
Унинг калитини бермиш қўлига.
Тадбир тополмади бундан ўзга хил,
Бу дарддан эзилар эди муттасил.
Узун саҳифада айтса ошқора,
Безаб зулфи каби айласа қора.
Қонли кўз ёши-ла айласа таҳрир,
Ҳар киприк учидан томар бирма-бир.
Унвони дард эди мазмунисимон,
Кейин юборди ул Мажнунга томон.
Айтди ул дардидан бедаволигин,
Ёлғизу ғарибу бенаволигин.
Кўнглида бор ўшал ҳасрат ила ғам,
Ортиб борар эди, бўлмас эди кам,
Ёрига сўзласа токи шикоят,
Озурда кўнглидан айлаб ҳикоят.
Ўзига варақдек дардин битарди,
Иши шундоқ эди, юракда дарди.
Хотирига келгач унинг бу орзу,
Ғамли мактубини шундай ёзди у:
Худо номи бирла қилдим ибтидо,
Таскин бергай ғамгин ошиқларга то,
Гўзаллар қошидан тузади камон,
Ғамза ўқларидан фитнаю исён.
Гулни яшнатувчи қизлар рухсори,
Муштоқларнинг янграр булбулдек зори.
Дардмандлар дардига бергувчи даво,
Ошиқлар кўнглини айлар мусаффо.
Дилу динни ёқиб барқи жамоли,
Кўзларни яшнатар субҳи висоли.
Мактубнинг бошида дея инчунон,
Сўнгра ўз ҳолини айлади баён.
Бу мактуб янги бир ишқий дostonдир,
Ёридан севикли ёрга равондир.
У қолиб йироқда бахтсиз, номурод,
Бу суриб саҳрою водийларда от.
Ул оёқ қўйган жой дашти надомат,
Бу кезган кўчалар эса маломат.

Йўқ, йўқ, хато қилдим, берманг эътибор,
 Кўпроқ шакарғуфтор бўлмоғим даркор.
 Яъни мен тузоқда қолган муштипар,
 Сен домдан қочганга йўллайман хабар.
 Эй, кечиб дўстлардан олиб кетдинг бош,
 Сахро охулари сен билан йўлдош.
 Сенинг дардиндан то бўлгунча огоҳ,
 Учдан икки сўзи унинг эди оҳ!
 Яқинларни ташлаб қочдинг инчунон,
 Чопганингни кўриб ҳасадда қулон!
 Менга томон яна бир марта югур,
 Ҳасаднинг гўрига келиб олов ур.
 Эй, ҳар бир қўтосга кўзинг бўлар нам,
 Юрагингда ётар тоғдек оғир ғам.
 Узини бу ғамдан қутқарса агар,
 Саломат қолмоғи унинг муқаррар.
 Эй, атлас кўрпалар сендан йироқда,
 Енбошлаб ётасан тошу тупроқда.
 Биздан йироқларда, энди ҳолинг не?
 Тошу тупроқларда энди ҳолинг не?
 Ким билан қўясан бир ёстиққа бош?
 Тунлари ким эрур сенга ёстиқдош?
 Бағрингга ким кирар тун келган маҳал?
 Ким сенинг лабингдан сўради асал?
 Ким роҳат бағишлаб бўлади ҳамдам?
 Жароҳатингга ким қўяди малҳам?
 Тунлар оёғингга ким қарар экан?
 Сенинг товонингдан ким терар тикан?
 Ким ёзар дастурхон чоштгоҳ ёки шом?¹
 Улфатинг ким сени ғайри даду дом?¹
 Буларнинг барига шукр этгил фақат,
 Мен каби сийнангда йўқ эрур ҳасрат.
 Бу қандай ҳасратки, тоғлар каби ғам,
 Ҳар зарраси оғир тошу тоғдан ҳам.
 Ота насиҳати, она жафоси,
 Яна бошоғриқдир эр можароси,
 Кеча-кундузлари ҳатто бирор он,
 Олдимдан бир нафас жилмайди посбон.
 Йўлингга қараб «уф» тортсам баногоҳ,
 Сўрайди, ким учун чекасан деб оҳ.
 Йиғлаган чоғимда куйдирар ҳижрон,

Дейдики, йиғлашга бермадим фармон.
 Хонадан ташқари қўйганда оёқ,
 Дейдики, эшикдан чиқмагин мутлоқ.
 Булоққа юзланган чоғимда қургур,
 Дейдики, булоқдан юзингни ўгур.
 Даштга чиқар бўлсам агар у ҳар чоқ,
 Дейди: токай ахир юрасан шундоқ?
 Ноз бирла гулимни яшнатиб даврон,
 Қасос хори бирла айлади хазон.
 Мен эрга тегмоқчи эмасдим зинҳор,
 Бу ишда йўқ эди менда ихтиёр!
 Ота-онам қилди бу ишни, инон,
 Улардан дилимга санчилди тикон.
 Ҳар ким, сенинг гулдек юзингни кўрса,
 Сабодан хушбўйинг ёки уфурса,
 Қачон ўзгасига бўлур маҳлиё,
 Тубанлар суҳбатин кўнгли тусар ёр!
 Мен билан ёстиқдош бўлмаган ҳаргиз,
 Бақамти бошма-бош бўлмаган ҳаргиз!
 На келиб энгимдан ушлай олади,
 На қучиб кўнглини хушлай олади.
 Васлимга етолмай харобу маҳжур,
 Гоҳида узоқдан кўради бир қур.
 Бу ғамдан тун каби қоронғи кун,
 Оздириб бормоқда қилдек ранж уни.
 Ҳар тарафдан етиб қайғу муттасил,
 Яқинда шубҳасиз узилгай бу қил.
 Бу қил миш-мишларга эрур баҳона,
 Орадан узилса яхшидир яна.
 То сенинг юзингни бениқоб кўрсам,
 Сенинг қуёшингни бесаҳоб¹ кўрсам!
 Нома бўлди шундоқ ниқобда бунёд,
 Лек охир ниқобин айлади барбод.
 Мухр уриб хатни айлади тамом,
 Мимнинг ҳалқасидек бўлди, вассалом.
 Ошиқнинг айшидек қутига жойлаб,
 Кўрмасин деб, бадбин рафиқин пойлаб.
 Қонли кўзи бирла айлади иншо,
 Қодир оллоҳига айлаб тавалло.
 Хижрон кўчасига бу мубталодан,
 Жудолик юртига шаҳри балодан,
 Жонига тўйгандан сўраса хабар,

¹ Даду дом — йиртқич ва беозор ҳайвонлар,

¹ Саҳоб — булут.

Жонини аямай берар бехатар.
Унга етиб бориб мактуби вафо,
Билсин ўз асири аҳволини то.

Қосид Лайли мактубини олиб боргани ва Мажнун номани ўқигани

Лайлининг мактуби хуш бўй таратар,
Этагу ёқаси бўлди муаттар.
Чодирдан кўзгалди излаб хабарчи,
Ташқарига чиқди қад ростлаб гарчи,
Бир-икки каниз-ла ул сарви равон,
Тоғлар каклигидек бўлди хиромон.
Чодирни ўрнашган жой эди ўтлоқ,
Нарёқдан шилдираб оқарди булоқ.
Кумуш сувлар жўшиб ҳар ён тўлғонар,
Ундан саҳройилар чанқоғи қонар.
Чашманинг бошига келиб қидирди,
Еридан ўзгадан тамом юз бурди.
Утирди, валекин ўзни унутиб,
Чашмадек йўлга у турди кўз тутиб.
Бирор киши йўлдан чиқса мабодо,
Унинг илтимосин айлагай бажо.
Ғубор кўтарилди йўлдан ногаҳон,
Туяда келарди шошиб бир ўғлон.
Не елу валекин учарди елдек,
Не селу валекин шошарди селдек.
Ҳали кўзи тушмай гўзал санамга,
Ҳожидек ёпишди оби замзамга.
Этагидан силкиб йўл ғуборини,
Чўқтирди бир четга туя-норини.
Хизрдек булоққа қовушиб лаби,
Сув ичиб ўтирди сўнг Хизр каби.
Қайдансан?— деб Лайли сўради савол,
Дўстлик бўйи сендан келмоқда хушқол.
Дедики, маконим Нажд тупроғи,
Қўрар кўзларимнинг Нажд қароғи.
У тупроқдан менинг қорилди лойим,
Гулдек кўнглим яшнар у ерда доим.
Лайли дедики, бир иқболи нигун,
Номи Қайс эдию лақаби Мажнун.
Уша юртда юрғай хору саргардон,
Ғам чекиб, мотамда ғариб, нотава.
Борми ҳеч у билан танишган онинг?
У билан сўзлашга борми имконинг?

Деди: «Ҳа, у билан дўсту ҳамдамман,
Садоқатда унга собитқадамман.
Доим хизматига юргум бел боғлаб,
Юраман юпатиб, кўнглини чоғлаб.
Ҳар жойда бўлсам ҳам дуо қиларман,
Худодан кўнглига таскин тиларман.
Лайли сўрадики, қандай аҳволи?
Деди, ишқ дардидан етди заволи.
Одамлардан қочиб юради мудом,
Ҳайвонлар ичида олади ором.
Гоҳ бир тош устида бўлса ғазалхон,
У тошни этгуси кўз ёши алвон.
Гоҳи ғор ичидан чиқади зори,
Унинг чеҳрасида ғамнинг ғубори.
Лайли деди, билсанг айт, донишманд,
Қимнинг ишқида у эрур бундай банд?
Деди: «Ҳа, Лайлининг ёдида гўё,
Кўзидан ёш оқар мисоли дарё.
«Лайли!»— дея ҳар он кўтаради бош,
«Лайли!»— дея тўкар кўздан қонли ёш.
Ҳар не қўйса фалак дастурхонига,
Фақат бу ном озиқ унинг жонига.
Унинг тилидадир доимо бу ном,
Тилида такрорлар бу сўзни мудом».
Лайлининг кўз ёши оқди қонталош,
Кўнглида яширин сири бўлди фош.
Дедики, мендирман муроиди жони,
Номимни зикр этгай доим забони.
Менинг дастимдандир сийнасида доғ,
Менинг хаёлимдан дилида гулбоғ.
Юрагини сўзон этгучи менман,
Қунини нурафшон этгучи менман!
Мен ҳам жондан унинг харобидурман,
Ғами оташининг кабобидурман.
У бехабар ҳолим хароблигидан,
Ҳамда жигар-бағрим кабоблигидан,
Жоним фидо бўлсин эпласанг агар,
Мендан етказолсанг унга бир хабар.
Қон билан ёзилган бир мактубим бор,
Ичу таши бир хил қонлиғ оҳу зор.
Истардимки, элтсанг кўрсатиб мадад,
Етказиб қўлига топширсанг фақат.
Агарда айласанг яна садоқат,
Ундан келтиргайсан менга жавоб хат.
Бир дард етказсангу, келтирсанг бир доғ,

Бир шам оборсангу, келтирсанг чароғ.
 Урнидан қўзғалган чоғи жавонманд,
 Деди, сен туфайли Мажнундағи дарди!
 Сенга жону дилдан айлаб илтифот,
 Мактубингни унга етказаман бот.
 Ундаги ҳар бир сўз Мажнунга лазиз,
 Жонига тенг балки ундан ҳам азиз,
 Бундан ортиқ бўлмас ахир марҳамат.
 Унга мактубингни етказгум албат.
 Лайли кўнгли бўлиб қайғулардан шод,
 Қўйнидан мактубни олди шу заҳот.
 Унга орзу билан ўради чунон,
 Бир тола сочига қўшиб у сомон.
 Яъни, сендан жудо бўлдим у дариг,
 Соч каби зорману, сомондек сариг.
 Қосиднинг қўлига тутқазиб шу он,
 Юборди севикли ёрига томон.
 Қосид мактубини олдию турди,
 Туясига миниб, жиловин бурди.
 Туя тушган эди Мажнун роҳига,
 Борарди Мажнуннинг қароргоҳига,
 У жойга етгани чоғи бенуқсон,
 Излади югуриб уни ҳар томон.
 Ундан топа олмай у ерда асар,
 Бу ғамдан жигари ўртанди баттар.
 Тошлар соясига ташлади қадам,
 Эҳтимол у ерда олмоқдадир дам.
 Кўрдик, ётарди маст каби беҳол,
 Гўё ақлу ҳушин совуриб шамол,
 Ухламаган, лекин кўзин беркитиб,
 Уйғоқ эди лекин ўзидан кетиб.
 Ўликдек ётарди ерда беармон,
 Жасади кўринар мисоли бежон.
 Ою қуёшни ҳам сезмасди буткул,
 Бу ёруғ дунёни унутганди ул.
 Кечиб ошиқликнинг даъвосидан хор,
 Ҳамда маъшуқликни қилмай ихтиёр.
 Севги денгизига бўлган эди фарқ,
 Ишқдан бошқасини қилмас эди фарқ.
 Қосид унга қилди бир қанча ҳийла,
 Қўзғатмоқчи бўлиб, уринди хийла.
 Қилган ҳийлалари этмас эди кор,
 Бақариб ҳам кўрди охири ночор,
 Туякашлар каби қилганда наво,
 Тоғларда янгради бир акси садо.

«Лайли!»— дея ҳамон ҳудо¹ қиларди.
 У шайдога қараб нидо қиларди.
 Таъсир қилган эди унга ушбу ном,
 Эшитиб ўзига келди батамом.
 Деди: Сен кимсану бу исминг недур?
 Бу номни сўзлашдан тилсиминг недур?»
 Дедик: «Лайлидан келтирдим хабар,
 Лайли танҳо менга солгайдир назар.
 Лайли эрур менинг жоним улфати,
 Қонли кўзларимнинг кўрар қуввати».
 Дедик, сақламай заррача адаб,
 Мушқу гулоб билан ювмай туриб лаб,
 Тилигга номини олиб ҳар нафас,
 Нечун такрорлайсан айтгил басма-бас?
 Лоф урди мен унинг тилидирман, деб,
 Таржимони гўё дилидирман, деб.
 Мана қўлимдадир ундан марҳамат,
 Яширин дур каби сенга келган хат.
 Унинг мактубидир, туриб ола қол,
 Қалами учидан томган шарҳи ҳол.
 Мактуб деганини эшитиб Мажнун,
 Югурди чидолмай қошига дилхун,
 Наздида бенаво билиб ўзини,
 Олди қўлларида вафо сўзини.
 Хат бошида ёрнинг номини кўрди,
 Аввал ўпиб, кейин кўзига сурди.
 Висол хушбўйидан яйраб димоғи,
 Унинг шамолидан ўчди чироғи.
 Ақлу ҳушдан кетиб йиқилди шу чоқ,
 Кўрмас эди кўзи, эшитмас қулоқ.
 Бехудликдан келиб ўзига яна,
 Бу шавқли нағмани қилди тантана,
 Бу мактуб эрурким мурод гунчаси,
 Ечилди упдан юз дил тугунчаси.
 Вафо дастурхони узра бир таом,
 Бўлибдир мен каби фақирга инъом.
 Бошдан-оёқ эрур мушқдек беғубор,
 Ёр зулфидан гўё таратар ифор.
 Ошиқлар кўнглининг туморидир бу,
 Мубталога кўнгул изҳоридир бу.
 Севгилим қўлидан менга етгандир,
 Саодат қалами буни битгандир.
 Ёри мактубини очгани замои,

¹ Ҳудо — туякашлар қўшиғи.

Бошлади дафъатан ўзга бир дoston.
 Бу нома номамас, бир навбаҳордир,
 Орзу боғидаги бунафшазордир.
 Қўнгулни эркалаб ёзгувчи қалам,
 Мактуби дилимга бўлгуси малҳам.
 Дилкаш сўзлар унда зикр этилган,
 Орзу мактубида бир-бир битилган.
 Анбар чумолидек гўё битиклар,
 Оплоқ саҳифада қаддини тиклар.
 Ҳар чумоли унда уяси томон,
 Ошиқлар дилини элтар мисли дон.
 Дилнавоз мактубдан ҳар сўз хулоса,
 Мисли шавқ бергувчи май тўла коса.
 Ундан ҳар томчи май ичганда қаққос,
 Ўрнидан қўзғалиб бўларди раққос.
 Битиклар кўринар эди ошкоро,
 Соф мушкдан силсила янглиғ дилоро.
 Унинг ҳар занжири мисоли каманд,
 Минглаб оқилларни этар занжирбанд.
 Уқиб бўлган чоғи мактубни хоксор,
 Жон каби бўйнига айлади тумор.
 Қосид қараса ул ўрнидан турди,
 Қосид ундан мактуб жавобин сўрди.
 Деди, қандоқ ёзай жавобин бу он?
 Юзимга ёзайми, қўздан тўкиб қон?
 Қоғозу қаламдан қўлим маҳрумдир,
 Бармоғим қаламу қоғозим қумдир.
 Қосид туясига миниб шу замон,
 Ахтарди атрофин кезиб саргардон.
 Жаҳд ила ҳар ёндан излади шошиб,
 Тунда бир қишлоққа борди тоғ ошиб.
 Бу қишлоқдан унинг ҳожати битиб,
 Турди қаро туниин ёруғ кун этиб,
 Ўз йўлига қараб равон бўлди боз,
 Ёзишга келтирди қаламу қоғоз.
 Мажнун саҳифага урганда қалам,
 Сўз аввали шундоқ ёзилди рақам.

Лайлининг мактубига Мажнуннинг жавоб ёзгани

Қўлга қалам олиб дилхаста Мажнун,
 Севги номасини бошлади дилхун:
 Омонлик мактубин ибтидоси бу,
 Маъно саҳифасин иқтибоси бу,

Худонинг номига бўлди ибтидо,
 Ҳар чигалга эрур у мушкулкушо...
 Мактуб дебочасин тугатгани он,
 Айлади яра дил розини баён,
 Бу саҳифа тўлиб илтижосига —
 Дилхаста ёридан дилнавозига.
 Мани тиканзорда ётгандан малул,
 Сенга қараб борар, эй очилган гул,
 Эй, баҳор мисоли яшнаган хандон,
 Лекин ошиқларга эрурсан армон.
 Эй боғ, лекин сенда ватан қурган зоғ,
 Барчага марҳаму менинг учун доғ.
 Эй, ернинг юзида ғазнадек пинҳон,
 Ўзгалар этагин этиб ганжга кон.
 Булутсан валекин ҳаётда мутлоқ,
 Сендан етар менга ёмғирмас, чақмоқ!
 Барчанинг экини сендан урар барқ,
 Қон билан тупроққа мени этдинг ғарқ.
 Менга шудир сендан келган иноят,
 Қуйди чақмоғингдан вужудим ғоят!
 Бахти куйганларга айлаб тараҳхум,
 Эҳсон зилолидан юбор бир қултум!
 Эй, оби ҳаётнинг зилол булоғи,
 Билсанг бир ташнанинг сенда дудоғи.
 Ул ташна сувингдан ичиб тўйгандир,
 Менинг ташна дилим эса куйгандир.
 Чашманинг бошига Хизр етса гар,
 Де, ўлсин сувсираб юзлаб Искандар.
 Ул сувдан Искандар қолганда чанқоқ,
 Ё мушкдек юраги куйиб бўлса доғ.
 Қачон баҳра олгай мендай бир гадо,
 Ҳижрон зулматига бўлиб мубтало?!
 Сенинг мактубингни олганда ул дам,
 Вафо атри эди унда мужассам.
 Қўзимга суртганда тирқиради қон,
 Қўксимга жойладим бамисоли жон.
 Хаста юрагимга тумор айладим,
 Очликда танимга мадор айладим.
 Ҳар вафо ҳарфини ўқиган замон,
 Қўз ёшим тўкилди мисоли маржон.
 Ҳар амал нақшини кўриб бедаво,
 Қўксимдан янгради ғамли кўп наво.
 Унда кўп сўзларни ёзган эдинг сен,
 Юз ҳийла чоҳини қозган эдинг сен.
 Мен учун бўлибсан жуда ғамгусор,

Бундан менинг ғамим бўлибди бисёр.
 Дебсанки, бошимда токи бордир ҳуш,
 Ҳаргиз айламайман сени фаромуш.
 Бировнинг бағрида, бўлурми инсоф
 Ўзганинг ишқида киши урса лоф!
 Бошқа билан лабинг қовушган жойда,
 Мени ишонтирмоқ бўлсанг — бефойда.
 Дейлик, сенда йўқдир зарра каму кўст,
 Тилиннга олганинг барчаси дуруст.
 Мискин ошиқ эса бадгумон эрур,
 Ҳар лаҳза асири юз гумон эрур.
 Ҳар шубҳа олдида бир далил каби,
 Ҳар ўлик пашша бир тирик фил каби.
 Тоғ деб гумон қилар кўринса сомон,
 Ғамдан юрагига тоғ тушгансимон.
 Чумолидан қилур илон деб ваҳм,
 Озурда жонига етур юз захм.
 Ер томига агар қўнса бирор қуш,
 Донлаб юрганидан бўлади беҳуш.
 Ул қушдан кўнглига чўкади ғубор,
 Демак, ёрга мактуб йўллаган ағёр.
 Дебсанки, бўсага тутмай дудоғим,
 Уни йўлатмагай менинг қучоғим.
 Бу дард етмасмиди эртаю оқшом,
 Ҳамсуҳбатинг бўлса у бахтсиз мудом?
 Мен йиллар юзингни кўрмасман зинҳор,
 Мевангдан умримда тотмадим бир бор,
 Ҳар куни у минг бор ташласа назар,
 Ҳар лаҳза орзуи бўлса муяссар,
 Дебсанки, дард ила эрур поймол,
 Ғуссаю ғам билан топади завол.
 Ҳадемай орадан кетади бутун,
 Шамолда таралиб мисоли тутун.
 Агарда у кетса, сенга не кам? Ер?!
 Нима кўп? Сен учун баридан хуштор?!
 Анжир бутасидан учиб кетса зог,
 Бошқа юз қуш келар агар бўлса боғ.
 Сендан орзуйига етолмай мардум,
 Ундан фақат бир мен эрурман маҳрум!
 Шундоқ ёруғ куним келмагай яқин,
 Ноумидлик ила хурсандман тагин!
 Бу ғамда айласанг яна номурод,
 Барча умидларим бўлади барбод.
 Мен хастадан йироқ бўлсанг ҳам агар,
 Ўзгаларни бахтли қилганинг етар.

Истасанг, ҳар неки келар бунёдга,
 Истасанг, душманлар етар муродга!
 Уларнинг орзуйи бўлса аъмолинг,
 Уларники бўлсин доим висолинг.
 Ҳар пўчоқни севиб қилсанг илтифот,
 Уни пўчоқ дема, бўлади уёт.
 Сен билан дўстлашса мағз бўлур пўчоқ,
 Пўчоқ деб атамоқ ярашмас мутлоқ.
 Агарда бировни севар бўлсанг ёр,
 Менга ёқмаганда, қилма эътибор.
 Ҳар кимга сеvimли бўлсанг, малагим,
 Фақат эзгуликдир сенга тилагим.
 Ошиқ дўсти учун куйса умрбод,
 Яхшидир, дўстини этса агар шод.
 Ўз истакларидан мангу юз бурса,
 Унинг бахти учун доим югурса.
 Орзу талабидан муҳаббат йироқ,
 Ошиқ ўз дардини ўйламас бироқ.
 Севинчдан ғамгину қайғу билан шод,
 Бўлди бахтсизликнинг кўйида барбод.
 Мен сендан қанчалар сеvimмай, дилдор,
 Орзум ушалмади лутфингдан бир бор.
 Кўнглинг замонадан доим шод бўлсин!
 Бахтинг бу оламда умрбод бўлсин!
 Дўстларинг, ҳамдаминг бўлсин илойим,
 Мен ўлай, сен эса яшагин доним!

**Лайлининг эри бемор бўлиб, унинг висолидан
 маҳрумлик доғида вафот этгани**

Бу шеърый дostonни яратган шоир,
 Орага келтирди шундай асотир.
 Ул каъба мисоли ҳуснда танҳо,
 Чиний санамлардек эди дилоро.
 Яъни Лайли ўшал — қамалдаги ой,
 Қамар буржи олар юзидан чирой.
 Ўзининг эрига итob айлади,
 Яхши гапга ёмон жавоб айлади.
 Унга йўл бермади амал дуржига¹,
 Қанотин синдирди умид буржида.
 Унинг-чун очмади мурод вароғин,
 Бостирмай сафҳага муҳрининг доғин.

¹ Амал дуржи — қизлик иффати.

Бу ғам бечорага кўп оғир ботди,
 Касалга чалиниб сўнг узоқ ётди.
 Жонининг балоси бўлди у висол,
 Фойдасини кўзлаб у топди завол.
 Васлига етиб ёр бўлмаса ҳамдам,
 Бундан ошиқ кўнгли чекади минг ғам.
 Абадий жаннатга тикилиб йироқ,
 Мева узолмаса боғидан бироқ.
 Дўзахда мўлтираб турганга магар,
 Оташ азобида куйгандан баттар.
 Қайғудан тинмай у сипқариб чоғир,
 Касали кундан-кун бўларди оғир.
 Ҳарорати ошиб куйди беомон,
 Томири урарди суст ва бедармон.
 Табиб томирига тегирса бармоқ,
 Томирдек қўлига тушарди титроқ.
 Дегилким, набзини ушлагани дам,
 Қўлини куйдирар эди мисли шам.
 Доно табиб келди қошига гўё,
 Барча дардларига бергудай даво,
 Уни даволашга излади малҳам,
 Йўқ эди даволаш чораси ҳеч ҳам.
 Юзлари сарғайиб бўлганди хазон,
 Кунни битиб эди, ўлими аён.
 Шундай бир-икки кун чекиб изтироб,
 Бечоранинг бўлди аҳволи хароб.
 Марҳаматин дариг тутмади худо,
 Уни азоблардан қилди Мосуво.
 Шу билан тугади сўнгги нафаси,
 Жондан жудо бўлди кўкрак қафаси.
 Бу оламдан бўлиб жон қуши халос,
 Поклик дунёсига айлади парвоз.
 Мангуликка кетди жон узиб маҳзун,
 Ким бор бу оламга бўлгувчи устун.
 Инсон вужудида бўлса агар жон,
 Бир кун азоб билан чиқмоғи аён.
 Жаҳонда дард чекиб яшайсан бир оз,
 Кейин қийноғидан бўласан халос.
 Яшасанг азобдир, ўлсанг аламдир,
 Э воҳ, бу дунёда ғам узра ғамдир!
 Бу дарддан ҳар кимки чекинмоқ бўлур,
 У ўз ўлиmidан олдинроқ ўлур.
 Бу дард масканидан тур, кўзингни оч,
 Бу ёзув душмандан вақт борида қоч!
 Бу тонгнинг оқию шомнинг қароси,

Шўху ўжарларнинг макру риёси.
 Бирови алдайди сенга бериб зар,
 Бирови тутқазиб бир сиқим гавҳар.
 Мангу хазинадан айлағай жудо,
 Абадий азобга этиб мубтало.
 Уларга алданма, доим бўл хушёр,
 Зебу зийнатига учмагин зинҳор.
 Лайлики, Мажнуннинг дарду доғида,
 Ғунчадек дили қон ёр фиругида.
 Эри ўлимини баҳона қилиб,
 Фарёдлар айларди кўксини тилиб.
 Кўксида тугундек ётгувчи ул оҳ,
 Сабру тоқатини ёқарди, э воҳ.
 Эри мотамида дилини очди,
 Яширин ғамларин шамолга сочди.
 Йиғлаб у «дўст» дея қилганда фиғон,
 Дўсти фироқида тўкди кўздан қон.
 Эри ўлимига куймасди бир зум,
 Ўзга хаёлида йиғларди юм-юм.
 Мотам либосида юргани кўйи,
 Идда¹ тутар эди у умр бўйи.
 Қайғу тўшагида тунда ёнбошлаб,
 Тонггача чиқарди кўзини ёшлаб.
 Кундузи ўртаниб чекарди фиғон,
 Оҳи оташидан куярди жаҳон.
 Ишқи юрагида қурғанди хона,
 Эрининг ўлими бўлди баҳона.
 Умри ўтар эди йиғлаб шу ҳолат,
 Эл тили тийилди қилмай маломат.

**Лайлининг эри вафот этгани ҳақидаги хабарни
 Мажнун эшитиб йиғлагани ва қосид унинг нима
 сабабдан йиғлаганини сўрагани**

Ул ақлу хушини йўқотиб бутун,
 Мажнуннинг қошига йўл олди бир кун.
 Лайлию эридан келтириб хабар,
 Шайдойи ошиқни ўртади баттар.
 Истар эди унга айлабон карам,
 Ул яра кўнглига бахш этса малҳам.
 Эри ўлганини эшитган замон,

¹ И д д а — эри ўлган ё талоқ қўйилган хотин тўрт ою ўн кундан сўнг эрга тегиши мумкин.

Иўл олди дараю тоғларга томон.
 У изсиз кетгани қидириб чопди,
 Ишнинг оқибати дарагин топди.
 Деди, мен келтирган бир башорат бор,
 Сенга айтсам шундоқ бир ишорат бор.
 Тиканки, йўлингда ётгувчи эди,
 Жонингга беомон ботгувчи эди.
 Йўлингдан учирди ажал шамоли,
 Ундан асар қолмай етди заволи.
 Яъни куёв бўлмиш дилрабо йигит.
 Кетди бу дунёдан буткул ноумид.
 Ушбу ғамхонани мангу тарк қилди,
 Бу умру манзилни сенга деб билди,
 Унинг ўлганини эшитиб Мажнун,
 Бу ғамли қиссадан бўлди кўп маҳзун.
 Уртаниб қолмади дилида бардош,
 Баҳор булутидек кўздан тўкди ёш.
 Хабар келтиргувчи сўрарди ҳайрон,
 Йиғлаши бойсин тушунмай бу он.
 Деди: Эй ошиқлар орасида шоҳ,
 Пинҳон ишқ сиридан эурсан огоҳ!
 Никоҳи қиссасин эшитганинг дам,
 Ёқангни чок этган эдинг чекиб ғам.
 Селдай кўзларингнинг тўкилиб қони,
 Қонга ғарқ айлаган эдинг дунёни.
 Бугун ўлганини эшитиб ғоят,
 Тинглаб жон бергани ҳақда ривоят.
 Дафъатан оҳ уриб, бағринг тигладинг,
 Ҳам яна ўртаниб зор-зор йиғладинг.
 Бу икки ҳолатда қандайдир сир бор,
 Менинг фаросатим етмагай зинҳор!
 Деди, йиғлашимнинг боиси ул дам,
 Никоҳи жонимга этганди ситам.
 Қим жони ғамида тўкмаса кўзёш,
 На одам, у эрур балки ҳиссиз тош.
 Бугун шу боисдан йиғларман яккаш,
 Жонимнинг ичига тушибдир оташ.
 На танҳо бой берди сийму зарини,
 Ахир у ютқазди бугун барини.
 Барчадан кечиб жуфт — мақбули бўлди,
 Янги очилган гул булбули бўлди.
 Унга ҳамхонаю ёнма-ён эди,
 Юзидан кўзлари чароғон эди.
 Ўлди висолига етолмай маҳрум,
 Бўлди жон узишга ғамида маҳқум.

Мени хаста жигар дилим бўлиб танг,
 Ундан йироқдаман неча минг фарсанг.
 Кун бўйи кезаман сарсон диёрда,
 Ҳар тун оромгоҳим бўлар бир ғорда.
 Висол бизлар учун бир хомхаёлдир,
 Ҳатто яқин бормак амримаҳолдир.
 Фақат маконимиз эрур бир жаҳон,
 Тепамизда битта айлана осмон.
 Бир замин устида ташлаймиз қадам,
 Бир замин ичида топамиз барҳам.
 Билсанг-чи, қандайин мен зор ўлурман,
 Ҳижрон тўшагида мен хор ўлурман.
 Менинг кўзларимда намоён ул кун,
 Кўксимдан ловуллаб чиқади учкун.
 Ёримдан жудою ағёрдан йироқ,
 Тошу тупроқ ичра йиқилгум ғамнок.
 Сахро оҳусидан ўзга ҳамдам йўқ,
 Бўрию тулкидан бошқа маҳрам йўқ.
 Мастога ул оҳу ҳасратида ман,
 Оламдан афсуслар билан ўтаман.
 Оғушимга тортиб бирор оҳуни,
 Ҳушимдан кетаман доғида уни.
 Кейин баданимдан узилганда жон,
 Менинг ўлимимга кулади жаҳон.
 Оҳулар марқади[†] ичидан зўрга,
 Мени олиб келиб қўйишар гўрга.
 Ул саркаш оҳудан чекиб надомат,
 Гўримда ёгурман мен то қиёмат.
 Унингким қисмати шудир, на чора,
 Жону дили бўлса қайғудан пора.
 Душман ўлиmidан унга не мурод,
 Ҳаргиз ўлимидан бўлмагай у шод!
 Ул ранжни ўзимга кўрмасам раво,
 Бошқаларга етса нечун кулай, о?!
 Бу чархи ситамгар қўймагай омон,
 Киши навбатини унутгай қачон?
 Кеча душманимни этибдир забун,
 Жонимни олгуси мени эрта кун.
 Биров ғамидан шод? Ундан ўлмоқ соз!
 Унинг азобига ҳамдард бўлмоқ соз!
 Бу дунёда борки ақлли одам,
 Бировнинг ғамидан севинмас ҳеч ҳам!

[†] Марқад — оромгоҳ.

Шундай деб, алвидо айтиб ул турди,
Йўл босиб келгандан узрлар сўрди.
Қабила сари ул бўлди равона,
Шеру оҳу билан қолди бу яна.

Мажнун Лайли диёрига боргани ва унинг кўчасида кўрган бир ит билан сўзлашгани

Дурдона сўз бирла айлаб ҳикоят,
Қиссага жо этди шундоқ ривоят.
Уткинчи дунёда тентираб нохуш,
Қолмади заррача унда ақлу ҳуш.
Даҳшат шамолидан кемаси синган,
Ноилож бир синиқ тахтага минган.
Душмани ўлими ҳақидаги гап,
Хайрихоҳ дўстидан етганида зап,
Билдики, йўлидан кетган эди гов,
Ёр васли яқиндек туюлди дарров.
Беланчақда ою посбони йўқдир,
Энди очилган гул хазони йўқдир.
Жонон кўчасининг шавқида чунон,
Миниб йўрғасига кетди ул чаққон.
Ишқи туғёнида яраб корига,
Етказди вафодор ёр диёрига.
Ҳар томон кезарди сарсону ҳайрон,
Изларди ёридан бирорта нишон.
Ногаҳон узоқдан кўринди бир ит,
Югуриб елмоқдан бўлган таъби хит.
Ҳам унинг оёғи мадорсиз, толган,
Панжалари овга ярамай қолган.
Қўтиру жуни йўқ, ўзи тасқара,
Ваҳшийлар тишидан бадани яра.
Ҳолсиз нафас олиб ётарди зўрға,
Биқиндан кўринар ҳар бир қовурға.
Гўё бир қоп эди, тўла устухон,
Ёки сёй ўқига тўла бир қарбон¹,
Думида йўқ эди бир дона ҳам тук,
Илондек буралиб ётарди хунук.
Энди қайда унга суяк кемириш,
Йўқ эди оғзида бирорта ҳам тиш.
Очликдан танида қолмагач мажол,
Тишларини еган устухон мисол.

¹ Қ а р б о н — ўқдон.

Қўп эди танида битмас жароҳат,
Инграрди оғриққа қилолмай тоқат.
Ҳар тешиқ жароҳат бир оғизсимон,
Вафодор тил эди унда намоён.
Оғиздан кўринган тиш каби мутлоқ,
Кўзга ташланарди суяклари оқ.
Йўқ, йўқ, илма-тешиқ териси бироқ,
Эди юзта чуқур ўйилган тузоқ.
Тузоғига оҳу ўрнида бетин,
Илиниб турарди пашшаю чивин.
Бошида кеккайиб турар бир тулки,
Уни қилар эди масхара, кулки.
Шеру йўлбарс тутгач қўзғалиб дадил,
Бечора тулкининг терисини шил!
Токай ҳар қаерда ётасан урён,
Бир пўстак эгаси бўласан қачон?
Мажнун ит юзини кўргани маҳал,
Унга томон ўқдай отилди жадал.
Пойига бош қўйиб соя каби хор,
Ўпди оёғининг гардидан юз бор.
Остига сув сепди йиғлабон юм-юм,
Тагига тўшади юмшоққина қум.
Бошига тиззасин ёстиқ айлади,
Меҳри соясини тортиқ айлади.
Меҳри сояси-ла бериб роҳатин,
Ювиб кўз ёши-ла тан жароҳатин.
Юзу кўзларининг чангини ювди,
Ҳамда талаётган пашшасин қувди.
Уни эпақага солиб батамом,
Эркалаб суҳбатин айлади давом,
Эй, тавқи вафодир бўйнингда занжир,
Шерлар сени кўриб титрагай дир-дир.
Одамдан кўра сен кўпроқ вафодор,
Соҳибинг уйида ҳар ишга тайёр.
Қимнингки қўлидан бир луқма ейсан,
Тош билан урса ҳам ташлаб кетмайсан.
Сенинг ишинг эрур тунда посбонлик,
Қундузлари эса бўлар чўпонлик.
Ўғри сени кўрса бўлар пушаймон,
Бўрини тутгайсан мисли арслон.
Овозингдан тушар ўғриларга ғам,
Миршаблар бедармон чўзилгани дам.
Виждонли одамлар билар обрўйинг,
Минглаб миршаблардан авло бир мўйинг.
Вовуллаб югурсанг мисли паҳлавон,

Миршаб итдай қўрқар, сен бўлсанг арслон,
Қоронғи тунларда адашса биров,
Хуриб манзилини кўрсатдинг дарров.
Йўлидан адашиб қолса кимки тун,
Сенинг навонг унга мисли арғунун¹.
Ҳар кимки дўстининг кўйидан келар,
Жонининг чигали сендан ечилар.
Ул кун ов бошласанг агар беаёв,
Жаҳоннинг султони бўлур сенга ов.
Тутқичинг қўлида бўлади ахир,
Турасан амрига ҳушёр мунтазир.
Пўстининг ранго-ранг ҳариру бахмал,
Бўйинбоғинг эрур гавҳару зарҳал.
Сен олға югуриб кетганинг заҳот,
Изингдан эргашиб чоптиради от.
Измингни ўзингга қўймоғи аён,
Ўз меҳнатинг билан топиб ейсан нон.
Оҳулар изидан сени қўйса гар,
Қувиб етолгайсан уни муқаррар.
Югурсанг шиддат-ла сен бениҳоя,
Ортингдан етолмай қолади соя.
Қуш бўлур шикоринг, сен мисли шамол,
Қочиб қутулмоғи бир амримаҳол.
Маккор тулки қанча бўлмасин чаққон,
Сен унинг пўстини шилдинг беомон,
Олиб бориб бердинг уни ўша кун.
Пўстиндўзга пўстин тиктирмақ учун.
Ҳали йўлбарс сенга йўлиқмай туриб,
Қўрқди билагингнинг кучини кўриб.
Енгилмас паҳлавон бўлса ҳам ахир,
Тоғлар чўққисида у тушди асир.
Шер сенинг ҳақингда эшитгач дoston,
Қўрққанидан бўлди тўқайда пинҳон.
Қанчалар бўлмасин душман беомон,
Сени кўрганида ейди пушаймон.
Зарбингдан қўтосга етса ҳалокат,
Бечора оҳуда қолгайми тоқат?!
Ҳар қулонга солган чоғингда қутқу,
Оёғинг остида жон беради у.
Сени тушларида кўрганда қуён,
Қўрқиб ўз ҳушидан кетмоғи аён.
Ешлигинг ҳақида ушбу ҳикоят,

¹ Арғунун — мусиқа асбоби.

Ҳаётинг тарихи шундан иборат.
Энди-чи, оёқдан йиқитиб фалак,
Мадоринг қуришиб, этганда ҳалак,
Сени қувибдилар айламай шафқат,
Ҳеч кимса қилмабди сенга марҳамат.
То ўлиб, тупроққа очмасам қучоқ,
Эсдан чиқармасман мен сени мутлоқ!
Лайлига тунлари бўлардинг посбон,
Лайли ҳовлисида юардинг шодон.
Гарчи ул шарафга путур етибди,
Агарчи мартабанг қўлдан кетибди.
Сенинг итингдирман мен бир хаста ҳол,
Думингни бўйнимга ҳалқа қила қол.
Қўлингни узатгил менга, эй ўртоқ,
Бўйнимга бўлсин у бахтдан бўйинбоғ.
Келки, ҳурматингни жойинга қўйиб,
Оёғинг хокини ўпайин тўйиб.
Унинг кўчасида бу оёқ юрган,
Гоҳи орқасидан елиб югурган.
Қўриқлаган бир дам олмасдан ором,
Чодир гирдида югуриб мудом.
Қўзларингдан ўпай, чунки гоҳи-гоҳ,
Унинг юзларига солгансан нигоҳ.
Ё хасу хошокни шамол учирди,
Ул покнинг йўлидан буткул супурди.
Кўзим гавҳарини тўкай унга хўп,
Думинг эшигида ҳалқа урган кўп.
Ундан бутларингда қолгандир бир доғ,
Вафо сирларидан нишона ҳар чоғ.
Доғингда дилимни қўймоқ тилагим,
Токи шифо топсин ундан юрагим.
Бошдан оёқ сени кўмган бир йўла,
Ёрим жамолидан таралган шуъла.
Истайманки, жойим бўшагани чоғ,
То менинг ўрнимга сен қўйсанг оёқ.
Мен яна йўлдаман, юрагим вайрон,
Ярали дилимга сен бўлгин дармон.
Йўлингда тупроқман, бил, эй вафодор.
Эҳтиёт бўл яна минг бора ҳушёр!
Унинг кўчасига етганда бир кун,
Ешлигинг қайтади, бўласан дуркун.
Ҳарамига бориб яна беармон,
Остонада доим бўласан посбон.
Ҳар жойда оёғи изини кўрсанг,
Муқаддас хокини кўзингга сурсанг,

Менинг лабим бўлиб изларини ўп,
Бошингни эг ерга текканича хўп.
Гоҳида уйига келганда меҳмон,
Эсласа олдингга ташлар устухон.
Ул суякни ғажиб бўлар эдинг шод,
Меҳмонни доимо айлар эдинг ёд.
Тунлар эшигида ётасан ҳуриб,
Тонггача соқчидай ётасан қўриб.
Унинг эшигида кезиб дарбадар,
Ухламай юрардим эсласанг агар.
Чодир этагида келганда баҳор,
Булутлар ёмғирин қуйгай шашқатор,
Бу ҳолимга бир сув келтирсанг равон,
Қўзларим ёшидан сўзласа дoston.
Иштиёқи солса михларга олов,
Ҳалқадек эгилиб қолади дарров.
Кимни асир этса ўзига дилдор,
Унинг ҳалқасидан бўлур миннатдор,
Бир кеча кўзидан уйқуси қочиб,
Ой каби чиқади эшикни очиб,
Ухлатмоқчи бўлиб излаб баҳона,
Сўзла мен ошиқдан унга афсона.
Эй шерлар овловчи довқур ва дадил,
Ботирлар қонидан тиғингдир қизил.
Қачонгача кезиб ғарибу шайдо,
Тоғу саҳроларда бўлайин пайдо?
Эшигингдан эдим бир умр йироқ,
Қўтосу қулонга бўлгандим ўртоқ.
Бугун яқинингга келибман, аё,
Ҳижрон ғуборидан кўзларим қаро!
Қўрқаман илгари қўймоққа қадам,
Чунки юрагимда кўпаяди ғам.
Йўлимда қулаган бўлса бир девор,
Бундай ғовдан яна ками юзта бор.
Ёш шер атрофида ҳар қари тулки,
Хушомадлар қилур, лабида кулги.
Оёғи сипиб шер бўлганда абгор,
Чўлоқ тулки юз бор етказар озор.
Агар кўнгил берсанг, ботир эр бўлгум,
Бу юрт ўрмонида қўрқмас шер бўлгум.
Бошим оёқ бўлиб васлинг йўлида,
Изларман овимни васлинг чўлида,
Сенинг ўрмонингни этурман макон,
Васлингни овларман бўлиб комрон.
Йўқса бурунгидек бўлиб хастаҳол,

Улимим ҳақида сурардим хаёл.
Бахтсизлик кўйида хору зор ўлгум,
Сен мендан, мен эса сендан қутулгум.

**Мажнун пўстин кийиб, Лайли қўйларининг орасига киргани
ва унинг чодирни яқинига боргани**

Ул пўсту мағзининг қиссаси яхши,
Пўстдан чиққан мағз ҳиссаси яхши.
Ул пўстни танувчи мағзини кўрган,
Пўстидан мағзига етиб улгурган.
Ёри диёрига келганда яқин,
Иши нозиклашди қил каби тагин.
На ёр тарафига бор эди рухсат,
На қайтиб кетишга айларди тоқат.
Ёр юрти қалбига соларди олов,
Висолига монё турарди минг ғов.
У ўлкада эди сарсон-саргардон,
Беқарор кезарди ҳар ён паришон,
Бу диёрда кўрса ҳар кимни чўлда,
Ё унга йўлиқса ногаҳон йўлда,
Ундан мушкулини этмакка осон,
Ярали дилига изларди дармон.
Бир кун юрарди даштда фироқдан,
Ногоҳ қўй суруви ўтди йироқдан.
Қўниб ёқасига сурувдан тўзон,
Хушбўйликда эди мисоли райҳон.
Чўпоннинг юзидан товланган зиё,
Йироқдан Лайлининг нуридек гўё.
Нурлари ҳар ённи этса чароғон,
Дўстлик чироғини ёқмоғи аён.
Деди: «Эй, сен кийиб олибсан чакман,
Мусо оташини айлабсан равшан.
Сенинг ташрифингдан ҳар тоғ Тур бўлур,
Сенинг оташингдан Турда нур бўлур,
Меҳрингдан ободдир чўлу биёбон,
Асонгдан қўрқади зангори осмон.
Ҳар жойда қўлингга олганинда чўб,
Ёвуз қашқирларни калтақлайсан хўб,
Гарчи кўринишда у асо эрур,
Душманлар кўзига аждаҳо эрур.
Саҳро ҳайвонларин айлаган восвос,

Сенинг палахмонинг чиқарган овоз.
 Унга кучли қўлинг жойлаганда тош,
 Отсанг қолмас эди ганимда бардош.
 У тош даҳшатидан сурувдан бўри
 Йироққа қочмаса қурийдн шўри.
 Палахмонинг тоши кўкка учса гар,
 Фалакнинг буржидан юлдуз тўкилар.
 Даҳшатли гумбури етганда шерга¹,
 Қўрқувдан ўзини ташлайди ерга.
 Эй, сенинг косачанг очиқ дастурхон,
 Кўпларни боқасан мисоли султон.
 Тонгда кекса чўпон насибаси бут,
 Беради улоғу қўзиларга сут.
 Мен ҳам ташналабман, қолдим ноилж,
 Эҳсон косасидан сут ичолмай оч.
 Чанқоқни қийнама бамисоли кўк,
 Бир томчи сутингдан лабларимга тўк!
 Ул сут бўлиб қолмай таннимга дармон,
 Мен учун бўлгуси ҳам озиғи жон,
 Яъники, айлабон лутфу марҳамат,
 Билсанг этгил менинг ҳолимга шафқат,
 Мен учун бир йўл топ ёр маконига,
 Уғринча олиб бор Лайлим ёнига.
 Токи бир гўшага бориб ўтирай,
 Унинг жамолини беркиниб кўрай.
 Бўйнимга ит каби боғласанг занжир,
 Сендан шод бўлардим кезиб тоғу қир!
 Борсам итларингга мен бўлиб йўлдош,
 Етиб эшигига қўйсам ерга бош,
 Ё мени дўстона қўлла, илтимос,
 Қўйларга ўхшатиб кийдиргин либос.
 Озгин баданимда қолмади дармон,
 Терию гўштсиздир қуруқ устухон.
 Бу сурувинг оро кирсин жонимга,
 Бир тери кийдиргил устухонимга.
 Шоядки азизлар ҳарамн томон,
 Қўйларинг туфайли боргайман омон.
 Сурув ҳарамига кириб борган он,
 Лайли у томонга боқиши аён.
 Мен ҳам нигоҳига тушиб муқаррар,

Пинҳон унга томон ташлайман назар,
 Юзларин кўрайин, ёр фиरोқидан
 Юрагим куйгандир иштиёқидан.
 Шундай деб, ҳушидан кетиб озурда,
 Тупроққа йиқилди мисоли мурда.
 Ердан осмонгача таралди, э воҳ,
 Қўзидан ёш тўкиб, чекканида оҳ!
 Бошида қайғуриб ўтирди чўпон,
 Қўзи ёшли эди, юраги вайрон.
 Ўзига келганда у бўлиб ҳушёр,
 Қайғуси зиёда бўлганди юз бор.
 Чўпон унга қараб, айлаб тараҳҳум,
 Деди: «Дил ҳаваси кўйида маҳрум,
 Шод бўлки, кўнглингга қолмайди армон,
 Бу кеча висолга етасан аён»,—
 Шундай деб бир тери келтирди шу тоб,
 То дўстга етгунча бўлгай бу ниқоб.
 Буни кийиб олиб сен шоду хандон,
 Ўйнаб сурув ичра кетавер пинҳон.
 Шояд, бугун яна ҳар кунги мисол,
 Сурув атрофига келар ойжамол.
 Ул орада сенинг ҳолингни билур,
 Фароғатинг учун бир чора қилур.
 Терини кўрганда бечора Мажнун,
 Дўст сўзин эшитиб бўлди кўп мамнун.
 Терини устига ёпиниб турди,
 Қўлу оёғида ўзгача юрди.
 Юрагини адо қилган эди ғам,
 Ер йўлига кўпдан босмасди қадам.
 Иккита оёғи юрар эди йўл,
 Уларга ҳамоҳанг бўлди икки қўл.
 Сурув орасида букарди қайғу,
 Лекин шитоб билан борар эди у.
 Умид билан ташлар оёғу қўлин,
 Шундай кечиборар саҳронинг йўлин.
 Пичирлаб ўзича дерди, ё худо,
 Бу тун янги либос айладинг ато.
 Бахтим ёр бўлдики таннимда доим,
 Санжоб¹ терисидан кўра мулойим.
 Бу ҳақда эшитган чоғида қоқум²,
 Қисилар уятдан орқасига дум.

¹ Шер — Асад буржи (21 июль — август, шамс йилининг бешинчи ойн)

^{1, 2} Санжоб, қоқум — териси юмшоқ ва қимматбаҳо ҳайвонлар.

Қанчалар мўйнаси бўлмасин юмшоқ,
Қирпилигини тан олади бу чоқ.
Бу тери таратди менга мушк исин,
Қайдаги ит ўзи ул оҳуйи Чин?!
Ҳар кимнинг қаддига бу келмагай мос,
Ўлгунча етади менга бу либос.
Бу либосни кийиб яйраганимда,
Юз қават гўшт пайдо бўлди танимда.
Бу тери бахтимни айлади бутун,
Танамга сиғмасман севинчдан бугун.
Хаёли кетарди шундоқ ҳар ёнга,
Қўйларни ҳайдади чўпон қўтонга.
Лайли ташқарига чиқди чодирдан,
Ўн тўрт кунлик ойдек балқиди бирдан,
Халхоли оёқда жаранглаган он,
Садоси куй каби таралди ҳар ён.
Сочларин ёзганда ҳар ён паришон,
Анбарга ғарқ бўлди бу ёруғ жаҳон.
Сурувни қаршилаб чеккада турди,
Қўйларни бирма-бир кўздан кечирди.
Сурувда қанчаки қўю эчки бор,
Навбат билан ўтди олдидан қатор,
Навбат етганида ул кўнгли хаста,
Пўстиндан дўстига боққанда аста,
Не сабри қолдию не бир қарори,
Кетди қўлидаги бор ихтиёри.
Ҳушидан айрилди чекиб бир фиғон,
Соя каби ерни айлади макон.
Лайли фиғонини эшитгач таниб,
Унга томон келди бирдан тўлғаниб.
Қараса ётарди терида Мажнун,
Қуруқ мушк мисоли бўлиб жигархун.
Ҳам ақлу ҳушидан ажралиб дилтанг,
Ҳам кўзи кўрмас, ҳам қулоғи гаранг.
Бошига ёстиқдек қўйиб тиззини,
Кўзёш билан ювди чангли юзини.
Хушбўй гулобларга ботиб оғушда,
Яна беҳушлиқдан келди у ҳушга.
Ҳушига келганда кўзи очилди,
Чўкиб қаршисида у сажда қилди.
Эй, сен ошиқларнинг кўзин қароғи,
Эй, сен муҳтожларнинг нозли чароғи.
Фахр боғидаги эй, гули раъно,
Азизлик чароғи таратган зиё.
Эй, арши аъло сен, мен қора ерман,

Сен юксак, мен пастман, борини дерман!
Ишонмас ҳеч маҳал мендек бечора,
Бошимда турган сен бўлсанг, эй ёр-а?!
Тубсиз юксакликнинг соҳиби осмон,
Унга палос бўлмас тўшалган сомон.
Этагинг тутмагим амримаҳолдир,
Бу тун адашмасам бир хомхаёлдир.
Мастларким, тунлари ухласа беҳол,
Тушига киради минг хил хомхаёл.
Гўё толеъ менга айлабди қарам,
Худди тушга ўхшар бу воқеа ҳам.
Сенинг юзларингни агар туш кўрсам,
Сен ила бир нафас яшнаб ўтирсам.
Бахт каби ўнгимда айларди масрур,
Доим кўзларимга бағишларди нур!
Лайли уни бундоқ хору зор кўриб,
Ёқимли сўзларин эшита туриб,
Деди: «Эй, бу кеча бўлгин меҳмоним,
Сен билан осуда эрур бу жоним!
Бу тери бўлади дўстлик учун ғов,
Кўнглинг ранжимасин дўстингдан дарров.
Ечгил бу терини устингдан дарҳол,
Терисиз дўстингга ҳамдам бўла қол.
Токай айтажакмиз сўзни пардалаб,
Ошкора айтайлик гоҳи бирор гап.
Кеча ёруғу ой эди чароғон,
Ғам йўқлик қаърига бўлганди гумдон.
Тонггача ўлтириб икковлон ҳамдам,
Сўзлашдан лаблари тинмади бир дам.
Оҳу нола бирла сўзлаб юз дoston,
Қўп йиллик ғамларин этишди баён.
Ҳали очилмасдан лабдан юзлаб гул,
Фироқ қўшиғини куйлади булбул.
Тонгда бўриларнинг увлаши тинди,
Ит ухлаб, хўрозлар авжига минди.
Хўроз овозини эшитган асно,
Улар бир-бирига айтишди видо.
Ул қаддин чодирга устун айлади,
Еш тўкиб бу даштни гулгун айлади.
Ҳа, шундоқ бўлгуси дунёнинг иши,
Минг ранжу азобдан кейин ҳам киши,
Кўнгли хаста бўлсин ё бағри яра,
Ёри висолига топганда чора,
Юзларига нигоҳ ташламай бир қур,
Қўлидан тутиб дер, тез ўрнингдан тур.

Мажнун гадолар қаторида Лайли хаймагоҳига боргани ва Лайли уни таниб косасини уриб синдиргани ҳамда Мажнун бундан завқланиб рақсга тушгани

Севги афсонасин айтган хушкалом,
Бу қиссани шундоқ айлади давом.
Тери қиссасини ўқиб бўлган он,
Теридан бу сўзни чиқарди аён.
Улким, чилдирмадек урилган заҳот,
Дўстидан айрилиб кўтарди фарёд.
Кезиб юрар эди тоғу биёбон,
Тери ва ёридан бўлиб шодумон.
Тери севгилисин эслатган сайин,
Шу боис ўзига берарди таскин.
Ул дамки, пўстини шилди замона,
Дўстидан қолмади бирор нишона.
Душманлар бошига қутқу солганда,
Не дўсти бор эди, не пўсти танда.
Дўстсиз ким эди ул?— жудо бўлган жон,
Пўстсиз не эди ул?— қуруқ устухон.
Бир-икки бор шундай бўлганда дилхун,
Ҳазин юрагидан таралди тутун,
Бир кун пешин чоғи юраги ёниб,
Чўпоннинг қошига борди тўлғониб,
Йиқилиб соядек пойига бедод,
Юраги ўт олиб кўтарди фарёд.
Эй, яра қалбимга қўйгувчи малҳам,
Олдимда ажойиб кун турар бул дам.
Кўнглимнинг ҳолига наззора этгил,
Фироқдан ўлибман, бир чора этгил!
Бундан олдин ҳижрон ўлдирган эди,
Ажал паймонамни тўлдирган эди,
Нафасинг танимга бағишлади жон,
Қайта ҳаёт берди Масеҳосимон.
Аҳволимга назар айлагин бир бор,
Бугун яна бўлдим сендан умидвор.
Йиғлади ўртаниб, деб, эй жавонмард,
Бошдан оёққача бори гаму дард.
Андухингдан бўлиб юрагим вайрон,
Дардингдан кўз ёшим оқар мисли қон.
Кўнгил муродига етказиб бахтинг,
Насиб бўлсин орзу айлаган тахтинг!
Бошқа ҳеч макону манзилда асло,
Сени кўрмай бундай ғариб, мубтало.
Ул қалам яратган ажойиб хилқат,

Суту шакардан ҳам шириндир ғоят.
Ҳар ҳафта бошида бўлганида шом,
Қўйларнинг сутидан пиширар таом.
Атайлаб берар у оч гадоларга,
Кимсасиз мискину бенаволарга.
У диёрда бўлса ҳар кимсаки оч,
Қорин тўйдиришга топмаса илож.
Унинг ҳовлисига бориб ҳар ғариб,
Қолмас дастурхонин ёзса бенасиб.
Ҳовли эшигидан чақирар имлаб,
Берар овқатини ўзи тақсимлаб.
Чўмичи қўлида таом улашар,
Ҳар ким косасига сиққанча олар.
Унинг ҳовлисига бўлар равона,
Барчага йўл очиқ, дўстми-бегона.
Саховат кечаси бўлар бу оқшом,
Келган гадоларга беради таом.
Қосангни қўлингга олиб сен ҳам тур,
Уларнинг сафига бор, ўзингни ур.
Гадолар изидан борсанг сен агар,
Эҳтимол насибанг бўлар муяссар.
Мажнун бу хабарни эшитган маҳал,
Ўрнидан шу боис қўзғалди жадал.
Қўлига олиб у бир синиқ сапол,
Дўст уйи томонга жўнади дарҳол.
Ул жойга етганда бу бахти қора,
Кўрди ўзи каби юзлаб бечора,
Қўлларида тутиб коса ёки жом,
Мўлтираб садақа кутишар мудом.
Бундай дўст қўлидан келгувчи ҳар ким,
Ўзининг насибин олар эди жим.
Мажнун кўрганида узоқдан аён,
Бошидан ҳуш учди, баданидан жон.
Беҳуш эди, лекин борарди йўлда,
Бир амаллаб ўзин олганди қўлга.
Хушсиз, унга навбат етиб келган дам,
Олдинга узатди косани ул ҳам.
Лайли уни кўриб, таниди шу он,
Иши ўзгалардек кўчмади осон.
Унга таомидан сузмасдан туриб,
Қафгир-ла синдирди косасин уриб.
Мажнуннинг косаси синганда чил-чил,
Гўё бўлган эди муроди ҳосил.
Жаранглаб садоси эшитилгач хуш,
Муסיқадек уни айлади сархуш.

Унинг садосидан ўйинга тушиб,
 Ўзича куйларди у шундай жўшиб.
 Қандай соз, охири етдим муродга,
 Ҳамда фароғатли, бахтли ҳаётга.
 Бошқалардек менга бермасдан таом,
 Косамни синдирди уриб дилором.
 Фақат ёлғиз менга қилди эътибор,
 Шу боис косамни синдирди дилдор.
 Бекор синдирмаган кўзлари сузук,
 Бу синишдан бўлгай аҳволи тузук.
 Ул тошни косамга отгани оздир,
 Бошим косасини синдирса создир.
 Бу сирдан воқифлар сафида ҳар бор,
 Абадий қилурман фахру ифтихор.
 Косамни синдирган бўлса ҳам ёрим,
 Фақат бир нарсадан бордир озорим.
 Соғаримни уриб синдирган нафас,
 Илки озорланган бўлмаса гар, бас!
 Юз бошга етса ҳам дастидан завол,
 Унинг қўлларида жон бермоқ ҳалол.
 Ханжари меҳридан эрур дилим чок,
 Севгисидан ўзга ҳисдан дилим пок.

**Мажнун Лайли билан йўлларнинг бирида мулоқот
 қилгани ва ҳайратда ўша жойда унинг қайтишини узоқ
 кутгани ва уни дарахт деб ўйлаб бошига бир қуш ин
 қургани**

Бу гўзал қўшиқни айтиб созанда,
 Дилрабо куйига айлади банда.
 Наво бирла шундай чертганида тор,
 Ғамнинг чангалида кимдир гирифтор.
 Қоса севинчи ҳам бошидан кетди,
 Қўнгул шодлигига интиҳо етди.
 Яна азоб билан қолди ҳижронда,
 Ёридан айрилиб ўзга томонда.
 Унинг юрагини ёқарди фироқ,
 Вужудин куйдирар эди иштиёқ.
 Ҳар манзилни босиб ўтгани они,
 Иссиқдан қабарар эди товони.
 На ухлар майсазор бағрида бир зум,
 На булоқ сувидан ичар бир қултум.
 Доимо бесабру беқарор эди,
 Ҳар хасу хошокка қараб зор эди.
 Қўрган нарсасидан изларди мадад,

Ўзни қутқармоққа топганича ҳад.
 Бир кун вақт пешинга оққан чоғида,
 Ҳаво иссиғидан жон қийноғида,
 Хорлар чодирига равон бўлди ул,
 Жонининг ороми эди саксовул.
 Ўша жойдан туриб ҳар тарафга гоҳ,
 Ички умид бирла айларди нигоҳ.
 Узоқдан бир қавм кўринди масрур,
 Дараю дашт эди улардан маъмур.
 Улуғвор кўриниб ул барча аён,
 Ҳар бири остида бир тахтиравон.
 Бир лаҳзада унда этишди ҳозир,
 Қад кўтарди юзлаб ҳайбатли чодир.
 Ошиқлар ул жойни айлар тахайюл,
 Валекин орзуга эришмоқ мушкул.
 Ўзича айларди Мажнун тафаккур,
 Лекин ушалмасди орзуси бир қур.
 У Лайлию унинг одамларидир,
 Хизматкору дўсту ҳамдамларидир.
 Яна дер эдики, бу бир хаёлдир,
 Бу бахтга етмоғим амримаҳолдир.
 Ўзи бирла шундоқ сўзлашарди у,
 Шундоқ эди унда хаёлий орзу.
 Ушал чодирлардан кўринди ногоҳ,
 Юлдузлар ичида бир чароғон моҳ.
 Тоза ҳаво олиш учун чодирдан —
 Чиқиб, саҳро томон жўнашди бирдан.
 Ёзиб этакларин ноз бирла ҳар ён,
 Бари ул тарафга бўлди хиромон.
 Кимлар эрур унга термулиб турғон?
 Етарми бир фойда ё берур зиён?
 Унга томон бари шошиб югурар,
 Ким ул танҳо ўзи саҳрода турар.
 Олдига югуриб келишган замон,
 Улар бир-бирини кўришди аён.
 Лайлини кўрди чун бечора Мажнун,
 Элат аёллари ичида дуркун.
 Қўзи тушганида ул гўзалга хуш,
 Йиқилди жойида, учди бошдан хуш.
 Қолмаган чоғида мадору майли,
 Чопиб келди унинг бошига Лайли.
 Тиззасига қўйиб бошини нолон,
 Яра сийнасидан тўкди унга қон.
 Кўзларидан сочди юзига гулоб,
 Ҳушига келтириб, турғазди шу тоб.

Кўришди бир-бирин ҳусни жамолин,
Кетказиб бир-бирин ранжу малолин.
Ҳар ўтган дил сирин такрор этишди,
Ҳар янги сўз дурин изҳор этишди.
Бу дунёга видо айтаётган чоғ,
Бўлмасин ҳеч кимнинг бағри бундай доғ.
Мажнун дедик: эй, дилоро маҳваш,
Бугун юрагимда юз ғаму оташ.
Ташлаб кетаяпсан мени бу жойда,
Сени энди қачон кўраман, қайда?
Деди: қайтар чоғим, тугаса сафар,
Шу ердан ўтмоғим эрур муқаррар.
Агар шу атрофда сокин турурсен,
Мени қайтганимда яна кўрурсен.
Юзларимни кўриб, ғамдан бўлсанг шод,
Мен ҳам ғам бандидан бўлардим озод.
Бу қолди жойида, у бўлди равон,
Гўё баданидан кетган каби жон.
Дилрабоси кўздан бўлгунча ғойиб,
Ортидан ҳасратда боқди сарғайиб.
Бир лаҳза туролмас эди осуда,
Айрилиқ ҳақида куйлаб қасида.
Эшитган ваъдаси бўлдию сабаб,
Жойидан жилмади ҳеч ёққа қараб.
Ул гўзал ишқидан ҳайратда карахт,
Ўтирмай тик турди мисоли дарахт.
Дарахтдек турарди бир жойда нохуш,
Унга учиб келиб қўнди неча қуш.
Оёғи заминга тиралиб маҳкам,
Сочлари шох каби ўсди мустаҳкам.
Орадан бир қанча вақт ўтиб кетди,
Бир қуш боши узра ошён этди.
Сочи гўё қора чодрали нигор,
Гавҳар тухумлардан бўлди безакдор.
Тухумлардан чиқиб этишди парвоз,
Қушлар ишқ қўшиғин куйлаб жўровоз.
Бир қанча вақт шундай у турди ғоят,
Лайли ўз юртига қайтди ниҳоят.
У гўзал манзилга келгани маҳал,
Туядан маҳмилини туширди жадал.
Ҳар ким саёҳатдан ҳорғанди жуда,
Кўзлари уйқуга кетди осуда.
Уйқудан туришди пешинга яқин,
Юзлардан таралиб қуёшдек ёлқин.
Заррин безак билан берилган оро,

Чарм ковушини илди дилоро.
Самовий атласлар кийди муносиб,
Яман дурларини бўйнига осиб.
Беҳиштдек яшнаган юзлари гулгун,
Унда балқиб турар орзулар дуркун.
Қаддини тик тутиб сарвинозсимон,
Тоғлар каклигидек бўлди хиромон,
Келди ул беқарор Мажнунга томон,
Кўрди ақлу ҳушдан қолмабди нишон.
У дўстни душмандан қилмас эди фарқ,
Бошдан-оёқ эди ишқ баҳрига фарқ.
Юлдуздек кўзлари ерга тикилган,
Ўз офтоб нурлари аро кўмилган.
Қанча сирли нидо этмасин дилдор,
Қайтиб ўз ҳушига келмади такрор.
Эй вафодор,— дея урди ул наъра,
Меҳрибон ёрингман, менга бир қара!
Деди: Сен кимсану маконинг қаён?
Беҳуда не учун келдинг мен томон?
Дедик, мендирман жонингга орзу,
Дилиннга жон каби жойлашган туйғу.
Яъни — Лайли, ишқин басиридирсан,
Бу ерда сен унинг асиридирсан.
Деди: «Кет, кет, ишинг бугун беомон,
Ёқди вужудимни мисоли сомон.
Кўзимда қолмади кўргувчи зиё,
Бўлмасман ҳуснингга қайта маҳлиё.
Ишқимнинг кемаси қонли тўлқинда,
Ошиқу маъшуклик қолмади унда».
Лайли бу сўзларни эшитгани чоғ,
Сабр ила тоқати тугади мутлоқ.
Аҳволини аниқ кўрдию шу зум,
Ултириб ҳолига йиғлади юм-юм.
Деди: «Эй, ҳушини йўқотиб бефарқ,
Ишқим гирдобига тушиб бўлди фарқ.
Умид саройидан юзини бурди,
Ўзни мангу бало йўлига урди.
Дастурхонимиздан татимай асло,
Мангу қайғуларга бўлди мубтало.
Бирга бўлмоғимиз энди кўп душвор,
Кўриша олмасмиз аён, қайта бор».
Шундай деб, уйига бўлди равона,
Ҳижрон мотамидан қалби сўзона.
Дард билан кўксидан таралиб фиғон,
Йиғлаб борар эди, дилида армон:

«Афсуски, ситамгар эрур бу фалак,
 Аччиқ айши бирла айлади ҳалак.
 Даҳр паймонаси заҳардир албат,
 Лутфини қаҳр ила тутади фақат.
 Биз дилда ғами йўқ икки ёр эдик,
 Ҳаётдан розию бахтиёр эдик.
 Бизнинг орзумизда айланиб осмон,
 Шодлик майи эди бизга армуғон.
 Тубанлар дастидан етди кўп жафо,
 Иккимизни этди охири жудо.
 У мендан йироқда, ўлимга яқин,
 Мен ҳам тола сочдек ҳажрида тагин
 Йўқлик водийсига у юз бурган дам,
 Мени исканжага олган эди ғам.
 Менсиз шараф билан у ўлиб ётар,
 Менсиз у қон ила тупроққа ботар.
 Усиз менга етгай охири завол,
 Усиз дунё эрур арзимас хаёл.
 Ундан умидимни мен уздим бугун,
 Дилим бўлди мангу ҳижронга тутқун.
 Ул кетди, учраша олмасмиз такрор,
 Юрак чоки энди битмагай зинҳор.
 Биздек ўртанмасин ғамдан ҳеч вужуд,
 Чирогимиздан ҳам кўрмасин бир дуд!»
 Шундай деб, у жойдан юраги вайрон,
 Жўнади ўзининг диёри томон.
 Бу дардли макондан Мажнун ҳам турди,
 Узга бир маъвога қараб йўл юрди.
 Дўстнинг ваъдасига вафо этди ул,
 Кейин бу ўлкадан жўнаб кетди ул.
 Бурунгидек сўниб кўнглидан ҳавас,
 Қулону қўтосга бўлди ҳамнафас.

**Бир араб Мажнун аҳволидан хабар топиб унинг зиёратига
 боргани ва бир неча кун унинг билан туриб шеър ёд
 олгани**

Бу сир келинига ясовчи маҳмил,
 «Худо» қўшиғини бошлади шу хил,
 Араб саҳросидан бир доно араб,
 Заковатда тенгсиз ҳамда нозиктаъб,
 Севги майдонида ошиқи дилбанд,
 Шеър тўқиш бобида эди ҳунарманд.
 Ёқимли овози қўзғаб ҳаяжон,
 Қишини этарди маҳлиё, ҳайрон.
 Мажнун севгисидан бўлди хабардор,

Яширин дур эрди у ёзган ашъор.
 Ихтиёри қўлда қолмади ҳайҳот,
 Унга томон учди миниб учқур от.
 Чўлу саҳро кечиб мисоли шамол,
 Етди омирийлар юртига алҳол.
 Қабила аҳлига йўлиқиб шул чоғ,
 Унинг ҳар биридан айлади сўроқ.
 Дедилар, у элдан кечибон танҳо,
 Яшар ҳайвонлар-ла, макони саҳро.
 Ваҳший ҳайвонларга қўшилиб буткул,
 Одамлардан узган алоқани ул.
 Қўтосу қулонлар ичра куну кеч,
 Қабила аҳлига яқин келмас ҳеч.
 Бу сўзни эшитгач араб нотавон,
 У ердан юз бурди саҳрога томон.
 Белини боғлади мисли шаббода,
 Қуюндай айланди тоғу саҳрода.
 Юрарди тентираб баланду қирдан,
 Даҳшатга тушиб гоҳ ёзув қашқирдан.
 Бир сурув оҳуни кўрди ногаҳон,
 Улар атрофида мисоли чўпон,
 Оёқда турарди эгилмай тетик,
 Алиф янглиғ эди қомати ҳам тик.
 Қораликда эди алиф мисоли,
 Эсарди чоштгоҳнинг самум шамоли.
 Саҳро оташига тоб беролмай ул,
 Иссиқдан паноҳи эди саксовул.
 Қападай сочлари эди қоп-қаро,
 Гўё у ғарқ эди қаро тун аро.
 Бадани заифу қаро, ўзи оч,
 Дармонсиз эди ул мисли тола соч.
 Аҳволини бу хил кўрдию араб,
 Бориб салом берди юзига қараб.
 Белини таъзим-ла этганида ҳам,
 Ундан чўчиб қочди оҳулар шу дам.
 Берган жафосига қилолмай бардош,
 Мажнун унга қарши кўтарди бир тош.
 Бу қандай ҳайқирик эрур, эй ғофил,
 Сендай қилмас эди бўлса ким оқил.
 Менинг дўстларимни васвос айладинг,
 Вафо тузоғидан халос айладинг.
 Бундай нодонларча кўргузмасдан хўй,
 Бу ердан кет, мени ўз ҳолимга қўй!
 Сен нафс бандаси, мен эса озод,
 Сенда ҳирсу ҳавас, мен эса барбод.

Сен шодсан байрамдан, мендадир мотам,
 Иккимиз не янглиғ бўлурмиз ҳамдам?
 Унга гап қайтармай, чиқармай овоз,
 Юрак дардларидан сўз очди бир оз.
 Куйлади бир ишқий қўшиқни шодон,
 Қўшиғидан етди жонларга дармон.
 Кўнглини яйратиб таралган овоз,
 Ҳамдамин айлади ўзига ҳамроз.
 Сут билан шакардек қовушиб тугал,
 Уқиди у ҳам бир дилрабо газал.
 Унга юзлаб дардли қиссасин очди,
 Унга юзлаб гавҳар мунчоғин сочди.
 Бу ҳам садаф каби қулоғин тутиб,
 Айтганин жон билан бир-бир эшитиб.
 Қулоғига етган сўзлар гавҳари,
 Хотирот лавҳида қоларди бари.
 Эртадан кечгача шу ишга машғул,
 Тун бўйи такрорлаб чиқар эди ул.
 Кундуз қандай сўзни ундан қилса ов,
 Тунлари тикларди қоғозда дарров.
 Кундузи ўқиса у қандай ашъор,
 Тунда барин ёдлаб айларди такрор.
 Бу билан бўлганда икки-уч-тўрт кун,
 Иши фақат шундай топарди якун.
 Суву нони бўлди охири адо,
 Йўлга тушди унга дея алвидо.
 Сухбатлари тугаб кетган кезида,
 Бир неча қасида қолди эсида.
 Қасидадан бир байт ўқигани он,
 Эшитган юракдан томар эди қон.

Ул араб иккинчи марта Мажнун зиёратига боргани ва кўп
 жойларни қидириб охири топгани ҳамда унинг бир оху
 билан қучоқлашиб, икковининг бирга ўлиб ётганини
 кўргани

Бу фироқномани ёзгувчи инсон,
 Шундоқ қалам суриб айлади баён.
 Тахтиравондаги ул ҳимматли зот,
 Сахрою юртида сардору устод.
 Қолиб диёридан ёз, қиши билан,
 Яна машғул бўлди ўз иши билан.
 Мажнунни кўргиси келиб у дилдан,
 Туясига миниб чиқди манзилдан.
 Аввал омирийлар сари йўл юриб,
 Дарагин топмади уни қидириб.

Дедилар, бир неча кунлардан буён,
 Қабила аҳлининг дили ундан қон.
 На ундан кўринар бирорта нишон,
 Эшитилмас энди у машҳур дoston.
 Ҳеч кимса дарагин билмагай асло,
 Иши яхши бўлсин унинг илоҳо.
 Урнидан қўзғалиб араб шитобон,
 Яна йўлга тушиб, кезди биёбон.
 На тоғу тош қолди, на бийдай сахро,
 Шамолдек излади бир ўзи танҳо.
 Қарич-қарич кезиб дашту саҳрони,
 Излади қадрдон дўсту дилхоҳни.
 Излаб икки-уч кун тополмай, ҳайҳот,
 Қайтмоқчи бўлганда ортга номурод,
 Узоқдан кўринди бир тоғ ногаҳон,
 Жам бўлиб турарди бир тўда ҳайвон.
 Тезда улар сари жадаллаб юрди,
 Улар орасида Мажнунни кўрди.
 Оппоққина эди охуча ўзи,
 Лайлига ўхшарди гардану кўзи,
 Бир чуқурда унга ҳамоғуш бўлиб,
 Гафлат чангалида ётарди ўлиб.
 Ёстиғу кўрпаси тупроғу тикон,
 Ёри фироқида берган эди жон.
 Аҳволини кўриб, чекиб кўп қайғу,
 Бағрида ўлганди бечора оху.
 Атрофин ҳалқадек ўраб ваҳшийлар,
 Ботган эди чуқур қайғуга улар.
 Охуларда ғамдан қолмаган бардош,
 Қўтослар кўзидан тирқиарди ёш.
 Тулки ёқасини айлар эди чок,
 Бошига ҳасратдан сочар эди хок.
 Бўрилар чекишиб афсус, пушаймон,
 Ёрни тирнар эди ғамдан беомон.
 Қулонлар қайғудан беланиб қонга,
 Мотамдан чўзилиб ётар ҳар ёнда.
 Ушбу воқеани кўрганда араб,
 Билди ҳаёт қасри бўлганин хароб...
 Унинг ўлимига ўқиди қуръон,
 Оқди кўзларидан ёш аралаш қон.
 Унинг вафосига куйиб қайғурди,
 Юзларини хоки пойига сурди.
 Унинг ён-верига қараган зумда,
 Бармоқ ёзувини кўрди у қумла.
 Э воҳким, муҳаббат доғида ўлдим,

Ҳажр тўшагининг қурбони бўлдим.
Замона қуёши музлатди фақат,
Ҳеч кимса қилмади менга марҳамат.
Сабр паймонасин охир тўлдирди,
Ҳижрон тиғи бирла мени ўлдирди.
Мендек хунбахосиз ўлмаган ҳеч ким,
Жанозадан маҳрум бўлмаган ҳеч ким.
На менинг бошимда йиғлади бир ёр,
На менинг юзимдан ювди бир ғубор.
На дўстдан келтирди бир кимса салом,
Ҳол сўраб на айтди биров хуш калом,
Фалак табибига берганимда қўл,
Томирим урарди меъеридан мўл.
Берган суви эди қадаҳда сароб,
Жигарим қонидан тутқазди шароб.
Ғизо фикри эса бағримни тилди,
Жигаримдан шилиб насиба қилди.
Бир тирик мен каби емаган таом,
Бир ўлик мен каби бўлмаган тамом.
Чарх шишаси айлаб дилимни хижил,
Ҳаётим шишасин синдирди чил-чил.
Бу шиша парчаси мисоли ханжар,
Қиёмат келгунча ҳар дилга ботар.
Ушбу қасидани ўқиғач араб,
Озурда юраги куйди бурқираб,
Ҳар байтини тинглаб дер эди юз вой,
Гўё оташига сепиларди мой.
Юрак юташидан кўтариб фиғон,
Туясига миниб у бўлди равон.
Туяси устида мисоли қоя,
Омирийлар узра ташлади соя.
Соя наки, эди ёқувчи олов,
Жону дилларини куйдириб лов-лов.
Яъни, у келтирган даҳшатли хабар,
Қўпларни ғам билан ёқди баробар.
Қабила аҳлига хабар берган дам,
Ёқасин чок этди эшитган одам.
Бошдан саллалари кетди чувалиб,
Сочларин қирқдилар, юзларин юлиб.
Ота-онасидан не дейин, эсиз,
Унинг баёнига тил эди ожиз.
Ҳушидан ажралди ота бечора,
Қон оқди жигари бўлиб юз пора.
Бу ғамдан ўртаниб онанинг жони,
Чиқди оғаларнинг ўтли фиғони.

Қабила элати қилмай баҳона,
Бари сидқидилдан бўлди равона.
Ул тоғ тарафига юрдилар илдам,
Дилларини эзиб тоғдек оғир ғам.
Дилида ғаму дард, кўзларида қон,
Йўл босиб келишди Мажнунга томон.
Ўлиб ётганини кўришганда хор,
Фарёду оҳ чекиб йиғладилар зор.
Ҳар киши ўзгача мотамда эди,
Ҳар юрак ўзгача бир ғамда эди.
Жувонмарг бўлди, деб бири этса дод,
Бириси ғариб, деб айларди фарёд.
Бетабиб кетди, деб бири ёд этур,
Бенасиб кетди, деб бири дод этур!
Бири эслар сўзга майлу меҳрини,
Бири назмидаги гўзал сеҳрини.
Бири пок кетди, деб чекканда афғон,
Бири ғуссасидан сўзларди дoston.
Муштипар онаси оҳу зор урди,
Заъфарон юзига юзини сурди.
Бечора отаси тўкиб кўздан хун,
Оёғи остини этди лолагун.
Бир дам тинчиганда фиғон тутуни,
Тахтиравон узра қўйдилар уни.
Бағрида жон берган оҳу ҳам шу он,
Ортилди у билан бирга, ёнма-ён.
Улуғворлигини кўп этишиб ёд,
Омирий элати тобутни озод,
Кўтариб елкага барчаси бирдан,
Манзиллари сари кетдилар қирдан.
Улар ҳар одим йўл босишгани чоқ,
Кўздан очиларди юз янги булоқ.
Ҳар қадам ташлаган чоғлари, э воҳ,
Дарддан чекардилар юз фиғону оҳ.
Кўзлар Дажласидан юрганда ҳар мил,
Шат¹ узра Шат эди, Нил устига Нил,
Чеккан фиғонидан ҳайвонлар ғамнок,
Саҳрода бошига сочишарди хок.
Оҳиста юришар ғам юки дилда,
Фарёду оҳ чекиб ҳар бир манзилда.
Ғам чекиб, дард билан айлашиб нидо,

¹ Шат — Дажла ва Фурот қўшилиб ҳосил бўлган Ироқдаги Шат-тулараб дарёси.

Узоқ йўлларига етди интиҳо.
 Кўздан қон тўкишиб ғам талошида,
 Ювишди марҳумни кўзлар ёшида.
 Ишқ тиғи қонини тўккани учун,
 Кўз ёшдан кўксини этишди гулгун.
 Ер бағрини тилиб, қазишди қабр,
 Кўмишди чок диллар ғамдан бесабр.
 Унинг юрагидан таралди кадар,
 Тупроққа кўмилди мисоли гавҳар.
 Ул оҳуким, унинг ишқида ўлди,
 Оёғи остида хокка жо бўлди.
 Яъни мусибатга тўла бу жаҳон,
 Узаро муносиб оҳую қулон,
 Меҳрларин унга этишиб изҳор,
 Силкиган бўлишди этакдан ғубор.
 Қайтди ўз уйига ҳар бири яна,
 Жафокор фалакдан дили вайрона.
 Ваҳшийлар ҳар ёндан келишиб мудом,
 Мозори устида олишди ором.
 Оҳулар тупроғин келиб кўришди,
 Қора кўзларига олиб суришди.
 Қулон тупроғидан кўп бўса олди,
 Пашшалари хокка ёпишиб қолди.
 Қўтос кўзёш тўкиб айлади нола,
 Тупроғидан унди майсаю лола.
 Мозори нуридан топиб саодат,
 Кетди йиртқиқлардан бор ёмон одат.
 Тулкилар бўлмасин қанчалар маккор,
 Макру ҳийласидан қолмади ғубор.
 Бир бўридан ҳурккан юзлаб арслон,
 Улуғлик аршини этдилар макон.
 Ҳа, ошиқ, ҳамиша покиза хилқат,
 Уткинчи оламда эмас нафақат,
 Ижобат тарёки эрур тупроғи,
 Вужуди кимёдир пок севги чоғи.
 Ҳар битта қаллобнинг жонини олар,
 Унинг кўнгил миси бўлиб тоза зар.
 Мажнун тупроқ ичра бўлганда ниҳон,
 Эҳсони ганжига кўмилди жаҳон.
 Ҳар кимса бошига тушганида ғам,
 Уша хазинадан топажак малҳам.
 Ул эҳсон ганжидан бўлиб бахтиёр,
 Муродига етди бир эмас, юз бор.
 Унинг мазорига барча бурди юз,
 Унинг жасадига барча тикди кўз.

Жон боғида кечгай ҳаёти минбаъд,
 Бўлур насибаси ризвони абад.
 Унинг мазоридан барча шод бўлсин,
 Хотир дилларда умрбод бўлсин!..

Мажнун ҳақиқат маъноси деб мажоз суратидан кечгани ва сурат жомидан маъно шаробини ичгани

Гумон айламаки ҳеч маҳал Мажнун,
 Мажозий ҳуснга эди деб мафтун.
 Агарчи аввало бор эрди майли,
 Унга ишқ майидан тутарди Лайли.
 Охирида ундан маст бўлиб буткул,
 Синдирди қадахин тошга отиб ул.
 Мастлигин боиси шаробдир, на жом,
 Қадахдан чўчиб ул этди саранжом.
 Очилди бўстонда сирлари ранглиғ,
 Мажозий ҳақиқат гуллари янглиғ.
 Тошлар тешигидан жўш урган булоқ,
 Дарё бўлиб кўмди тошларни шу чоқ.
 Лайли иштиёқи қўзғагач туғён,
 Эди ишқ шоҳидин юзлари пинҳон.
 Оғзи ширин эди ушбу ном бирла,
 Яшарди валекин ўзга ком бирла.
 Ошиқ дўст меҳридан ўртанса агар,
 Ой дея дўст юзин кўрмоқни қўмсар.
 Дегайлар, бир қалби покиза эшон,
 Уйғонди уйқудан бўлиб паришон,
 Мажнун бўлганида ёнида пайдо,
 На унга зоҳиран бўлиб ҳувайдо.
 Деди: «Эй аҳволинг бўлибди хароб,
 Уттиз йил фитнадан чекиб изтироб,
 Не учун жонингни олмади ажал,
 Нелар қилди сенга маъшуқи азал?»
 Дедики: «Оллоҳим айлаб иноят,
 Азизлик тахтида этди сироят».
 Деди: «Эй муҳаббат кўйида гумроҳ,
 Бу оламда бўлдинг уялмай дилхоҳ,
 Ичдинг маймизни Лайли жомидан,
 Атадинг номимиз Лайли номидан»...
 Менга у шу хилда айлади хитоб,
 Бундан ўзга зарра қилмади итоб.
 Жомий, яратганга қараки, аён,
 Ҳар зарра донога бўлур намоён.
 Азалий хумдан ул муборак бир жом,

Унинг атрофига ёзилмиш бир ном.
Ул жом не жом эрур? Мангулик жоми,
Ул ном не ном эрур? Соқийнинг номи.
Жомдан бода бирла олурсан ором,
Номдан ном эгасин англарсан тамом.
Номнинг эгасига ўзни эт маҳкум,
Жаҳондан уни деб кўзларингни юм.
Борлигиндан токи бўлурсан фориг,
Келажагинг шунда бўлгуси ёруғ.
Бир жойга етурсан, ўзга макон йўқ,
Ундан бир хабару ному нишон йўқ.
Бенишон жаҳондан сўзладим нишон,
Қолгани бўлгуси ўзингга аён.

**Ул араб Лайли диёрига боргани ва Мажнун вафоти
хабарини ҳали айтмасдан Лайли унга бу машъум
ҳодисани олдиндан сезганини баён этгани**

Бу дардли қиссани битган муаллиф,
Хотимада шундоқ айлади таълиф.
Ёқимли дўст эди ул араб мудом,
Мажнун маросими бўлганда тамом,
Йўрға туясининг жағазин урди,
Унинг ёри сари шошиб йўл юрди.
Жону дили бўлди дардга мубтало,
Лайли диёрини топганича то.
Сўраб-сўраб борди хонама-хона,
Қаерда тургай деб ўшал жонона.
Борганида унинг уйига томон,
Чодиридан чиқди ойдек чароғон.
На ойки, қуёшдек сочарди зиё,
На қуёш, ўтидан куярди дунё!
Безаги ой эди, тумори юлдуз,
Сиймоси ҳур каби, париваш, гулюз.
Узоқдан таниди кўриб гулюзни,
Танимаган каби тутди лек ўзни.
Сўради, эй ойдек жамоли равшан,
Бугун сен этдингму бу жойда маскан?
Юзлари ой каби Лайли дилоро,
Қайси бир гўшада айлаган маъво?
У менман, дедию, буриб юзини,
Кўзидан ёш тўкиб айтди сўзини.
Чап кўксимдан ўрин олгандир кўнгил,
Ундан эшитганим ростдир муттасил.
Ҳар лаҳза мен билан сўзлашган чоғда,

Ул ғариб бенаво йиртиқ-ямоқда,
Сени деб овора, саҳрода сарсон,
Тоғу қишлоқларни кезиб шитобон,
Ҳажринг азобидан ўлди сарғариб,
Жон узди армонда танҳою ғариб.
Эй, вой, бу оламдан кетди номурод,
Қимсасиз ғарибнинг ҳолига юз дод!
Йиғлади арабий этиб оху вой,
Эй, сенинг тальятинг самодаги ой.
Валлоҳки, ростни айтибдир дилинг,
Бўлган воқеани шарҳ этди тилинг.
Ғамингда жон берди Мажнун бечора,
Улди фироқингга тополмай чора.
Бир гўзал оҳуга очибон оғуш,
Ажал шарбатини айлабдир у нўш.
Бошида ҳайвондан бошқа ҳамдам йўқ,
Бундай бекасликдан ортиқ бир ғам йўқ.
Мен йўқлаб борганда ўлган эди у,
Кўрдим танҳо, ғариб, сўлган эди у.
Унинг диёрига бордим ғам билан,
Бугун қабиладан кўп одам билан,
Вафоси йўлида қайғуга чўмдик,
Олиб бориб уни тупроққа кўмдик.
Пешонамга қўнган бу чангу ғубор,
Унинг мозоридан қолган ёдгор.
Лайли бу хабарни тинглаб ғамталош,
Оёғи ўрнига ерга қўйди бош.
Йиқилиб кўз ёшин тўқди шашқатор,
Гўё ариқ ичра ғарқ бўлди дилдор.
Бақодан тўйиб ул, ҳаётдан малол,
Анча ақлу ҳушсиз ётди бемажол.
Ул лаҳза ўзига келганда яна,
Бошлади шундай бир янги тарона:
Афсус жон орзуси бўлибдир тамом,
Нотавон жонимдан кетибдир ором.
Мен вужуд эдимю Қайс эди жоним,
Жонсиз яшамакка борми имконим?
Кетиш ногорасин чалурман, мана,
Мен ҳам ортидан йўл олурман, мана.
Усиз яшолмасман ҳатто бир нафас,
Жаҳон ташвишидан қутуларман, бас!
Тўшагимни ёзинг унинг ёнига,
Бошимни қўяйин то товонига.
Муродимга етмай чекаман ғусса,
Оёғи хокидан олай бир бўса.

Бир куни бу жисми нотавоним ҳам,
 Белўсту, бемағз устухоним ҳам,
 У макондан янграр бамисоли най,
 Ғамдан минг тешиги бўлар пайдар-пай.
 Ҳар тешик оғзини очиб беомон,
 Дард бирла атрофга таратар фиғон.
 Қайси дилхастага сўзлагай синин,
 Утган ғамларини такрор ҳар бирин,
 Чиқса сўнгаларим ичидан садо,
 У ҳам менинг бирла айлагай наво.
 Икковлашиб бирга қурамиз суҳбат,
 Токи келганича рўзи қиёмат.
 Обиҳаёт яна тўкилган замон,
 Тупроқдан ўликлар турса топиб жон,
 Бир-биримиз билан биз ҳам қўл ушлаб,
 Оёққа турамиз, кўнгилни хушлаб.
 Уша йигилишда бўламиз ҳамдам,
 Дўстлигимиз бўлгай яна мустаҳкам...
 Ҳар жойдаки, бўлса бизларнинг қисмат,
 Дўзахми ва ёки яшнаган жаннат,
 Икковимиз бирга айлармиз макон,
 Бўлиб васлимиздан доим комрон!
 Шундай деб, ичкари бўлди равона,
 Чодирини этди у мотамхона.
 Бу дунёда токи шу хил бор эди,
 Дарду машаққатга доим ёр эди.
 Ул кимки, жаҳонда бу хил бор эмас,
 Дўстлар фурқатидан ғамгусор эмас.
 Ераб замондан бўлсини йироқ,
 Абадий йўқолсин ҳижрону фироқ!

**Мажнун вафотини эшитиб Лайли бемор бўлгани ва
 дўстлари унга насиҳат қилганда Лайли уларга жавоб
 қайтаргани**

Лайли доғда қолди ўлганда Мажнун,
 Лоладек бўлди у тамом ғарқи хун.
 Кенг жаҳонга сиғмас бу янглиғ тангдил,
 Айшининг косаси сиғганди чил-чил
 Дарду азоб унга айлади зуғум,
 Уйқую емакдан бўлди у маҳрум.
 Ой каби юзида қолмади шуъла,
 Сўлим гули хазон бўлди бир йўла.
 Ғунчадек ичида дили бўлди қон,
 Қонли ёшдан юзи бир лоласимон.
 Қошларига ўсма тортмади жонон,

Таралмай сочлари бўлди паришон.
 Охир дард оташи олиб аланга,
 Таъсирин ўтказди гулу суманга.
 Ҳарорати қилиб жони бирла жанг,
 Юзида қолмади соғломликдан ранг.
 Қамондек қомати ёйдек эгилди,
 Дард қизил гулини заъфарон қилди.
 Бўлди динор каби жамоли дирҳам,
 Дирҳам нақши эди нола бирла ғам.
 Учқудан лабида пайдо бўлди хол,
 Оёғидан тушди ечилиб халхол.
 Нола болишига бош қўйди дилбар,
 Остида тўшаги мисоли наштар.
 Бадани заифу чўп каби озгин,
 Узилгувчи ипдек кутар ёзугин.
 Қора ғам гуллари боғидан унди,
 Сарву арғувоннинг ҳаёти сўнди.
 Дилида ғам юкин кўпайиб ҳадди,
 Эгилди санобар мисоли қадди.
 Дўстлари бўлишгач ундан хабардор,
 Яширин синини айлади ошкор.
 Ёлғиз ғарибидан бўлганда жудо,
 Қайғу тўшагига михланди гўё.
 Унинг давосига излашди чора,
 Кўнглини олмоқ-чун бўлиб овора.
 Эй, ҳаёт боғининг сарри равонн,
 Эй, жаннат гулзорин гули хандонн,
 Ҳусн китобига бўлиб ибтидо,
 Гўзаллиғ бобида оламда танҳо.
 Сенинг ишинг вафо йўлида кечмоқ,
 Севги кўчасидан торт энди оёқ.
 Мажнун тирик бўлган чоғида ул кун,
 Ҳали бу оламдан кетмасдан бурун,
 Вафойинг йўлида кезарди ҳар дам,
 Йўқ эди ўрнининг босгувчи одам.
 Хуш эди айласанг унга сен вафо,
 Унинг ишқи билан қадам қўйсанг то,
 Зероки, меҳрдан меҳр туғилгай,
 Вафо вафо бирла зиёда бўлгай.
 Бугун бу оламдан у этди сафар,
 Нариги дунёга бўлди муяссар.
 Бу меҳру вафодан энди не фойда?
 Бу жабру жафодан энди не фойда?
 Ўлганга бунчалар тутмагин мотам,
 Аза бирла қайтиб тирилмас одам!

Узингни қутқаргин бу васвасадав,
 Дилингни халос эт ғаму ғуссадан!
 Ёшлигингни берма ҳавас — шамолга,
 Ширин ҳаётингни қўйма заволга.
 Бу сўзлардан етиб жонига азоб,
 Уларга шундай деб қайтарди жавоб:
 Менинг оташимдан эурсиз ғофил,
 Билмайсиз юрагим куймоқда не хил.
 Бу сўзнинг шамини ёққанларинг чоғ,
 Садпора юрагим яна бўлар доғ.
 Ёрим фироқида фақат куйишим,
 Бошқа ёнса агар бор нима ишим?!
 Қайсининг бўйи билан яшардим мудом,
 Улими қиссасин эшитиб тамом,
 Яшамоқдан бўлдим бир йўла безор,
 Ёшликнинг роҳати мен учун бекор.
 Ҳаётим боғида у эди баргим,
 Бугун усиз менинг яқиндир маргим.
 Бу ғамки, ёқмоқда мени беқиёс,
 Улимдан бошқаси этолмас халос.
 Васли, бу оламда бўлмади насиб,
 Шояд у дунёда қўл чўзар ғариб.
 Қандай соз бу ғамдан халос бўлсам гар,
 Севгилим ёнига етсам, ўлсам гар!
 Бўларман у билан шоду комрон,
 Мангу ишратига етиб беармон!

**Ҳаёт дарахтидан Лайлининг ҳусни жамоли япроқлари
 хазон бўлиб тўкилгани ва унинг Мажнун оёғи остида
 хокка қўйинглар деб васият қилгани**

Кузнинг нафасидан дарахтлар ларзон,
 Шамолдан тўкилди сарғайган хазон.
 Яшил либосидан яланғоч қолди,
 Барглари тўкилиб бир оғоч қолди.
 Ҳар гулу гиёҳи яшнаган гулзор,
 Рангини йўқотди, қолди фақат хор.
 Шубҳасиз товланди минг хил гўзал ранг,
 Фалак бўёқчиси этганда найранг.
 Гўзал товусларнинг қаноти синди,
 Чаманда булбулнинг садоси тинди.
 Мовий панжаралар ичидан қора —
 Йўқолиб, сарғая борди тобора.

Совуқ ҳаво солди бўстонга ғорат,
 Титраб юзларидан кетди тароват.
 Бу дардга чалинган чоғида ҳовуз,
 Юзини қоплади шиша каби муз.
 Шохида қолмагач баргнинг нишони,
 Дарахтга чирмашди Заҳҳок илони.
 Қон ичиб анорлар ёрилган замон,
 Қизариб тишлари бўлди намоён.
 Ошиқдек беҳининг юзлари заъфар,
 Соғлигидан зарра қолмаган асир.
 Норинжнинг шохлари турар осулиб,
 Яшил коптоқларни гўёки илиб.
 Сарғайган чилонлар барг аро пайдо,
 Юзлари мисоли ошиқи шайдо.
 Токларнинг шохида кўринган узум,
 Дурлар шодасидек товланар ҳар зум,
 Гоҳ сўри остидан кўринар яккаш,
 Осилган мисоли исёнчи ҳабаш,
 Қўлларин ўптирган чоғи ток қизи,
 Келиндек бармоғи эди қирмизи.
 Узилмаган ноклар турар бутоқда,
 Ол деб, қўлларини узатар доғда.
 Бодом ибрат билан турибди бесўз,
 Боқар ҳар тарафга тикилиб юз-кўз.
 Гуллаб яшнаган боғ бўлибди барбод,
 Қўфага¹ айланиб гўёки Бағдод.
 Бағдод хароб бўлиб Кўфага монанд,
 Бойқушу каргаслар юрибди хурсанд.
 Чор-атроф бўлибди тамоман вайрон,
 Куздан харобага айланиб жаҳон.
 Бағдод гўзаллари ҳасадида кул,
 Яъни Лайли ўшал чамандаги гул,
 Жон узмоқчи бўлиб ғаму ғуссадан,
 Улим азобига берган эди тан.
 Ийглаб дедикки, эй она, таянчим,
 Ифбатли, бокира, кўнгил юпанчим.
 Севги бешигида, эй Биби Марьям,
 Сабо Билқисидек² сенга монанд кам.
 Бир лаҳза кўргузиб меҳр ила ихлос,
 Ҳалқадек қўлингни гарданамга ос.

¹ Қўфа — Арабистондаги хароба шаҳар.

² Сабо Билқис — Сулаймон пайғамбарнинг хотини, Сабо шаҳрида малика бўлган.

Шафқатнинг юзини кўрсат юзимга,
 Эҳсон назари-ла боққил кўзимга!
 Бундан олдин қанча айтмасин мардум,
 Ҳолимга қилмаган эдинг тараҳҳум.
 Дўстга етишимга бўлдинг тўғаноқ,
 То унинг фурқати этмоқда ҳалок.
 У ҳижрон ғамидан ўлдию мен ҳам —
 Ўлмоқни истайман чин дилдан бу дам.
 Усиз ёруғ куним мисоли кеча,
 Жоним лабга етиб келди бир неча.
 Жоним лабларимдан узилган замон,
 Мотам либосини киймоғинг аён.
 Кўриб қоним ичра фарқ бўлганимни,
 Кўзларинг ёши-ла ювгил танимни.
 Исматим матоин манга кафан қил,
 Ранги кўз ёшимдек бўлсин қип-қизил!
 Ул ранг поклигимга бўлсин кафолат,
 Шаҳид кетганимга берсин далолат!
 Сийнанг оташини менга сандон эт,
 Жигаринг дудини мисли райҳон эт!
 Муҳтожлик рўмолин бошимга боғла,
 Ишқидан мағрур эт, суйиб, ардоқла.
 Ғам дудидан тортгил юзимга қаро,
 Бахт ўсмаси берсин қошимга оро.
 Севикли ёримни ёдингга олгил,
 Кейин жасадимни тобутга солгил.
 Унинг хоки сари бўлиб равона,
 Мозорида айла менга сағона!
 Оёғи остидан ковлагин чуқур,
 Менга макон бўлсин у дилкушо гўр.
 Бошим пойига қўй, топиб бир илож,
 Товони бошимда турсин мисли тож!
 Маҳшарда қўзғалгум то вафойида,
 Унгача ётайин хоки пойида.
 Онаси эшитган чоғда орзусин,
 Юзларига қўйди дард билан юзин,
 Йиғлаб дедики, эй фарзанди қобил,
 Менинг суҳбатимдан бўлдинг хастадил.
 Орзуйингга қарши чиқдим неча бор,
 Шу боисдан кўнглинг чекмасин озор!
 Ул кун ихтиёрим йўқ эди тугал,
 Сенинг тақдирингни этмоқ учун ҳал.
 Ихтиёрим қўлда бор экан бугун,
 Жон билан киришай мақсудинг учун!
 Лайли кўрди раво бўлгай матлаби,

Завқдан яшнаб кўлди тоза гул каби.
 Юз буриб қадрдон ёр юрти томон,
 Чиқди баданидан жони беармон.
 Она жон бермоғини кўриб бу фурсат,
 Ёшлигидан куйиб чекарди ҳасрат.
 Сочларини юлар бешала бармоқ,
 Юзига тортарди ғамдан шапалоқ.
 Аямай юзига тирноқ соларди,
 Тирноқ-тирноқ каби юлиб оларди.
 Оҳидан тушибон сийнасига чок,
 Гўё айлар эди ўзини ҳалок.
 Юраги устига қўймади у қўл,
 Фақат яра дилин эзгиларди мўл.
 Шу эди қалбига қўлидан роҳат,
 Шундоқ таскин топди ундан жароҳат.
 Азобдан дилида қолмагач бардош,
 Дард билан кўксига ураверди тош.
 Кўксига аёвсиз урилгани чоқ,
 Ҳарорати билан тош бўлди юмшоқ.
 Яна шундай инграб йиғлади дилхун,
 Ҳеч кимнинг бошига тушмасин ул кун!
 Сўнги йўл олдидан этишиб эъзоз,
 Тайёрланди барча керакли жиҳоз.
 Бундан олдин қандай истаса дили,
 Ораста этилди шундоқ маҳмили.
 Тобутга боғланди у дарахтсимон,
 Тўкилди ҳаёти шохидан хазон.
 Яъни бир гул эди, тенгсиз латофат,
 Унга ғорат солди ёвузлик — офат.
 Навбахори ўтиб бўлмасдан ҳануз,
 Жони томирига тикан санчди куз.
 Тахтиравон узра у ётарди «шод»,
 Она хоки роҳин ўпар солиб дод,
 Дўстлар елкасида у кетгани он,
 Онаси ортидан йиғлаб қолди қон.
 У кетди от суриб ёр манзилига,
 Фироқ тоши қолди она дилида.
 Қабилдан уни элтдилар нари,
 Йўл олиб Мажнуннинг мозори сари,
 Дўстининг ёнидан чуқур ўйдилар,
 Уни гавҳар каби хокка қўйдилар.
 Ёнма-ён бўлиб ул икки пок гавҳар,
 Тупроқ тўшагида мангу ухлашар!
 Бўлди икки ғамдан ўлган даргоҳи,
 Олам ошиқларин зиёратгоҳи.

Эҳсон ёмғирлари тинмай сочилсин,
Мозорлари узра гуллар очилсин!

**Олам бевафолиги ва ўткинчи ҳаётнинг шиддат ила заво
л топмоғи**

Бу дунё барига етказар заво,
Осуда дил унда бўлмоғи маҳол.
Мотамхона эрур қоронғию танг,
Не унда вафодан бўй бору не ранг.
Унинг тупроғидан унганда ҳар гул,
Ғам хоридан дили чок эрур буткул.
Боғида ҳар лола қад кўтарган чоғ,
Фанодан бўлгуси унинг қалби доғ.
Сарвининг кулоҳи самога етгай,
Ажал шамолидан юз тубан кетгай.
Фалак башарият ишонган маъво,
Мотамида кўк тўн кийгандир само.
Қуёшки доимо фалакда тутқун,
Завол даҳшатидан нур сочар беун.
Юлдузларки турар энг баланд тоғда,
Кундузлари сўниб, тўнлар ёнмоқда.
Бу паст қасрдаги турган устунлар,
Заволга етмоқда ҳам туну кунлар.
Гоҳ шамол ўчирса оташ чароғин,
Гоҳ самум оширар унинг қийноғин.
Гоҳ сувга ўприлиб тушганда тупроқ,
Шубҳасиз айлагай лойқаю ботқоқ.
Сув гоҳи сел бўлиб оқса даҳшатнок,
Тупроқ сийнасини айлайди юз чок.
Икки-уч кун агар қолишиб ноком,
Бир-бирин тийнати бирла бўлса ром.
У ром бўлиш эмас абадий мутлоқ,
Ҳаёт қуши учун қўйилган тузоқ.
Бу дом йиртилади билсанг бир онда,
Ул қуш ундан чўчиб учган замонда.
Зийрак қушдир улки қоқмаса қанот,
Тузоқ ҳалқасида кечирса ҳаёт.
Ўзига яширин йўл очиб магар,
Абадий жаннатга бўлар муяссар.
Тузоқни олдидан олишган замон,
Бўлар ўз йўлига равона аркон,
У ҳам насиб қилган масканга кетар,
Бундай тор қафасдан чаманга кетар,

Умиду даҳшату хорликлардан у,
Фароғат мулкига йўл олар мангу.
Нодон қушдир улки, тузоқни билмас,
Жон боғига асло бир назар қилмас,
Саодат йўлидан юз буриб буткул,
Маъшуқа деб билди тузоқларни ул.
Тузоқдаги сочу дона хол учун,
Бўлди абадий ул ишқига тутқун.
Маъшуқаси ундан юзин ёпган он,
Бошига тушди сўнг аёвсиз ҳижрон.
Етолмай севикли гўзал маъшуққа,
Фиғону ноласи етди Айюққа¹
Валекин фироққа йўлиққан жойда,
Фарёду фиғондан борми бир фойда?
Оғушида эмас севикли дилдор,
Фақат дарду ғамга бўлар гирифтор.
Ундан юз ўгирар шу янглиғ иқбол,
Осуда ҳаёти топади заво.
Жомий, ҳеч кимсага бермагил юрак,
Охир ундан кўнгил узмоғинг керак.
Олам аҳли янглиғ чекмагин кулфат,
Танҳолиғдан кечиб қидиргил улфат.
Доим бегонадан Мосуво бўлгил,
Ўз жавҳаринг бирла ошно бўлгил.
Этгил ташқарини буткул фаромуш,
Ўз жавҳаринг бирла бўлиб ҳамоғуш.
Азалий маъшуқа қучоғингда-ку,
Жавҳарингдан орзу айлайди кўзгу.
Ўздан ғайри урсанг ҳар нарсага чанг,
Ундан хира бўлар сенинг ойинанг.
Ойинангни юзи бўлганда хира,
Висол ишратига етмассан сира.
Шу боис кўзгунгдан аритсанг губор,
Висол йўли сенга очилар такроп.
Қачон кўзгунг юзи мусаффо бўлгай,
У йўл сенинг учун муҳайё бўлгай.
Қанчалар нур ёғиб бўлгай чароғон,
Ойна орадан кетгай бенишон.
Мағзинг пўчоғингдан бўлади худо,
Сенинг руҳинг билан қолади худо.
Йўқ, йўқки қолмассан сен ҳам бегумон,
У билан бўлурсан ўзингдан пинҳон.

¹ Айюқ — Сомон йўлидаги қизғиш юлдуз, осмондан киноя.

Азиз фарзанд Зиёвуддин Юсуф насиҳатида

Икки олам аро, эй тоза назар,
Кўзимга нур берган чароғон гавҳар.
Сенинг ёшинг гарчи етти ё саккиз,
Дил сендек бўлмоқни қўмсайди бу кез.
Сийратингда мавжуд бу эзгу рафтор,
Худодан доимо этгай умидвор.
Ул кунки, сарбаланд айлагай сени,
Донодил, аржуманд айлагай сени,
Илму ҳунар билан берсин камолот,
Беҳуда кезмоқдан асрасин ҳайҳот.
Ярамас ва нопок ишларга сира,
Қўлингни урмасдан юргин бокира.
Жаҳд айлаб қидиргил илму фазилат,
Яхшилиқ йўлига ишти, беиллат,
Бу илм дарёси, туби йўқ чуқур,
Изласанг топилар сен ахтарган дур.
Ҳар бир топганинга қилма қаноат,
Изла ундан яхши сиру синоат...
Енгилтак кимсалар барчаси эсиз,
Илм хушбўйини қилишмагай ҳис...
Доимо йўлингда бўлгилки огоҳ,
Бойлигу шуҳратдан қазилган юз чоҳ.
Жоҳиллик қилмагин йўлдан қоқилиб,
Кетма нодонлардек чоҳга йиқилиб.
Тақдир қароқчиси, ҳушёр бўл ахир,
Сийму зари билан этмасин асир.
Кумушу олтинга қўймагин ҳавас,
Йўлингдан тўхтама асло бир нафас.
Ҳар йўлдан адашган, бўлгилки ҳушёр,
Йўлингда дев каби турар устивор...
Дилингга ўғитим агар бўлса ёр,
Айтганларим кетмас беҳуда зинҳор.
Айтиш лозим бўлган сўзларни айтдим,
Гавҳардан иборат ҳар тизган байтим.
Ишдан қолди энди тил билан қўлим,
Сенга қаламимни қолдирдим, ўғлим.

Китоб хотимасида сўнги сўз

Ҳар қанча бахтсизлик топгай ниҳоя,
Сен учун бу орзу, Жомий, кифоя.
Маънолар мавжидан кўксингда туғён,
Соҳилга етганда бу кема шоён.

Нўҳнинг кемасидан кўра дилором,
Руҳга виқор бергай, кўнгулга ором.
Ҳар бир саҳий кимса этганда карам,
Саховати бирла эрур мукаррам.
Йўқ, йўқ, эҳсон баҳри ичида дема,
Қуруқликдан келар асли бу кема.
Лаби қақраб босар кема каби йўл,
Етти дарёдан ҳам лаби бўлмас ҳўл.
Ҳиммат осмонида бир қуёш эрур,
Давлат дафтарига айрибош эрур.
Тириклик боғининг сўлим меваси,
Мангулик айшидир унинг шеваси.
Бобил афсунгари тузган фасона,
Бедил ошиқлардан ғамли афсона.
Озурда диллардан бу гўзал дoston,
Лол қотган тиллардан бу янги армон.
Яра юракларнинг доғига марҳам,
Берар беқарорлар дардига барҳам.
Гўзаллар ҳуснига пардоз айловчи,
Ошиқлар майлини уйғотган совчи,
Сирлар бўстонида қўнгувчи булбул,
Гулбутоқда шавқдан этганда гулгул,
Унинг нағмасидан янграб осмонлар,
Титроққа киргайдир эшитган жонлар.
Ундан париюзлар бозори чаққон,
Азонлаб ошиқлар чекишар фиғон.
Латиф сўзларини эшитсанг хумор,
Сенинг кўзларинга кўринар баҳор,
Шодликдан бағишлар гулларга кулгу,
Булултар кўзини йиғлатади у.
Тонглар натижаси сеҳрда тенгсиз,
Дурлар хазинаси мисоли денгиз,
Ширин шакардурур бу янги баён,
Шакарқамишдан ул томгани аён.
Бу қанддан бир ушоқ, олсанг агарда
Тенг келар юз халта тоза шакарга.
Қани Низомийи доно, хушкалом,
Унга шакаримни айласам инъом.
Бу жомдан татиса бир томчи шарбат,
Оғзи चुчиб балки топарди рағбат.
Не нафки, юз денгиз захира бўлса,
Уйинг олдидаги сув хира бўлса.
Эски кўзаларда бўлмасин тилло,
Ташна сувли кўза излайди, илло!
Деҳли тахтадаги Хусрав қаёнда,

Иўқ эди у каби сахий жаҳонда.
 Менга савго айлаб токи тахту тож,
 Ўзининг юртидан келтирсин хирож.
 Юрак газнасида этиб баҳравар,
 Менинг айтганимга сочсә, у гавҳар.
 Субҳоноллоҳ ўзи бу қандай савдо?
 Кўнглимнинг тилаги, бу қандай гавго?
 Мен ўзи кимману, мақтайман ўзни?!
 Аслида ким айтар бу янглиғ сўзни?!
 Бу элнинг одати эрур доимо,
 Мақталар нархидан ошиқча мато.
 Эшакмунчоқ сотгич мақтаб бонг урар,
 Икки юз феруза бир дирҳам турар.
 Феруза деб қўяр сополига ном,
 Элнинг диққатини тортгали мудом.
 Бир неча сополнинг синигин мен ҳам,
 Ҳийла бирла этдим ўзаро маҳкам.
 Сополимни мақтаб, бақириб ҳар ён,
 Гавҳар сотувчидек қилдим тўполон.
 Ҳар ким сотиб олса бу сўзларни шод,
 Эзгулик жазоси бўлар мукофот!
 Гарчи сўзим юксак эмасдир буткул,
 Лекин барча сўздан мен учун мақбул.
 Қарғалар ўзининг боласини хўп,
 Тўти боласидан яхши кўрар кўп.
 Шоир юрагидан ҳар бир шеърий банд,
 Дунёга келади мисоли фарзанд.
 Хунук бўлганда ҳам фарзанд ҳар маҳал,
 Отанинг кўзига кўринар гўзал.
 Қаламинг учини чархлаб, эй инсон,
 Ғалтак тузгин унинг завқидан шодон.
 Унинг учи билан ёзиб гўзал хат,
 Ғалтакдан мушкин ип тортиб ол фақат.
 Ҳар сўздан у бўлсин мен учун маъқул,
 То гўзал рақами мени этсин қул.
 Инсоф бирла сўзла маъносига хос,
 Бичгин унга айбин ёпувчи либос!
 Шеър гўзал бўлсаю битиги ҳам нек,
 Эзгуликка мадад бўлади, ва лек,
 Ёмон хат либосин чиққанда кийиб,
 Айбжўйлар кўзига кўринар майиб.
 Қўлингдан келса гар яхшилик қидир,
 Айбини излашга уринма ҳеч бир!
 Беҳуда урмагин ўз қаламингни,
 Езма майда-чуйда ғам-аламингни!

Ҳар сўзни кўчирсанг хунук хат билан,
 Ўзингнинг айбингдир, ёзгин ҳад билан.
 Менинг гуноҳимни санасанг агар,
 Майиб эканингни яшир бир қадар.
 Хушхатликни агар қилмасанг удда,
 Худо ҳаққи ҳушёр бўлиб ёз жуда.
 Ҳар ҳарфу битикни сўзда тўғри ёз,
 Тўғрилиқ оламда ҳар ҳунардан соз.
 Ёзиб тугатганда ташлагин назар,
 Асл нухасига бўлсин баробар.
 Ишни ўзинг қилиб аввалдан расво,
 Бошқаларга тўнкаб юрма сўнг асло!
 Кўпиклар сочингми оғзингдан бетабъ,
 Тупроққа тушганда ўзинг ол ялаб.
 Тугаган чоғида бу гўзал дoston,
 Йил эди саккиз юз тўққиз ҳам саксон¹.
 Унинг ҳисобига қўл урсанг ҳар пайт,
 Уч минг саккиз юзу олтмиш чиқар байт.
 Бу андиша олиб юрагимдан жой,
 Чўзилди тўрт ёки салкам беш ой.
 Ҳар куни бир-икки-уч соат доим,
 Кўнглимда бу орзу бўларди ҳоким.
 Соатлаб ўтирсам эди доимо,
 Икки-уч ҳафтада бўларди адо!
 Мен ғариб шунчалар этдимки азм,
 Охири тугади бу дилкаш назм.
 У юлдуз бўлмагай гарчи осмонга,
 Лекин овозаси тўлсин жаҳонга!
 Поклар саҳар чоғи айланг илтижо,
 Менинг гуноҳимни кечирсин худо.

¹ Ҳ и ж р и й 889 йил (1484— мелодий йилга тўғри келади).